

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги
Муқимий номли Қўқон Давлат педагогика институти

Турахужаева Адиба

ҲОЗИРГИ ЎЗБЕК АДАБИЙ ТИЛИ

**(лексикология, фразеология,
луғатшунослик)дан**

ўқув – услубий қўлланма



ҚЎҚОН – 2006

Ушбу ўқув-услубий қўлланма педагогика институтларининг бошланғич таълим методикаси мутахассислиги бўйича таълим олаётган талабаларга мўлжаллаб ёзилган. Ундан илмий тадқиқотчилар, ўзбек тилишунослиги билан қизиқувчи барча китобхонлар фойдаланишлари мумкин.

Тақризчилар:

**филология фанлари номзоди
З.Исаков ва шайтувчи О.Парпиев**

Қўлланма Муқимий номидаги Қўқон Давлат педагогика институти БТМ кафедрасининг 2007 йил 5 сентябрдаги 1-йиғилишида кўриб чиқилган ва нашрга тавсия этилган.

Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология, фразеология, луғатшунослик)дан (ўқув – услубий қўлланма) Муқимий номи ҚДПИ – 2006, 61 б. Турахужаева А.

ЛЕКСИКОЛОГИЯ – ТИЛНИНГ ЛУҒАТ БОЙЛИГИНИ ЎРГАНУВЧИ СОҲА

Таянч тушунчалар: лексикология, лексика, луғат таркиби, луғавий бирлик, лексик бирлик, фразеологик бирлик, умумий лексикология, хусусий лексикология, қиёсий лексикология, тарихий лексикология, семасиология, этимология, ономасиология, ономастика.

РЕЖА

1. Тилнинг луғат таркиби ҳақида маълумот.
2. Лексикологиянинг тармоқлари ва қисмлари.
3. Лексикологиянинг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари.

Лексикология грекча *leikos* – сўз ва *logos* – таълимот сўзларидан олинган бўлиб, тилшуносликнинг тилнинг луғат таркибини, сўз бойлигини ўрганувчи, тадқиқ этувчи алоҳида бир соҳасидир.

Тилнинг луғат таркиби муайян тилда мавжуд бўлган сўз ва иборалар мажмуидан иборатдир. Сўз ва иборалар биргаликда тилнинг луғавий бирликларини ташкил этади. Сўз – лексик бирлик, ибора эса фразеологик бирлик деб юритилади.

Ўзбек тили луғат таркиби кенг маънода адабий тилдаги сўзлар билан бир қаторда шевалар ҳамда касб-хунарга, шунингдек, маълум ижтимоий гуруҳга оид сўзларни ҳам ўз ичига қамраб олади. Киши исмлари, лақаблар, тахаллуслар (антропонимлар), жой номлари (топонимлар), юлдуз ва сайёралар номлари (астропонимлар), ҳайвонларга берилган махсус номлар (зоонимлар) каби атоқли отлар ҳам тилнинг луғат таркибига киради. Луғат таркиби тилнинг бойлигини ўзида акс эттиради. Қайси тил сўзга бой бўлса, ўша тил шунчалик тараққий этган ҳисобланади.

Тилнинг луғат таркиби доимо ўсишда, ўзгаришда бўлади. Бунда ўтмишда ишлатилган бир қанча сўзларнинг эскириб истеъмолдан чиқиши, авваллари фаол қўлланган сўзларнинг нофаол катламга ўтиши, илгарилари кам ишлатилган сўзларнинг фаоллашиши, сўз маъносининг кенгайиши ва торайиши, сўзларнинг кўчма маънода қўлланиши каби ҳолатлар кузатилади. Жамият тараққий этиб бориши натижасида тилнинг луғат таркиби икки омил: ички ва ташқи манбалар асосида бойиб боради. Ички омил дейилганда ўзбек тилининг ўз имкониятлари, қонун-қоидалари асосида янги сўзлар ҳосил қилиниши, ясалиши ҳамда шева ва лаҳжалардан адабий тилга сўз қабул қилиниши тушунилади. Луғат таркиби ташқи манба – бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали ҳам бойийди.

Тилнинг луғат таркиби маъносида лексика атамаси ҳам қўлланилади. Дарҳақиқат, лексика – тилдаги сўзларнинг йиғиндиси, мажмуидир. Лексика атамаси адабий тилнинг луғат таркиби маъносида қўлланиши билан бир қаторда бирор шева ёки лаҳжанинг, маълум бир касб-хунар, соҳанинг луғат

таркибини ифодалаш учун ҳам ишлатилади. Масалан, ўзбек шевалари лексикаси, ўғуз лаҳжаси лексикаси.

Лексикологиянинг тармоқлари ва қисмлари. Лексикологиянинг бир неча тармоқлари бор: 1) умумий лексикология, 2) хусусий лексикология, 3) қиёсий лексикология, 4) тарихий лексикология, 5) ҳозирги лексикология.

Умумий лексикология барча тиллар лексикасига хос бўлган умумий қонуниятлар, ҳодисаларни ўрганиш билан шуғулланади. Хусусий лексикологияда муайян бир тилнинг сўз бойлиги ўрганилади. Қиёсий лексикологияда бир неча қариндош тиллар лексикаси бир-бирига чоғиштириш, қиёслаш асосида текширилади, улар ўртасидаги бир хиллик ва тафовутлар очиб берилади. Тарихий лексикологияда аниқ бир тилнинг ўтмишдаги, маълум бир даврдаги лексикаси тадқиқ этилади. Ҳозирги лексикология бирор тил лексикасининг ҳозирги даврдаги ҳолатини ўрганади. Лексикологиянинг қайд этилган бу тармоқлари ўзаро мустақкам боғлангандир. Улар бир-бирининг материалига таяниб иш кўради.

Лексикология бир неча қисмлардан иборат: 1) семасиология, 2) этимология, 3) ономасиология, 4) ономастика.

Семасиологияда сўз ва унинг маъноси, лексик маъно типлари, семема ва унинг таркиби, лексик маъно тараққиёти, лексик маънонинг миқдорига кўра типлари, сўзларнинг маъновий муносабатига кўра турлари, сўзларнинг шаклий муносабатига кўра типлари ўрганилади. Этимология сўзларнинг келиб чиқиши масалалари билан шуғулланади. Ономасиология нарса ва ҳодисаларга ном бериш жараёнини ўрганади. Ономастика атоқли отларни ўрганувчи, тадқиқ этувчи алоҳида бир соҳадир. Унинг антропонимика (киши исмларини илмий жиҳатдан ўрганади), топонимика (жой номларини ўрганади), этнонимика (уруғ, қабила, қавм, миллат номларини ўрганади), космонимика (осмон жисмлари – юлдузлар, сайёралар, юлдузлар туркумлари номларини ўрганади), зоонимика (қуш ва ҳайвонлар учун махсус қўйилган лақаб-номларни ўрганади), ктематонимика (маънавий, маданият обидаларининг, илм-фан, техникага ҳамда бадиий адабиётга оид асарларнинг номларини ўрганади) сингари тармоқлари бор.

Лексикологиянинг ўрганиш объекти, мақсад ва вазифалари.

Лексикологиянинг объекти тилнинг луъат бойлигидир. Бу бойлик тилшуносликда лексика деб аталади, у муайян тилдаги барча сўзларни ва шу сўзлар боъланишидан таркиб топган кўчма маоноли ыурилмаларни (ибораларни) шз ичига олади.

Лексикологиянинг предмети – луъу бойлигининг тузилиши ва системавий хусусиятларини, тараъийёт ёнуниятларини, тилнинг бошья сатхлари билан алоъасини таъйиы ыилишдир.

Лексикологиянинг вазифалари: а) бирор тил луъат бойлагидаги эскириш ва янгиланиш жараёларини, бу жараётларда лисоний ва нолисоний омилларнинг иштирокини шрганиш; б) луъавий бирликларнинг вазифавий – маоновий тавсифини бериш сўзларнинг маоно гуруъларини аниылаш, янги ва

замонавий ыатламларни тадыиы этиш; с) талабаларни лексикага оид назарий билимлар билан ыуроллантириш, лексик тахлил намуналарини шргатиш.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. *Лексикология деб нимага айтилади?*
2. *Тилнинг лугат таркиби деганда нимани тушунаси?*
3. *Тилнинг лугат таркиби қандай манбалар асосида бойийди?*
4. *Лексика нима? Лексика атамасининг қўлланилишига изоҳ беринг.*
5. *Лексикологиянинг қандай тармоқларини биласиз?*
6. *Лексикология неча қисмдан иборат?*
7. *Семасиологияда қандай масалалар ўрганилади?*
8. *Этимология нима?*
9. *Ономасиология нимани ўргатади?*
10. *Лексикологиянинг асосий мақсад ва вазифаларига нималар киради? Бу ҳақда билганларингизни сўзлаб беринг.*

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 4-10-бетлар.*
2. *Шоабдурахмонов Ш., Асқарова М., Ҳожиев А., Расулов И., Дониёров Х. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 103-104-бетлар.*
3. *Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент, 2000, 3-4-бетлар.*
4. *Ирисқулов М. Тилшуносликка кириш. Тошкент, 1992, 90-92-бетлар.*
5. *Турсунов У., Мухторов Ж., Раҳматуллаев Ш. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 49-53-бетлар.*
6. *Қиличев Э. Ҳозирги ўзбек адабий тили (маъруза матнлари). Бухоро, 2001, 58-59-бетлар.*
7. *Ҳозирги ўзбек адабий тили. I жилд. Тошкент, 1966, 94-95-бетлар.*
8. *Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? Тошкент, 1972.*
9. *Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент, 1982.*

СЎЗНИНГ СЕМАНТИК ТАРКИБИ. БИР МАЪНОЛИ ВА КЎП МАЪНОЛИ СЎЗЛАР

Таянч тушунчалар: лексик маъно, лексик маъно ва тушунча, бош маъно ва ясама маъно, тўғри маъно ва қўчма маъно, номинатив маъно ва мажозий маъно, эркин маъно ва бoғли маъно, этимологик лексик маъно, қўшимча оттенка, ҳиссий бўёқ, услубий белги.

РЕЖА

1. Сўзнинг семантик таркиби ҳақида умумий маълумот.
2. Лексик маъно турлари.
3. Қўшимча оттенка. Сўзларда ҳиссий бўёқ ва услубий белгининг ифодаланиши.
4. **Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар**

Сўзнинг семантик таркиби шу сўзга хос бўлган икки ҳодисани: лексик маъно ва қўшимча оттенкани ўз ичига олади. Сўзнинг семантик таркибига алоқадор бўлган мана шу ҳодисаларни ўрганувчи соҳа **семасиология** дейилади.

Маълумки, тилдаги барча сўзлар муайян бир маънога эга бўлади. Лекин улар объектив борлиқдаги нарса-ҳодиса, белги, ҳаракат кабиларни билдириши (тушунча ифодалаши) ва бундай хусусиятга эга бўлмаслиги мумкин. Худди мана шу нуқтаи назардан сўзлар икки гуруҳга: 1) тушунча ифодалайдиган сўзлар ва 2) тушунча ифодаламайдиган сўзларга бўлинади. Тушунча ифодалаш – фақат мустақил сўзларга (олмош бундан мустасно) хос хусусиятдир. Масалан, пахта, сув, китоб, оқ, қизил, текис, тез, секин, ўйламоқ, югурмоқ, ушламоқ сўзлари маълум нарса, белги, ҳаракатни билдиради, шу нарса, белги, ҳаракат ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Бу хусусият шу сўзларнинг маъноси ҳисобланади.

Мустақил сўз туркумларидан бошқа туркумларга оид сўзлар, чунончи, ёрдамчи сўзлар (билан, учун, ва, ҳамда, агар, ҳатто, башарти кабилар), ундовлар (эх, эҳе, оҳ, воҳ, уф, эй, вой сингарилар), тақлид сўзлар (так, гуп, шип, лип-лип, йилт-йилт, дуп-дуп, дук-дук ва бошқалар), модал сўзлар (албатта, дарвоқе, эҳтимол, шубҳасиз, дарҳақиқат кабилар) тушунча ифодаламайди. Чунки бу сўзлар объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат кабиларни атамайди. Шу боис уларда тушунча ифодалаш хусусияти йўқ.

Демак, айтилганлардан англашиладики, фақат тушунча ифодалайдиган сўзларгина лексик маънога эга бўлади. Тилдаги сўзларнинг асосий қисмини ана шу типдаги сўзлар ташкил этади.

Лексик маъно ва унинг турлари. Сўзнинг объектив борлиқдаги нарса, белги, ҳаракат ва шу кабилар ҳақида маълумот берувчи мазмуни лексик маъно дейилади. Масалан, олма, ўрик, тош, китоб, дафтар, қўл, ручка, қалам сўзлари предмет-нарсаларнинг маълум бир турини; шўр, аччиқ, нордон, катта, кичик, чуқур сўзлари маълум бир белгини; урмоқ, чопмоқ, ушламоқ, ишламоқ,

ўйнамоқ, сакрамоқ сўзлари маълум бир ҳаракатни; уч, беш, ўн, йигирма, эллик, юз, минг сўзлари маълум миқдорни билдиради, шулар ҳақида маълумот беради. Булар мазкур сўзларнинг лексик маъноси ҳисобланади.

Лексик маъноли сўзлар нарса, белги, ҳаракат кабиларнинг айнан ўзини эмас, балки улар ҳақидаги тушунчани ифодалайди. Тушунча эса бу объектив борлиқдаги нарса-ҳодиса, белги, ҳаракатнинг киши онгидаги умумий инъикосидир. Тушунча бир турдаги нарса-ҳодисаларга хос бўлган белгиларни умумлаштиради. Масалан, дарахт, тоғ, тош ҳақидаги тушунча барча тоғ, тош ва дарахтларга хос умумий белгиларни бирлаштиради. Дарҳақиқат, борлиқда дарахтнинг тури жуда кўп, унинг миқдори беҳисоб. Дарахт сўзи шулардан аниқ биттасини атамайди, балки шу предмет ҳақидаги умумий тушунчани ифодалайди.

Лексик маъно ва тушунча ўзаро узвий боғлиқдир. Ҳар иккиси сўзнинг семантик таркибидаги асосий ҳодисалар саналади. Аммо лексик маъно ва тушунча тенг ҳодисалар эмас. Лексик маъно тилга оид ҳодиса, тушунча эса тафаккурга хос ҳодисадир.

Лексик маънонинг бир қанча турлари бор. Булар лингвистик адабиётларда бош маъно ва ясама (ёки ҳосила) маъно, тўғри маъно ва кўчма маъно, номинатив (номловчи) маъно ва мажозий маъно, эркин маъно ва боғли маъно, асос маъно ва ясама маъно, генетик маъно ва ҳосила маъно, ўзак маъно ва ясама маъно, асос маъно ва тобе маъно, этимологик маъно сингари типларга ажратилиб талқин этилади. Бу лексик маънога турлича, ҳар хил нуқтаи назардан ёндашилганлигини кўрсатади.

Бош маъно ва ясама (ҳосила) маъно. Сўзнинг бирламчи, дастлабки, асосий маъноси бош маъно дейилади. Бошқача қилиб айтганда у ёки бу лексик маънонинг вужудга келиши, ўсиб чиқиши учун асос бўладиган маъно бош маънодир. Бош маъно тараққиёти асосида ҳосил бўлган маъно ясама маъно деб юритилади. Масалан, **очик** сузсининг бош маъноси “беркланмаган” демакдир: очик дераза, очик дарвоза. Эшик ва даричалар очик бўлсам ҳам, уйда биров кўринмади (А.Қодирий). Очик сузсининг мана шу бош маъноси таъсирида юзага келган: 1) “аниқ, равшан, яширмай” (очик бажармоқ, очик айтмоқ, очик сўзламоқ. Элмурод кўнглидагини **очик** айтиб қўя қолди – П.Турсун); 2) “хушфеъл, хушмуомала” (очик қиз, очик одам. У ичи кирсиз, серкулги, **очикқина** бир йигит эди – А.Қодирий) маънолари ясама (ҳосила) маънолардир.

Тўғри маъно ва кўчма маъно. Лексик маъноларнинг бу икки тури юқорида қайд этилган бош маъно ва ясама маъноларга ўхшаш. Дарҳақиқат, сузнинг бош маъноси одатда **тўғри маъно** деб, ясама маъно эса **кўчган маъно** деб қаралади. Масалан **кўз** сўзининг бош маъноси унинг одам аъзоларидан бирининг номини – кўриш органини ифода этишидир. Бу айни вақтда тўғри маъно ҳамдир (Бобомнинг **кўзи** ҳали яхши кўради). Кўз сузсининг **деразанинг кўзи, булоқнинг кўзи, ёғочнинг кўзи, узукнинг кўзи, хуржуннинг кўзи** бирикмаларидаги маънолари ясама маънолар, шунинг билан бир қаторда кўчма маънолардир. Шунингдек, **бурун, қулоқ, тиш, оғиз** сузлари **одамнинг бурни, одамнинг қулоғи, одамнинг тиши, одамнинг оғзи** боғланишларида бош ва

тўғри маънода, **чойнакнинг бурни, қозоннинг қулоғи, арранинг тиши, ғорнинг оғзи** бирикмаларида эса ясама ва кўчма маънода ишлатилган.

Номинатив (номловчи) маъно ва мажозий маъно. Обьектив борлиқдаги бевосита тушунча билан боғланувчи нарса – ҳодиса, белги, ҳаракатни ифодаловчи, унинг номи бўлиб хизмат қилувчи лексик маъно номинатив (номловчи) маъно дейилади. Номинатив маъно воқелик билан бевосита боғланади. Масалан, **гул, тил, калит, қизармоқ, терламоқ** сузларининг бош маънолари номинатив маънолардир. Мажозий маъно нарса, белги, ҳаракат билан бевосита боғланмайди. У номинатив маъно орқали уларга алоқадор саналади. Чунончи, **гул** сузсининг номинатив маъноси ўсимлик турларидан бирининг номини англатиб келишидир. Шу суз **йигитларнинг гули** бирикмасида **“ноёб”, “сара”** маъносини англатади. Бу – мажозий маъно саналади. **Гул** – ўсимлик номи сифатида бевосита воқелик билан боғланган. Мажозий маънода эса воқелик билан сузнинг номинатив маъноси орқали боғланиб келган. **Тил** сузси **одамнинг тили** бирикмасида “оғизда жойлашган ва таъм – маза билишга хизмат қиладиган аъзо” маъносини – номинатив маънони англатса, **деҳқончиликнинг тилини билмоқ, машинанинг тилини билмоқ** боғланишларида **“нозик томон”, “сир”** маъносини – мажозий маънони билдиради.

Эркин маъно ва боғли маъно. Нутқда реаллашиш ҳолатига кўра лексик маъно икки турга: эркин маъно ва боғли маънога бўлинади. Профессор А.Ҳожиёвнинг таъкидлашича, эркин маъно нарса, белги, ҳаракат билан бевосита боғланадиган маъно бўлиб, унинг реаллашуви маълум контекстга, сўз қуршовига боғлиқ бўлмайди. Масалан, **ўйин** сўзининг **ракс** маъноси, **чекмоқ** сўзининг **ичга тортмоқ** маъноси, **югурмоқ** феълининг **чопмоқ** маъноси, **чап** сўзининг **ўнгнинг акси** маъноси **эркин маъно** ҳисобланади. Бу маънолар ҳеч қандай қўшимча воситага боғлиқ бўлмаган ҳолда реаллаша олади.

Боғли маъно маълум сўз ёки сўзлар қуршовидагина реаллашади. Бундай маънонинг юзага чиқиши учун маълум сўз шу боғлиқ маънони реаллаштирадиган сўз ёки сўзлар билангина қўлланади. Масалан, **чекмоқ** феъли “бошидан ўтказмоқ” маъносини англатиши учун **ғам, алам, ташвиш, озор** сўзлари билан қўлланиши лозим. Бу сўзларсиз чекмоқ феълининг юқоридаги маъноси нутқда намоён бўлмайди. Шу боис ушбу сузнинг маъноси боғли маъно саналади.

Қўшимча оттенка. Сўзнинг семантик таркибида лексик маънодан ташқари қўшимча оттенка ҳам мавжуд бўлади. Қўшимча оттенка дейилганда ҳиссий бўёқ ва услубий белги тушунилади. Ҳиссий бўёқ лексик маънога қўшимча тарзда субъектнинг турли ҳиссий муносабатларини (ҳис-туйғуларини, кайфиятини) ифодалайди. Ҳиссий бўёқ икки хил: 1) ижобий, 2) салбий бўлиши мумкин. Чунончи, юз, бет, афт, башара, турқ, чехра, жамол сузлари лексик маъно англатиши жиҳатидан бир хил, ҳиссий бўёққа кўра эса фарқли. Булардан афт, башара, турқ - салбий ҳиссий бўёқни, чехра, жамол – ижобий ҳиссий бўёқни англатади. Жилмаймоқ, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ сузларида жилмаймоқ субъектнинг маълум даражада ижобий муносабатини, илжаймоқ, иржаймоқ, тиржаймоқ, ишшаймоқ, иршаймоқ эса

салбий ҳис-туйғуни ифодалайди. Индамас, писмиқ, минғаймас синонимик қаторида писмиқ, минғаймас сўзлари салбий оттенка белгисига эга. Новча ва найнов сузларида найнов сўзи салбий муносабатни билдиради. Новча сўзи эса ҳеч қандай ҳиссий бўёққа эга эмас. Демак, сўзнинг семантик таркибида ҳиссий бўёқ бўлиши ҳам, бўлмаслиги ҳам мумкин.

Услубий белги сўзнинг бирор нутқ услубига хосланганлигини кўрсатади. Масалан, **озод ва ҳур, овоз ва нидо** сўзларида **ҳур** ҳамда **нидо** сузлари бадий услубга хосланганлиги билан ажралиб туради. Лолагун, ишваноз, дилбанд, жилвакор, санам, фараҳ, ёвқур, гулгун, башар, сарафроз, нигорон, туғён, янглиғ, моҳтоб сўзлари ҳам бадий услубга хос сузлар ҳисобланади. Чиройли ва кетворган, пул ва муллажиринг, чидам ва тўзим, офарин, ўлманг, яшанг сўзлари қаторида кетворган, муллажиринг, тўзим, ўлманг, яшанг сузлари оддий сўзлашув услубига хосдир. Услубий белги семантик таркибда албатта бўлиши шарт эмас. Қайд этган юқоридаги мисолларимизда чиройли, пул, чидам, офарин сўзларининг бирор услубга хослик белгиси йўқ.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, сўзнинг семантик таркиби лексик маъно ва қўшимча оттенкадан ташкил топади. Лексик маъно турли нуқтаи назардан бир неча типларга ажратилиб ўрганилади. Сўз маъноларини чуқур ўрганиш унинг семантик қурилишини тасаввур қилиш имконини беради.

Бир маъноли ва кўп маъноли сўзлар. Сўзлар бир маъноли ва кўп маъноли бўлади. Бир маъноли сузлар моносемия, кўп маъноли сузлар полисемия деб юритилади.

Фақат битта лексик маънони ифодаловчи сўзлар **бир маъноли сузлар (моносемия)** дейилади: шаҳар, қишлоқ, пойтахт, маҳалла, вазир, аския, дин, жилға, зовур, кечув, китоб, дафтар, трактор каби. Кўпинча илмий атамалар бир маъноли бўлади: туюқ, рубой, пейзаж, мисра, ғазал, маснавий, қофия (адабиётшуносликда), келишиқ, метатеза, урғу, фонема, сифатдош, равишдош, кесим, тўлдирувчи (тилшуносликда), оқсил, азот, водород, кальций, хлор (химияда), компас, меридиан, масштаб, харита, экватор (географияда), махраж, мусбат, манфий, сурат, куб, синус, косинус, квадрат (математикада), жисм, энергия, магнит, буғланиш (физикада) сингари.

Икки ёки ундан ортиқ маънони ифодаловчи сузлар **кўп маъноли сузлар (полисемия)** деб аталади. Кўп маъноли сузлар деярли барча сўз туркумларида учрайди. Уларга **ер, кўз, бош, йўл, дунё, куч** (отлар), **оқ, қора, баланд, паст, катта, кичик, ўткир** (сифатлар), **кўтармоқ, ўчирмоқ, бўлмоқ, олмоқ, ажратмоқ** (феъллар) сўзларини киритиш мумкин.

Полисемия икки йўл билан юзага келади: **1. Сўзнинг янги маънолар касб этиши натижасида. 2. Кўп маъноли сўздан ёки кўп маъноли аффикс воситасида сўз ясалиши натижасида.**

Биринчи йўл – сўзнинг янги маънолар касб этиши асосий ва етакчи йўл ҳисобланади. Бу йўл воситасида тилимизда жуда кўплаб полисемем сузлар ҳосил қилинган. Шу йўл асосида юзага келган кўп маъноли сўзларга **ер, тил, кўз, гул, қалин, катта, ўчирмоқ, термоқ, кўтармоқ, олмоқ** каби сўзлар мисол бўла олади. Бу сузлар 4 тадан тортиб 20 тагача маъно ифода этади. Мисол тариқасида **қалин** сўзининг қуйидаги гаплардаги маъноларини кўрсатиш

мумкин: **Қалин** кўрпача устида савол – жавобга кулоқ солиб ўтирди (М.Исмоилий). Қуёш секин-аста кўтарилиб, **қалин** шохлар орасидан мўралай бошлади (И.Раҳим). Жинчироқ ҳам кўринмайди, уй ичи **қалин** тутун (Ойбек). Бозор куни бўлганидан расталарда одам **қалин** (Ойбек). Низомжоннинг энг **қалин** ошнаси Каримжон ҳам фронтга кетди (С.Аҳмад). Мисолларимизда қалин сўзи “серпахта, иссиқ”, “бир-бирига яқин, зич жойлашган”, “қуюқ, зич”, “қўп, мўл”, “қадрдон, яқин, жонажон” маъноларини ифодаламакда. Қалин сўзининг юқоридаги маъноларига эътибор берилса, улар ўртасида алоқа (боғланиш) борлигини яққол сезиш мумкин. Бу шу маъноларнинг бири бошқасидан келиб чиққанини кўрсатади.

Полисемем сузларнинг ҳосил бўлишида иккинчи йўлнинг ҳам алоҳида ўрни бор. Бунда кўп маънолилиқ ясама сўзлар воситасида юзага келади. Агар сўз (ўзак) кўп маъноли бўлса, ундан ясалган ясама сўзлар ҳам кўп маънони ифода қилади.

Полисемем суз **баланд** сўзидан –ла кўшимчаси орқали феъл ясалганда, ясама сўз (баландламоқ) ҳам кўп маънога эга бўлади: Кўтарма кўзга кўриниб, сув **баландлаб** борди (И.Раҳим). Ҳамсухбатим гапини шивирлаб бошласа ҳам, бир зумда овози **баландлаб** кетди (“Муштум”дан). Нарх-наво анча **баландлаб** қолди (Сўзлашувдан). Келтирилган мисолларда баландламоқ сўзи “юқорилашмоқ”, “кучаймоқ”, “ортмоқ, қимматлашмоқ” маъноларини ифода этмоқда.

Полисемантик сўзларнинг бир гуруҳи ясовчи кўшимчаларнинг кўп маънолилиги асосида ҳосил бўлган. Масалан, **ёғли** ясалмаси: 1) “ёғ юқли” ва 2) “серёғ” маъноларини англатади. **Ёғли** қўлини сочиққа артди. Дастурхонга **ёғли** палов келтирилди. Бунда **ёғли** сўзининг кўп маъноли бўлишига –ли кўшимчасининг полисемантиклиги сабаб бўлган. **Гулчи** сўзи – “гул экиб, уни етиштирувчи” ва “гул сотувчи” (гулфуруш) маъноларини билдиради.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Сўзнинг семантик таркибига нималар киради?
2. Лексик маъно нима?
3. Тушунча нима?
4. Лексик маънонинг қандай турларини биласиз?
5. Қандай маънолар номинатив маъно, қандай маънолар мажозий маъно деб аталади?
6. Эркин ва боғли маъноларнинг бир-биридан фарқини тушуниринг.
7. Кўшимча оттенка нима?
8. Ҳиссий бўёқ деганда нимани англайсиз? Бундай бўёқли сўзларни мисоллар асосида тушуштириб беринг.
9. Услубий белги нима? Шундай белгиси бор бўлган сўзларга мисоллар топинг.
10. Бир маъноли сузлар деб нимага айтилади?
11. Кўп маънолилиқ ҳақида сўзланг?
12. Полисемем сузлар қандай йўллар билан юзага келади?
13. Кўп маънолилиқнинг ясама сўзлар воситасида юзага келишига мисоллар келтиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 103-104-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 89-95-бетлар.
3. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 198-207-бетлар.
4. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент, 1975.
5. Миртожиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент, 2002, 18-27-бетлар.
6. Жамолхонов Ҳ., Юнусов Р. Ҳозирги ўзбек адабий тили (маъруза матнлари). Тошкент, 2001, 7-11, 21-24-бетлар.
7. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I ва II жилдлар. М., 1981.
8. Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). Тошкент, 1969.

МАЪНО КЎЧИШИНИНГ АСОСИЙ ТУРЛАРИ. МАЪНОНИНГ ТОРАЙИШИ ВА КЕНГАЙИШИ.

Таянч тушунчалар: семантик таркиб (структура), кўп маънолилиқ, лексик маъно, маъно миқдори, нолисоний омил, лисоний омил, ном кўчиши, метафора, метонимия, синекдоха, вазифадошлиқ, эллипсис, калька, семантик калька, янги маъно, маънонинг кенгайиши, маънонинг торайиши.

РЕЖА

1. Сўзнинг семантик таркиби (структураси)нинг ўзгариши ҳақида умумий маълумот.
2. Сўзнинг янги маъно касб этишига олиб келувчи омиллар.
3. Ном кўчиши асосида янги маъно ҳосил қилишининг турлари – метафора, метонимия, синекдоха ва вазифадошлиқ.
4. Лисоний омил асосида янги маънонинг ҳосил бўлиши.
5. Маънонинг кенгайиши ва торайиши.

Сўз семантик таркибининг ўзгариши – тил тараққиёти жараёнини белгиловчи муҳим омиллардандир. Семантик таркибнинг ўзгаришида икки ҳолат – лексик маъно нуқтаи назаридан ўзгариш ва қўшимча оттенкалар бўйича ўзгариш кўзга ташланади. Лексик маъно нуқтаи назаридан бўладиган ўзгариш: 1) лексик маъно миқдорининг ўзгариши ва 2) лексик маъно ҳажмининг ўзгариши ҳодисаларини ўз ичига олади.

Лексик маъно миқдорининг ўзгаришида икки нарса – маъно миқдорининг ортиши ва маъно миқдорининг камайиши кузатилади. Маъно миқдорининг озайиши кам учрайдиган ҳодисадир. Бунга кўра ўтмишда кўп маънони билдирган сўзларнинг баъзи маънолари даврлар ўтиши билан йўқ бўлиб кетади,

ўша маънода қўлланмайди. Масалан, эски ўзбек тилида **том** сўзи: 1) тамба, тиргович; 2) девор; 3) уй; 4) уйнинг тепа қисми маъноларида ишлатилган. Ҳозирда бу сўзнинг 1, 2, 3-маънолари қўлланилишдан қолган. Демак, том сўзининг маъно миқдори камайган.

Сўз маъно миқдорининг ортиб бориши – кўп маънолилиқ тил тараққиёти даражасини, ривожланишини кўрсатувчи асосий омиллардан саналади. Айтиш зарурки, сўзлар дастлаб пайдо бўлган вақтида биргина маънони ифода этган. Кейинчалик объектив борлиқдаги нарсаларнинг ўзгариши, ижтимоий ҳаётда бўладиган ҳар хил ўзгаришлар ва бошқа шу сингари турли сабаблар туфайли сўзлар янги маънолар касб эта бошлаган. Дарҳақиқат, сўзларнинг бирдан ортиқ маънога эга бўлиши ўша сўзлар ҳаётининг кейинги давларига бориб тақалади. Масалан, **олмоқ** феъли ҳозирги ўзбек тилида 30 га яқин маънони билдиради: 1) нарсани ушлаб ёки бирор асбоб билан тутиб қўлга киритмоқ: чақаларни олмоқ, ариқдан сув олмоқ; 2) қабул қилмоқ: ишга олмоқ; 3) бўшатмоқ: ишдан олмоқ; 4) туширмоқ, бўшатмоқ: елкасидан юкини олмоқ; 5) қўлга киритмоқ, эга бўлмоқ: пахтадан мўл ҳосил олмоқ; 6) харид қилмоқ...

Сўзнинг янги маъно касб этиши маълум бир объектив сабаблар асосида рўй беради. Сўзнинг янги маъно касб этишига олиб келувчи омиллар икки турлидир: 1) **нолисоний омил**, 2) **лисоний омил**.

Нолисоний омил дейилганда ном кўчиши асосида янги маънонинг ҳосил бўлиши тушунилади. **Ном кўчиши** – сўзнинг янги маъно ҳосил қилишида асосий ҳодиса ҳисобланади. Бунда маълум нарса, белги, ҳаракат билдирувчи сўз қандайдир ўхшашлик, ўзаро алоқадорлик, боғлиқлик кабилар асосида бошқа бир нарса, белги, ҳаракатни ҳам атайдиган бўлиб қолади, унинг ҳам номи сифатида ишлатила бошлайди.

Ном кўчиши асосида янги маъно ҳосил қилишнинг тўрт тури мавжуд. Булар куйидагилардир: 1) **метафора**, 2) **метонимия**, 3) **синекдоха**, 4) **вазифадорлик**.

Метафора. Ном кўчиши йўли билан янги маъно ҳосил қилишдаги асосий ҳодисалардан бири метафора ҳисобланади. Бирор нарса, белги, ҳаракат номининг ўзаро ташқи ўхшашлиги бўлган бошқа нарса, белги, ҳаракатга ном қилиб кўчирилиши **метафора** деб юритилади. Бунда бирорта томони – шакли, кўриниши, ранги, мазаси, таъми, жойлашиш ўрни ва бошқа хусусиятлари ўхшаш бўлган иккита предмет, белги, ҳаракатдан бирининг номи иккинчисига кўчирилади. Масалан, **тиш** сўзи аслида “одамнинг тиши” маъноси ифода этган. Кейинчалик у шаклий, қисман вазифавий ўхшашлик асосида “арранинг тиши” маъносини ҳам англата бошлаган. **Бел** сўзи дастлаб “одамнинг бели” маъносида қўлланган, сўнг жойлашиш ўрни, қисми жихатидан ўхшашлик туфайли “тоғнинг бели” маъносида ҳам ишлатилиб кетган. “Қатнов жойи” маъносини ифодаловчи **йўл** сўзининг (катта йўлдан кетиш) “сатр, қатор” (тўрт йўл шеър) маъносида ишлатилиши ҳам шаклий ўхшашликка асослангандир.

Метафора асосида ном кўчишининг бир неча кўринишлари бор. Улар асосан от, сифат, феъл туркумига оид сўзларда учрайди. Буларни тубандагича кўрсатмоқ мумкин.

1. Бир нарсанинг номи ўзаро ўхшашлиги бўлган иккинчи бошқа нарсага кўчирилади, унинг ҳам атамасига айланади: **оғиз** (одамнинг оғзи – шишанинг оғзи), **ёқа** (кўйлакнинг ёқаси – сой ёқаси), **этак** (чопоннинг этаги – тоғнинг этаги), **кўз** (одамнинг кўзи – деразанинг кўзи), **палла** (тарозининг палласи – тарвузнинг палласи), **тумшук** (лайлакнинг тумшуғи – кеманинг тумшуғи), **қош** (одамнинг қоши – эгарнинг қоши), **чўққи** (тоғ чўққиси – фан чўққиси) кабилар.

2. Бирор нарсага хос белги номи бошқа нарсадаги белгига кўчирилади: **ширин** (ширин олма – ширин сўз), **илиқ** (илиқ сув – илиқ муносабат), **совуқ** (совуқ сув – совуқ хабар), **эгри** (эгри таёк – эгри иш), **беғубор** (беғубор осмон – беғубор одам), **оғир** (оғир тош – оғир юмуш), **аччик** (аччик қалампир – аччик гап), **қаттиқ** (қаттиқ бодом – қаттиқ уйқу), **юмшоқ** (юмшоқ нон – юмшоқ овоз), **тез** (тез юрмоқ – тез одам), **тақир** (тақир чўл – тақир бош), **узоқ** (узоқ йўл – узоқ қариндош), **яқин** (яқин масофа – яқин киши), **хом** (хом ҳосил – хом гап), **тоза** (тоза сув – тоза қалб), **тиниқ** (тиниқ ҳаво – тиниқ фикр), **баланд** (баланд бино – баланд баҳо) сингарилар.

3. Бирор нарсага хос ҳаракатнинг номи бошқа нарсадаги ҳаракатга кўчирилади: **уламоқ** (арқонни уламоқ – гапни гапга уламоқ), **бўғилмоқ** (арқонга ўралиб бўғилмоқ – иштаҳаси бўғилмоқ), **чўкмоқ** (иморатнинг чўкиши – кишининг кексайганда чўкиши), **тушмоқ** (томдан тушмоқ – мудирликдан тушмоқ), **ташламоқ** (супургини ташламоқ – қўлни елкага ташламоқ), **учмоқ** (қушларнинг учиши – самолётнинг учиши), **бузмоқ** (чангалзорни бузмоқ – режани бузмоқ) кабилар.

Номнинг метафора йўли билан кўчирилишида кўпроқ қуйидагилар асос бўлиб хизмат қилади: 1) киши тана аъзоларининг номлари (юз, бет, бош, елка, оёқ, қош, лаб, биқин, оғиз, бел, кўз, ияк, бўйин, бурун кабилар); 2) кийим-кечак қисмларининг номлари (этак, ёқа); 3) ҳайвон, паррандаларнинг аъзолари номлари (қанот, дум, тумшук); 4) ўсимлик қисмларининг номлари (илдиз, томир); 5) турли белгиларни ифодаловчи сўзлар (баланд, паст, эгри, ширин, оғир, хира, чуқур, енгил, бемаза, хом сингарилар); 6) ҳаракатни ифода қилувчи сўзлар (ташламоқ, учмоқ, уламоқ, саваламоқ, чўкмоқ, тушмоқ, бузмоқ, айирмоқ кабилар).

Метонимия. (юнонча **метонимия** – ыайта номлаш. Бундай кўчириш предметлар ёки ходисаларнинг ўзаро алоқадорлигига асосланади. Бунинг қуйидаги кўчринишлари бор:

а) ўсимликнинг номишу ўсимлик мевасидан ёки бошья бирор ыисмидан тайёрланган махсулотга кўчирилади: чой (ўсимликнинг бир тури) – чой (шу ўсимликнинг баргларидан тайёрланган ичимлик), ыахва (ыахва дарахти) – ыахва (шу дарахт мевасидан тайёрланган ичимлик)

б) замон ва маконда бир бирининг бўлишин таъйинлаш билан бирга ыишланиладиган икки ёки бир неча предметдан бирининг номи иккинчисига кўчирилади: бир пиёла чой ичмоы (пиёла шз маоносида) – бир пиёла ичмоы (пиёла кўчма маонода)

в) бир предметнинг номи шу предметдаги бошья бир воыеликка кўчирилади: синф (шыув хонаси) – синф (шыувчилар гуруъи)

г) нарса номи шу нарсага асосланган шлчов бирлигига ном бшдлб кшчада: кун (ыуёш) – кун (сутканинг ёриы ыисми)

д) белгининг номи шундай белгиси бор бшлган нарсага кшчирилади: кшк (ранг номи) – кшк (кшкат)

е) асар муаллифининг номи нутыда асар маоносида ышлланган бшдлши мумкин: Навоийни шыйдим каби.

Синекдоха ҳодисаси кўпроқ ўсимлик номларида учрайди. Дарҳақиқат, тилимизда мева номлари (олма, анор, бодом, ўрик, гилос, ёнғоқ, шафтоли, жийда, тут кабилар) билан шу меваларни берувчи дарахтларни аташ кенг тарқалган. Буларда қисм орқали бутун ифодаланган. Қуйидаги мисолларни қиёсланг: Мен гўшт-ёғни ташлаб бўлиб, ҳовлининг тўрига **ўрик** тергани бордим (М.Исмоилий). Деразамнинг олдида бир туп **ўрик** оппоқ бўлиб гуллади (Ҳ.Олимжон). Улар боққа чиқиб тўкилган **ёнғоқларни** териб турганда, Жонизоқ оқсоқол қайтиб келди (С.Анорбоев). Адолат чироқларни ёқиб юбориб, **ёнғоқ** тагидаги супага жой қилди (И.Раҳим).

Вазифадошлик. Маълум бир нарса номи бажарадиган вазифасидаги бирлик асосида янгидан пайдо бўлган иккинчи бир нарсага ном бўлиб кўчиши мумкин. Бу вазифадошлик асосида ном кўчиши дейилади. Масалан, **ўқ** сўзи дастлаб камон (ёй) билан отиладиган тўғри, узун қуролни билдирган. Кейинчалик милтиқ, пулемёт, замбарак, тўп ихтиро қилинган, улардан отиладиган қурол ҳам ўқ номи билан юритилиб кетган. Бу вазифаси жиҳатдан ўзаро ўхшашлик туфайли юз берган. Дарҳақиқат, камон ўқи билан замонавий қуроллардан отиладиган ўқлар ўртасида бажарадиган вазифасидан бошқа бирорта ўхшашлик мавжуд эмас.

Вазифадошлик асосида ном кўчишида нарсаларнинг шакли, ясалиши, материали эътиборга олинмайди. Бунда нарсаларнинг бажарадиган вазифасидаги ўхшашлик томонлари назарда тутилади. Илгари **тугма** сўзи асосан боғич маъносида ишлатилган. У тилимиз тарихини кўрсатувчи кўпгина ёдгорликларда ўз аксини топган. Кийимнинг очик жойини ёпиш, ёпиқ жойини очишда тугма-боғичлардан фойдаланилган. Тугма-боғични ифода этган нарса турмушда эскириб қўлланмайдиган ҳолга келиб қолгандан кейин унинг ўрнида **пластинкача** қўллана бошлаган. Тилимизда **пластинкачани** мазкур **тугма** сўзи ифодалайдиган бўлган. Ҳар икки тугманинг шакли, материали бири-биридан фарқ қилади. Улар ўртасида фақат вазифавийлик жиҳатдан ўхшашлик бор, холос.

Янги маънонинг ҳосил бўлишида **лисоний омил** ҳам алоҳида аҳамият касб этади. Бунда икки йўл: 1) **эллипсис** ва 2) **семантик калька** воситасида янги маъно ҳосил қилинади.

Эллипсис асосида янги маъно юзага келганда аслида бирикмага тенг бирлик таркибидан бирор сўз тушиб қолади. Натижада шу бирикмага хос маънони бир сўз ифодалайдиган бўлиб қолади. Масалан, Бозордан қайтишга тайёрланган овқат **угра** экан (Ш.Ризо). Ушбу гапда **угра** сўзи асли **угра оши** бирикмасини билдирган. Бу бирикмадаги **ош** сўзи эллипсисга учраб қўлланмаслиги натижасида бирикмага хос маъно **угра** сўзининг ўзига тааллуқли бўлиб қолган, яъни угра овқатнинг номига ҳам айланган. Дафнга

тайёргарлик кўра беринглар. Жуда нари борса эртага, бўлмаса шу бугун кечаси узилади (П.Турсун) гапида **узилмоқ** феъли “ўлмоқ” маъносига эга. Аслида бу **жони узилмоқ** бирикмасига хос маъно. Бирикма таркибидаги **жон** сўзи қўлланмайдиган бўлиб бориши туфайли бирикмага хос маънони (“ўлмоқ” маъносини) узилмоқ сўзининг ўзи ифода этиб келмоқда.

Янги маъно ҳосил бўлишига олиб келувчи лисоний омиллардан яна бири **семантик калькадир**. Бунда чет, чунончи, русча сўзларга хос маъно (ёки маънолар) тилимизга ўзлаштирилади. Масалан, **санъат саройи, маданият саройи** бирикмаларидаги **сарой** сўзининг маъноси бевосита **дворец исскуства, дворец культуры** бирикмаларининг калька йўли билан ўзлаштириш асосида вужудга келган. **Сиртқи** сўзининг **сиртқи ўқиш** бирикмасидаги маъноси **заочное обучение** бирикмасининг калькаси туфайли пайдо бўлган. Семантик калька воситасида янги маъно ҳосил бўлиши, айниқса, терминологик лексикада кўп учрайди.

Лексик маъно нуқтаи назаридан бўладиган ўзгаришнинг иккинчи бир тури лексик маъно ҳажмининг ўзгаришидир. Лексик маъно ҳажмининг ўзгариши дейилганда маънонинг кенгайиши ва маънонинг торайиши тушунилади. Сўз маъноларининг кенгайиши ва торайиши сўзларнинг маъно тараққиётида муҳим роль ўйнайди.

Маънонинг кенгайиши. Жамият ва тил тараққиёти сўз маъноларининг кенгайиши учун имконият яратади. Бунда бир маъно асосида иккинчи лексик маъно (ясама маъно) юзага келмайди, фақат шу лексик маънонинг ҳажми кенгаяди. Масалан, тилимизда **ватан** сўзи илгари уй-жой, туғилиб ўсган қишлоқни ифодалаган, ҳозир у бутун мамлакат, она-юртни англатади. **Юрак** сўзи киши аъзоларидан бири маъносидан ташқари кенг маънода – кўкрак қафаси ва қорин бўшлиғидаги органларни ҳам ифодалайди.

Маънонинг торайиши. Лексик маънонинг торайиши сўз маъносининг кенгайишига зид ҳодисадир. Маънонинг торайиши авваламбор умумийликни ифодаловчи сўзнинг айрим, хусусий маънони ифодалаши натижасида юзага келади. Масалан, **тариқ** сўзи ўтмишда умуман дон маъносида қўлланган, ҳозир эса доннинг бир турини ифодалайди. М.Қошғарийнинг “Девону луғотит турк” асарида қайд этилишича, XI асрда **кийик** сўзи барча ваҳший ҳайвонларга нисбатан ҳам қўлланган, сўнг ҳайвонларнинг бир тури – охуни ифодалашга хосланиб қолган. **Ош** сўзи бир вақтлар иссиқ овқатнинг барча турини англатган, кейинчалик унинг маъноси торайиб, фақат палов маъносини ифодалаш учун қўлланадиган бўлиб қолган.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Сўз семантик таркибининг ўзгариши деганда нимани тушунасиш?
2. Сўзнинг янги маъно касб этишига олиб келувчи омиллар қайсилар?
3. Нолисоний омил нима?
4. Ном кўчиши асосида янги маъно ҳосил қилишнинг қандай турлари бор?
5. Метафора ҳодисаси ҳақида сўзлаб беринг.
6. Метонимия ҳодисасига таъриф беринг ва мисоллар келтиринг.
7. Метонимиянинг метафорадан фарқини тушунтириб беринг.

8. Синекдоха – кўчма маъно ҳосил қилишнинг қандай усули?
9. Вазифадошлик ҳодисасини таърифланг ва унга мисоллар айтинг.
10. Синекдоханинг метафора ва метонимиядан фарқи нимада?
11. Метафора асосида ном кўчишнинг қандай кўринишлари бор?
12. Номнинг метафора йўли билан кўчирилишида кўпроқ нималар асос бўлиб хизмат қилади?
13. Метонимиянинг шахс ва жой билдирувчи отларда учрашлигига мисоллар айтиб, уларни изоҳланг.
14. Сифат ва феъл сўз туркумларида метонимиянинг содир бўлишига мисоллар келтиринг ва маъно кўчиш сабабларини изоҳланг.
15. Лисоний омил асосида янги маъно ҳосил қилишнинг нечта йўли бор?
16. Эллипсис ҳодисасини таърифланг, уларга мисоллар айтинг.
17. Семантик калька хусусида билганларингизни баён қилинг.
18. Маънонинг кенгайиши ва торайиши ҳодисаларини мисоллар асосида изоҳлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 217 - 234-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 81-87-бетлар.
3. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 107-110-бетлар.
4. Ўзбек тилининг изоҳли лугати. I ва II томлар. М., 1981.
5. Миртожиев М. Лингвистик метафоралар таснифи. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 4-сон.
6. Миртожиев М. Ўзбек тилида полисемия. Тошкент, 1975.
7. Миртожиев М. Метонимиянинг содир бўлиши. Ўзбек тили лексикологияси ва грамматикаси масалалари (илмий ишлар тўплами). Тошкент, 1978, 37-49-бетлар.
8. Миртожиев М. Ўзбек тилида эллипсис натижасида синекдоханинг содир бўлиши. Ўзбек тилишунослиги масалалари. Тошкент, 1975, 59-67-бетлар.
9. Миртаджиев М. Переносные значения и их манифестация в узбекском языке. АДД. Ташкент, 1989.
10. Пинхасов Я. Ҳозирги ўзбек адабий тили (лексикология ва фразеология). Тошкент, 1969.
11. Шукуров И. Переносные значения слов в узбекском языке. АКД. Ташкент, 1978.
12. Сувонова Р. Ўзбек тилида метонимия. НДА. Самарқанд, 2001.
13. Алиқулов Т. Маъно ва маъно нозиклиги ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1992, 1-сон.
14. Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966.

ЛЕКСИК ОМОНИМИЯ

Таянч тушунчалар: омоним, омонимия, шаклдошлик, омосуз, омоифода, лугавий омонимия, лексик омонимия, фразеологик омонимия, грамматик омонимия, от омонимлар, сифат омонимлар, феъл омонимлар.

РЕЖА

1. Омонимия ҳақида умумий маълумот.
2. Лексик омонимия ва уларнинг сўз туркумлари жиҳатидан гуруҳлари.
3. Омоифода таркибидаги омосузларнинг миқдорига кўра турлари.
4. Омонимия ва кич маонолилик.
5. Омонимларнинг нутқдаги аҳамияти.

Лексик омонимия. Талаффузи ва ёзилиши бир хил, лекин маъноси ҳар хил бўлган сўзлар лексик омонимлардир. Масалан, **от I** – миниладиган ва аравага қўшиладиган уй ҳайвони; **от II** – от, ном; **от III** – итқитмоқ, ташламоқ. **Кеча I** – кечанинг кечқурундан тонггача бўлган қисми; **кеча II** – бирор мақсад билан ўтказиладиган тадбир; **кеча III** – бугундан олдинги кун. **Куя I** – ўчоқда, қозон тагида ҳосил бўладиган қурум; **куя II** – юнгли газлама буюмларни қирқиб кетадиган зараркунанда ҳашорат. **Камар I** – қайиш, кўндан ишланган белбоғ; **камар II** – дарё, тоғларда сув ўйиб кетган чуқур жой қабилар.

Омонимлар қайси сўз туркумига мансублигига кўра икки гуруҳга бўлинади: 1) бир хил сўз туркумига мансуб бўлган омонимлар, 2) турли сўз туркумига мансуб бўлган омонимлар.

Бир хил сўз туркумига мансуб омонимлар бир туркум доирасидаги сузлардан ташкил топади. Чунончи, **дунё, мол, салла, камар, ис, занг, дўл, давлат, карам, газак, ўқ, аср, ой** омосузлари от туркумидаги сўзлардан; **бўш, бўйдор** омосузлари сифатлардан; **кишт** омосузси ундов сўзлардан; **чоп** омосузси феъллардан ташкил топган. Мисоллар: **дунё I** (от) – олам, коинот; **дунё II** (от) – бойлик, мол-мулк; **чоп I** (феъл) – югурмоқ; **чоп II** (феъл) – ер сатҳини кесиб ағдармоқ.

Турли хил сўз туркумига мансуб омосузларнинг вужудга келишига бошқа-бошқа туркумдаги сўзлар асос бўлади. **Кул, кий, от, ош, соч, сўк, тер, тақа, тил, тин, тол, тош, той** омосузлари от ва феълдан; **кўк, айри, аломат, иссиқ, совук, бой, бўз** омосузлари сифат ва отдан; **кўр, тўла** омосузлари сифат ва феълдан; **оз** омосузси равиш ва феълдан; **бурун** омосузси от ва равишдан; **тиқ** омосузси феъл ва тақлидий сўздан; **атала** омосузси феъл ва отдан; **дўст** омосузси от ва ундов сўздан; **кир, оқ, сур** омосузлари сифат, от ва феълдан; **уч** омосузси от, сон ва феъллардан юзага келган. Мисоллар: **тош I** (от) – сувда эримайдиган қаттиқ тоғ жисм парчаси; **тош II** (феъл) – қирғоғидан чиқиб кетмоқ; **оз I** (равиш) – кам, миқдори нисбатан кўп бўлмаган; **оз II** (феъл)-ориқламоқ, этини йўқотмоқ.

Тилда омонимлар турли йўллар билан вужудга келади:

1. Тилда мавжуд бўлган айрим сўзларнинг шаклий жиҳатдан тасодифан тенг келиб қолиши, бир хил талаффуз қилиниши натижасида пайдо бўлади. **От, ёз, енг, ён, ёт, ёр, шим, куй, оз, ош, сон, суғур, тер, қаз, тил, тол, тўй, туз, туш, тут, уй, чақа** омосузлари шу йўл билан вужудга келган. Мисоллар: **той I** – икки яшар от; **той II** – сирғалиб кетмоқ; **тол I** – дарахт номи; **тол II** – ҳолсизланмоқ, толиқмоқ; **тер I** – тери ости безлари ишлаб чиқарадиган рангсиз суюқлик; **тер II** – битталаб йиғиб олмоқ; **ёй I** – найза отиш қуроли, камон; **ёй II** – очиқ ҳолга келтирмоқ қабилар.

2. Сўзнинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлади. Тил тараққиёти жараёнида баъзи сўзларнинг маъносида ривожланиш, тараққиёт юз беради. Маънодаги бу тараққиёт омосузларни вужудга келтиради. Бунда омосузлардан бири иккинчисидан маъно тараққиёти асосида ўсиб чиққан бўлади. Тилимиздаги **юқ, кенгаш, юпка, ой, дам, тепки, кеч, иссиқ, доира, аччиқ, атала, кун, совук, кўр, гап** омосузлари шу йўсинда вужудга келган. Мисоллар:

ой I – ернинг табиий йўлдоши, планета; **ой II** – вақт ўлчови, ўртача 30 кунлик муддат; **кун I** – палента, қуёш; **кун II** – сутканинг эрталабдан кечкурунгача булган қисми;

3. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштирилиши натижасида омонимлар вужудга келади. Бунда қуйидаги ҳолат кузатилади: 1) бошқа тилдан кириб келган сўз ўз қатламга оид сўз билан омоним бўлиб қолади. Масалан, тожикча **боғ** (мева дарахтзор) сўзи билан ўзбекча **боғ** (тугун) сўзи; полякча **кий** (биллиард доналарини уриб туширадиган таёқ) сўзи билан ўзбекча **кий** (аъзоларни кийим билан қопламоқ) сўзи; арабча **шама** (имо-ишора, лукма) сўзи билан ўзбекча **шама** (чой қуйқаси) сўзи; арабча **талок** (никоҳни бузиш) сўзи билан ўзбекча **талок** (қоражигар) сўзи; тожикча **авра** (кийимнинг юза томони) сўзи билан ўзбекча **авра** (бош-кўзини айлантириб, ўз фикрини қабул қилдирмоқ) сўзи ўзбек адабий тилида омонимдир; 2) турли тиллардан ўзлаштирилган сўзлар ўзбек тилида бир-бирлари билан омоним бўлиб қолади. Масалан, русча **суд** (фуқароларнинг даъволарини кўриб чиқадиган давлат органи) сўзи билан тожикча **суд** (фойда) сўзи; тожикча **сандал** (иситиш қурилмаси) сўзи билан юнонча **сандал** (оёқ кийими) сўзи; арабча **савдо** (эҳтирос, изтироб, ташвиш) сўзи билан тожикча **савдо** (олди-сотди) сўзи; арабча **мил** (учи ингичкаланиб борадиган темир таёқча, стрелка) сўзи билан лотинча **мил** (узунлик ўлчови) сўзи ўзбек адабий тилида ўзлашма сўз ҳолатида омонимларни ҳосил қилган; 3) ўзга, бошқа бирор тилдаги мавжуд омонимлар ўзбек тилига шундай ҳолатда ўтган, ўзлашиб қолган. Масалан, арабча **аср** (юз йиллик давр ва оқшом), **алам** (азоб, изтироб ва байроқ), **расм** (чизма, сурат ва одат, таомил), **сафар** (саёҳат ва ой номи), тожикча **газак** (яранинг йиринглашиб кетиши ва енгил-елпи овқат), французча **кадр** (кинолентадаги айрим сурат ва муассаса ходими) омонимлари бунинг мисолидир. Бу омонимларнинг ҳар икки компоненти бир йўла ўзлаштирилган эмас. Уларнинг компонентлари турли даврларда қабул қилинган.

4. Сўз ясалиши натижасида омонимлар пайдо бўлади. Бунинг турлари тубандагича: 1) аффиксация усули билан ҳосил қилинади. Бунда тилдаги мавжуд омонимларга сўз ясовчи қўшимчалар қўшиш орқали бошқа бир омонимлар вужудга келади. Масалан, **ойлик**, **отлик**, **ромчи**, **бўйдор**, **сирли**, **тиник**, **чоғла**, **ўрим** омонимлари шу тарика юзага келган. **Ойлик I** – ой мобайнида давом этадиган (ойлик режа); **ойлик II** – ҳақ, маош; **отлик I** – от минган сувори; **отлик II** – исмли, номли; **бўйдор I** – бўйи одатдагидан ортиқ; **бўйдор II** – ҳиди одатдагидан ортиқ; 2) конверсия усули натижасида омонимлар ҳосил қилинади. **Етти**, **йигирма**, **қирқ**, **тўқсон** омонимлари шу йўсинда пайдо бўлган. **Тўқсон I** (сон) – тўққизинчи ўнликнинг номи; **тўқсон II** (от) – 90 кунлик қиш фасли; **қирқ I** (сон) – тўртинчи ўнлик; **қирқ II** (от) – киши вафотидан кейин ўтказиладиган маросим кабилар.

Полисемия билан омонимлар ўртасида фарқ мавжуддир. Бу фарқ қуйидагича:

1. Полисемия – кўп маънони ифодаловчи бир сўз. Омонимлар ҳар хил маъноларни билдирувчи бир неча сўз.

2. Полисемантик сўзларнинг маънолари ўртасида ўзаро боғлиқлик бўлади. Омонимлар бошқа-бошқа сўзлар бўлганидан уларнинг маънолари ўртасида ҳеч қандай боғланиш бўлмайди.

3. Полисемантик сўз бир сўз асосининг лексик маъно тараққиёти натижасида юзага келади. Омонимлар турли сўз асосларидан пайдо бўлади.

4. Полисемантик сўзлар бир хил сўз туркумига мансуб бўлади. Омонимлар бир хил сўз туркумига ва ҳар хил сўз туркумига мансуб бўлиши мумкин.

5. Полисемантик сўз маънолари ўртасидаги боғланишнинг йўқолиши омонимларнинг пайдо бўлишига олиб келади. Демак, полисемиядан омонимлар пайдо бўлиши мумкин. Лекин омонимиядан полисемия юзага келмайди.

Омонимлар нутқда катта аҳамиятга эга. Омонимлар тасвирлаш воситаси сифатида бадиий адабиётда кенг тарзда қўлланилади. Сўз ўйинларида, аскияларда, туюқ жанрида ёзилган шеърларда улардан фойдаланилади. А.Навоий, Бобур, Лутфий, Хўжандий, Атоий, Огаҳий каби мумтоз шоирларимиз ҳамда XX аср адабиёти вакилларида Ҳабибий, Восит Саъдулла, Ҳ.Салоҳ, Э.Воҳидов, Т.Йўлдош кабилар ўз асарларида омонимлардан усталик билан фойдаланганлар.

Хўжандийнинг куйидаги байтига диққат қилайлик:

Манга сенсиз, бегим, кундуз **кечадур**,
Дареғо, сенсизин умрум **кечадур**.

Бу байтда **кечадур** сўзлари бир-бирига омоним бўлиб, биринчи мисрада тун, қоронғи маъносини, иккинчи мисрада ўтмоқ, умрнинг ўтиши маъносини ифодаламақда.

Огаҳийнинг куйидаги шеърида бир-бирига шаклдош бўлган **туш** сўзи уч ўринда қўлланилиб, ҳар хил маъноларни билдиргани ҳолда лафзий санъатлардан тажниси томмни ҳосил этган:

Бўлди чун умринг кунининг вақти **туш**,
Нафси саркаш отини кўб чопма, **туш**.
Хобгоҳ эткил қаноат манзилин,
Йўқса ҳаргиз кўрмагунг роҳатни **туш**.

Ҳабибийнинг тубандаги туюғида **чақмоқ** сўзлари омоним бўлиб келган:

Келур сел, кўкда гоҳо бўлса **чақмоқ**,
Зарар қилгай данакни тишда **чақмоқ**.
Ёмондир икки ўртоқ ўртасида
Уриштирмоқ учун бир-бирига **чақмоқ**.

Бунда **чақмоқ** сўзи: 1) табиат ҳодисаси, чақин, яшин; 2) пўчоқли мевани тиш воситасида ёрмоқ; 3) чақимчилик, гап ташувчилик маъносида ишлатилган.

Бадиий адабиётда қўлланган омонимларга яна мисоллар:

1. Ер, қоғозга тушса пешона **тер**,
Иккисидан сўнгра сен дурдона **тер**. (В.Саъдулла)
2. Оқармасдан туриб бошингдаги **соч**,
Яхшилик уруғини одамларга **соч**.

3. Эл аро кимнинг юзи бўлса **қалин**,
Қиз бериб, олгай куёвлардан **қалин**. (Н.Абдусаломов)
4. Бир марта сўзласанг, ўйла неча **бор**,
Билмасанг билганлар ҳузурига **бор**.
Бурун кўтармоқни ким қўйди сенга,
Ахир ақллироқ ўзгалар ҳам **бор**. (Ҳ.Салоҳ)

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Омонимлар деб нимага айтилади?
2. Омонимларнинг қандай турлари бор?
3. Лексик ва грамматик омонимларни тушунтиринг.
4. Омонимлар полисемем сузлардан қайси жиҳатлари билан фарқланади?
5. Фразеологик омонимларга мисоллар келтиринг.
6. Омонимлар қайси сўз туркумига мансублигига кўра қандай турларга бўлинади?
7. Омоифодаalar таркибида омосузлар миқдори нечтагача бўлиши мумкин?
8. Икки ва уч омосузли омоифодаalarга мисоллар айтинг.
9. От туркумига мансуб омосузлар тўғрисида сўзланг.
10. От ва феълдан, сифат ва отдан юзага келган омонимларга мисоллар топинг.
11. Омонимлар қандай йўллар билан вужудга келади?
12. Сўз ўзлаштирилиши натижасида юзага келган омонимлар хусусида нималарни биласиз?
13. Сўзнинг маъно тараққиёти натижасида пайдо бўлган омосузларга мисоллар келтиринг.
14. Омонимларнинг нутқда қандай аҳамияти бор?

АДАБИЁТЛАР

1. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 126-136-бетлар.
2. Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 110-112-бетлар.
3. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 267-292-бетлар.
4. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тили омонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, 1984.
5. Нурмонов А ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 87-90-бетлар.
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент, 1966, 118-128-бетлар.
7. Миртожиев М. Полисемиядан омонимиянинг келиб чиқиши ҳақида. Тилишунослик масалалари. Тошкент, 1960.
8. Миртожиев М. Бошқа тиллар билан муносабат орқали ўзбек тилида омонимларнинг вужудга келиши. Адабиётшунослик ва тилишунослик масалалари. Тошкент, 1961.
9. Миртожиев М. Возникновение лексических омонимов в узбекском языке. АҚД. Ташкент, 1964.
10. Халилов М. Лингвистическое исследование рифмы жанра туюга. АҚД. Ташкент, 1989.

СИНОНИМИЯ

Таянч тушунчалар: маънодошлик, синонимия, луғавий синонимия, грамматик синонимия, лексик синонимия, фразеологик синонимия, лексик-фразеологик синонимия, синонимик уя (қатор), доминанта (бош сўз), ҳиссий бўёқ, ижобий ҳиссий бўёқ, салбий ҳиссий бўёқ.

РЕЖА

1. Синонимлар ҳақида умумий маълумот.
2. Синонимлар уяси ва доминанта.
3. Синонимлар уясидаги сўзларнинг бир-биридан фарқли томонлари.
4. Синонимларнинг сўз туркумларига кўра турлари.
5. Синонимларнинг юзага келиши йўллари.
6. Кўп маънолилик (полисемия) ва синонимия.
7. Нутқда синонимлардан фойдаланишнинг аҳамияти.

Синонимия ҳодисаси луғавий бирликларда ҳам, грамматик бирликларда ҳам мавжуддир. Шу боис синонимия икки гуруҳга бўлинади: 1) **луғавий синонимия**, 2) **грамматик синонимия**.

Луғавий бирликларнинг ўзаро маънодош бўлишига **луғавий синонимлар** дейилади. Луғавий синонимлар уч хил бўлади: 1) **лексик синонимлар**, 2) **фразеологик синонимлар**, 3) **лексик-фразеологик синонимлар**.

Лексик синонимия. Талаффузи, ёзилиши ҳар хил, бирлаштирувчи маъноси бир хил (умумий) бўлган, қўшимча маъно нозиклиги, ҳиссий бўёғи, қўлланиши каби бир қатор хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сузлар синонимлар дейилади. Синонимлар **маънодош сўзлар** деб ҳам аталади. Синонимлар икки сўздан тортиб етти-саккиз, ҳатто ундан ортиқ сўзларни ҳам ўз ичига олади. Чунончи, **икки сўз:** асал, бол; иш, юмуш; кекса, қари; маъно, мазмун; ва шу кабилар.

Бир маъно атрофида бирлашувчи синонимлар йиғиндиси **синонимик уя** ёки **синонимик қатор** деб юритилади. Масалан, хат, нома, мактуб; одам, инсон, киши, башар; совға, ҳадя, тухфа, тортиқ, армуғон; халқ, халойиқ, эл, юрт, улус, мардум; бало, фалокат, офат сингарилар. Синонимик уядаги бош сўзга **доминанта** дейилади (лотинча **dominantis** – “ҳукмрон” сўзидан). Доминанта (бош сўз), одатда, ҳозирги адабий тилга мансублиги, ҳиссий бўёқ ва услубга кўра бетарафлиги, нутқда кўп қўлланиши билан характерланади. Масалан, **чиройли, гўзал, хусндор, хуснли, хушрўй, кўхлик, кўркама, барно, зебо, сулув, латофатли, соҳибжамол** синонимик қаторида **чиройли** сўзи худди шундай хусусиятга эга. **Гул, чечак** синонимик уясида **гул** сўзи; **донгдор, машхур, номдор** синонимик қаторида **донгдор** сўзи; **душман, ёв, ғаним, ағёр, ёғий** синонимик уясида **душман** сўзи; **ёрдам, кўмак, мадад** синонимик қаторида **ёрдам** сўзи; **катта, улуғ, буюк, азим, улкан, ҳайбатли, йирик** синонимик уясида **катта** сўзи доминантадир.

Доминантани белгилаб олиш синонимия луғатини тузиш ишида катта аҳамиятга эга. Чунки: а) синонимия уяси шу доминанта асосида луғатдан жой олади; б) синонимия уяси англатган маъно шу доминанта асосида таърифланади, сўнгра шу уядаги ҳар бир синонимнинг ўзига хос маъно қирраси, услубий бўёғи ва нутқий хосланиши баён қилинади.

Синонимик қатордаги сўзлар асосан қуйидаги ҳодисалар нуқтаи назаридан ўзаро фарқланадилар:

1. Ҳиссий бўёқ нуқтаи назаридан. Дарҳақиқат, синонимик уядаги сўзлар ҳиссий бўёқдорлигига кўра ўзаро фарқланиши мумкин: ҳиссий бўёқли ва ҳиссий бўёқсиз сўзлар: бадбашара (ҳиссий бўёқли) – хунук (ҳиссий бўёқсиз). Ҳиссий бўёқдор сўзлар ижобий ёки салбий муносабатни ифодалашига кўра икки турга: ижобий ҳиссий бўёқли ва салбий ҳиссий бўёқли сўзларга бўлинади.

2. Синонимик қатордаги сўзлар нутқнинг бирор турига, услубига хослиги жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, **совға, ҳадя, тортиқ, армуғон, тухфа** синонимик қаторида **тухфа ва армуғон** сўзлари китобий услубга хос.

3. Синонимик қатордаги сўз ҳозирги адабий тил нуқтаи назаридан эскирган бўлиши мумкин. Чунончи, **душман, ёв, ғаним, ағёр, ёғий** синонимик қаторида **ёғи** сўзи; **фойда, наф, манфаат, ҳаён** синонимик қаторида **хаён** сўзи; **осмон, кўк, само, фалак, гардун** синонимик қаторида **гардун** сўзи;

4. Синонимик қатордаги сўз диалектал хусусиятга эга бўлиши мумкин. Масалан, **овоз, товуш, садо, нидо, сас** синонимик қаторида **сас** сўзи; **қидирмоқ, ахтармоқ, изламоқ, истамоқ** синонимик қаторида **истамоқ** сўзи; **ўрناق, намуна, ибрат, улги** синонимик уясида **улги** сўзи шевага хос сўз ҳисобланади.

5. Синонимик қатордаги сўзлар кўп ёки оз қўлланишига кўра ўзаро фарқланиши мумкин. Масалан, **мақсад, ният, муддао, мурод** синонимик қаторидаги **мақсад ва ният** сўзлари қолганларига нисбатан кўп қўлланади. **Бошқа, бўлак, ўзга** синонимик уясида эса **бошқа** сўзи қолган икки сўзга қараганда кўпроқ ишлатилади.

6. Синонимик қатордаги сўзлар маънони қай даражада ифодалаш жиҳатидан ҳам ўзаро фарқланади. Синонимик қатордаги баъзи сўзлар белгини меъёрий (нормал) даражада ифодаласа, бошқалари кучли ёки кучсиз даража билан ифодалайди. Масалан, овора, сарсон, саргардон синонимик қаторида овора сўзи белгининг кучли ёки кучсизлигига нисбатан нейтрал ҳолатда. Сарсон сўзи белгининг кучлироқ даражасини кўрсатади. Саргардон сўзида эса белги даражаси яна ҳам кучлироқ. Яхши, дуруст, тузук синонимик қаторида дуруст, тузук сўзлари белгини яхши сўзидагига нисбатан кучсиз даражада ифодалайди.

Синонимларнинг тилдаги мавқеини билиш учун уларни сўз туркумларига кўра турларга ажратиб таҳлил этиш муҳим аҳамиятга эгадир. Дарҳақиқат, бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро синонимлиги уларнинг бир хил маънога эгаллигига асосланар экан, табиий равишда, фақат бир туркумга оид сўзларгина ўзаро синонимик муносабатда бўла олади. Синонимлар деярли ҳар бир сўз туркумида учрайди. Синонимларнинг сўз туркумларига кўра турлари қуйидагича:

1. **От синонимлар:** иш, юмуш; хат, нома, мактуб; аланга, ёлқин; ашула, қўшиқ; бало, офат; барг, япроқ; бахт, толе, иқбол, саодат; вазифа, бурч; ватан, мамалакат, юрт, диёр, эл; гувоҳ, шоҳид; ёдгорлик, обида; ёзувчи, адиб; ёрдамчи, қўмакдош; касб, ҳунар, касб-кор ва бошқалар.

2. **Сифат синонимлар:** ишчан, ҳаракатчан, серҳаракат, ғайратли, серғайрат, тиришқоқ; бепоён, поёнсиз, чексиз; баланд, юқори; беғубор, тоза, соф, мусаффо; гавдали, жуссали, барваста, норғул, қоматдор; данғиллама, ҳашаматли, серҳашам, мухташам; донгдор, машхур, номдор; ноаниқ, номаълум, нотайин, тайинсиз, мужмал; номусли, ҳаёли, ориятли, андишали, иболи ва шунинг сингарилар.

3. **Олмош синонимлар:** ҳамма, барча, бари; биров, кимдир, аллаким; қандай, қанақа кабилар.

4. **Феъл синонимлар:** гапирмоқ, сўзламоқ, сўйламоқ; эпламоқ, уддаламоқ; эшитмоқ, тингламоқ; эсламоқ, хотирламоқ, ёдламоқ, ёд этмоқ, йўқламоқ; юбормоқ, жўнатмоқ, йўлламоқ; қақшамоқ, зирқирамоқ; қийнамоқ, азобламоқ, жабрламоқ; қўшилмоқ, бирлашмоқ; ҳидламоқ, искамоқ сингарилар.

5. **Равиш синонимлар:** аста, секин, оҳиста; кўп, анча, мўл; тез, илдам, жадал, шитоб, шахт; кам, оз; кейин, сўнг, сўнгра, иннайкейин, баъдаз; озгина, бир оз, оз-моз, пича, сал, хиёл, жиндек, жичча, андак ва бошқалар.

6. **Кўмакчи синонимлар:** томон, сари; ҳақида, тўғрисида, хусусида; каби, сингари, янглиғ, бамисоли.

7. **Боғловчи синонимлар:** ва, ҳамда; аммо, лекин, бироқ; ё, ёки, ёхуд; чунки, негаки, сабабки; агар, мабодо, башарти, магар.

8. **Модал сўзли синонимлар:** керак, лозим, зарур, даркор; эҳтимол, чамаси, шекилли; шубҳасиз, сўзсиз, шаксиз.

9. **Ундов сўзлардан бўлган синонимлар:** балли, баракалла, офарин, яша, яшавор, қойил, тасанно, ўлманг ва бошқалар.

Тилда синонимлар қуйидаги йўллар билан юзага келади:

1. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида вужудга келади. Қуйидаги синонимлар ўзга тилдан сўз олиниши туфайли юзага келган: севги (ўзбекча) – муҳаббат (арабча), куч (ўзбекча) – қудрат (арабча), буйруқ (ўзбекча) – амр (арабча), от (ўзбекча) – исм (арабча), ёзувчи (ўзбекча) – адиб (арабча).

2. Адабий тилдаги айрим сўзларга қўшимча равишда маҳаллий лаҳжа ва шевалардан сўз олиш натижасида юзага келади. Буларга ака ва оға; ука ва ини; товуш ва сас; нарвон ва шоти; қидирмоқ ва истамоқ; ўртоқ ва жўра кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин. Келтирилган синонимларнинг кейинги сўзлари диалект ва шевалардан ўзлаштирилган.

3. Тилда бор сўзлар асосида сўз яшаш орқали юзага келади. Тилда бор сўзлар асосида яратилган сўзлар бошқа сўзлар билан синонимик муносабат ҳосил этиши, янги синонимик қатор юзага келтириши мумкин. Масалан: вазифа – топширик; хотира – эсдалик; фарқ – айирма; маош – мояна – ойлик каби.

4. Сўзнинг янги маъно касб этиши – маъно тараққиёти натижасида синонимлар юзага келади. Сўзнинг маъно тараққиёти ҳам синонимлар пайдо бўлишига олиб келувчи асосий омил саналади. Масалан, ўрин сўзи иккита сўз

билан иккита синонимик қаторни ташкил этса (ўрин – жой, ўрин – лавозим), ўрамоқ сўзи уч синонимик қаторда иштирок этади (ўрамоқ – чирмамоқ; ўрамоқ – қопламоқ – эгалламоқ – қуршамоқ – чулғамоқ – босмоқ – тутмоқ – чалмоқ – қамрамоқ; ўрамоқ – қуршамоқ). Ўрин ва ўрамоқ сўзларининг бирдан ортиқ синонимик қаторда иштирок этиши улар маъносининг тараққиёти натижасидир. Бир маъноли сўз эса фақат бир синонимик қаторда қатнашиши мумкин.

Сўзларни синоним қиладиган нарса уларнинг бир хил маънога эгаллиги экан, кўп маъноли сўзлар бирдан ортиқ маъносида бошқа сўзлар билан синоним бўлиши мумкин. Бошқача айтганда, кўп маъноли сўз ҳар бир маъноси билан бошқа-бошқа синонимик қаторда бўлиши мумкин. Чунончи, айтмоқ феъли уч маъноси билан уч синонимик қаторда келади:

1. **Айтмоқ, баён қилмоқ, изҳор қилмоқ, билдирмоқ.** Бу қатордаги сўзлар “фикр, мақсадни (бирор гап-сўзни) оғзаки ифода этмоқ” маъноси билан ўзаро синонимдир. Мисоллар: “Чавоғлагувчини айтмадими?” – “Тил бўлса **айтади-да**”, - дей Раҳмат (А.Қодирий). Қалбимдан сўрадим: “Мени баъзилар – хуш кўрмас, сабабин сен **баён қил-чи?**” (М.Бобоев). Чиндан ҳам муҳаббат шуми? Дейдиларки, одатда, севишганлар ўз кунгилларини тил билан **изҳор этмайдилар**, имо-ишора ва баъзан қочириқ гаплар жуда яхши восита эмиш (Шухрат). Талабалар ташаббусга жавобан Тошкент ва Сирдарё вилояти хўжаликларига бориб меҳнат қилиш истагини **билдиришди** (Газетадан).

2. **Айтмоқ, таклиф, қилмоқ, чақирмоқ, чорламоқ.** Бу қатордаги сўзлар “келиш, иштирок этиш, ташриф буюришни илтимос қилиб мурожаат этмоқ” маъноси билан ўзаро синоним бўлади. Мисоллар: Мен сизни **айтгани** чиққан эдим (Яшин). Тўйга келин томонидан эликка яқин, куёв томонидан саккиз киши **айтилган экан**, иккала томондан ҳаммаси бўлиб ўн бир киши келибди (А.Қаҳҳор). Адолат шу куни кечгача маҳалла айланиб, хотинларни жума куни бўладиган зиёфатга **таклиф қилиб чиқди** (С.Зуннунова). Азим бойвачча ҳар жума боғига меҳмон **чақиради** (С.Аҳмад). Қурбон ота кўзига бўшроқ кўринган ҳар бир одамни ишга солиб, ҳашарга **чақириб**, ёзги бинонинг олди ва атрофига гуллар экди, катта-кичик супалар қилди (А.Қаҳҳор). Юринг, сизни ой бувишим **чорлайди** (“Эрали ва Шерали”). Ширин суҳбатингизга ташна бўлганимдан **чорлаган эдим** (Ойбек).

Оғзаки ва ёзма нутқда синонимларнинг катта амалий аҳамияти бор. Синонимлар нутқ бойлигини оширади. У тил луғат таркибининг қанчалик бой ва ранг-баранглигини кўрсатувчи белгилардан биридир. Синонимлар бир сўзни ўринсиз такрор ишлатишга йўл қўймайди, услубнинг равонлигини таъминлайди, жумлаларнинг ихчам тузилишига кенг йўл очиб беради, сўз маъноларини ўрганиш жараёнида чуқур фикр юритишга имкон яратади.

Синонимлар бадиий адабиётда муҳим тасвирлаш воситаларидан бири саналади. Ёзувчи синонимлар ёрдами билан кишиларнинг хусусиятларини, воқеа-ҳодисаларни, манзараларни аниқ, равшан ва жонли қилиб ифодалай олади. Бунга қуйидагиларни мисол қилиб келтириш мумкин:

Толем шулки, Ватанда бир гулистон танладим (Ҳ.Олимжон).

Бу ердаги ҳур, ҳалол меҳнат –

Шудир бахтим, шудир иқболим (Ҳ.Олимжон).

Мисоллардаги **толе, бахт, иқбол** сўзлари бир-бирига синонимдир.
Жаҳонда, дунёда, оламда мен ёлғиз эмас, дўстлар,
Жигарбанду қариндошу яқин хешу таборим бор (Ҳабибий).

Юқоридаги байтда **жаҳон – дунё – олам ва жигарбанд – қариндош – хешу табор** сўзлари ўзаро маънодошдир.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Синонимия нима?
2. Синонимия қандай турларга бўлинади?
3. Лексик синонимия деб нимага айтилади?
4. Фразеологик синонимияга мисоллар келтиринг.
5. Лексик-фразеологик синонимлар ҳақида сўзланг.
6. Синонимлар қатори (уяси) деганда нимани тушунасиш?
7. Синонимлар қаторида қандай сўз доминанта бўлади?
8. Синонимик уядаги сўзлар бир-бирларидан қандай хусусиятлари билан фарқланади?
9. Синонимларнинг сўз туркумларига кўра турлари хусусида сўзланг.
10. Синонимлар қандай йўллар билан юзага келади?
11. Кўп маъноли сўзларда синонимия ҳодисаси қай йўсинда аниқланади?
12. Нутқда синонимлардан фойдаланишнинг аҳамияти тўғрисида гапиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 113-118-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 107-113; 115-120-бетлар.
3. Ҳозирги ўзбек адабий тили. 1 қисм. Тошкент, 1966, 128-143-бетлар.
4. Абдураҳмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. Тошкент, 1981, 6-8-бетлар.
5. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 235-251-бетлар.
6. Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 90-96-бетлар.
7. Неъматов Ҳ., Расулов Р. Ўзбек тили систем лексикологияси асослари. Тошкент, 1995, 105-110-бетлар.
8. Ҳожиев А. Ўзбек тили синонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, 1974.
9. Исамуҳамедова С. Синонимы в современном узбекском литературном языке. АҚД., Тошкент, 1963.
10. Данияров А. Стилистические функции синонимов в современном узбекском языке. АҚД., Самарканд, 1967.
11. Шамсиддинов Ҳ. Ўзбек тилида сўзларнинг функционал – семантик синонимлари. ДДА. Тошкент, 1999.

АНТОНИМИЯ

Таянч тушунчалар: антоним, антонимия, антонимик жуфт, лексик антонимия, фразеологик антонимия, лексик-фразеологик антонимия, от антонимлар, сифат антонимлар, феъл антонимлар, равиш антонимлар, сема, семема, антонимларнинг тузилиши, антонимик муносабат, зидлаш санъати (тазод).

РЕЖА

1. Антонимлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.
2. Антонимларнинг сўз туркумлари жиҳатидан турлари.
3. Антонимларнинг тузилишига кўра гуруҳлари.
4. Антонимларни полисемия ва синонимия ҳодисаларига боғлаб ўрганиш.
5. Антонимларнинг юзага келиши йўллари.
6. Антонимларнинг аҳамияти.

Ўзаро зид муносабат луғавий бирликлар ҳамда грамматик бирликлар доирасида бўлиши мумкин. Шунга кўра антонимия икки турга бўлинади: **луғавий антонимия** ва **грамматик антонимия**. Луғавий бирликларнинг ўзаро антоним бўлишига **луғавий антонимия** дейилади. **Луғавий антонимия** уч хил бўлади: 1) **лексик антонимия**, 2) **фразеологик антонимия**, 3) **лексик-фразеологик антонимия**.

Лексик антонимия. Ўзаро қарама-қарши, зид маъно билдирадиган сўзлар бири иккинчисига нисбатан антоним дейилади. Сўзларнинг бундай муносабатда бўлиш ҳодисаси антонимия деб юритилади. Катта-кичик, кўп-оз, узоқ-яқин, юқори-паст, каттиқ-юмшоқ, ёз-қиш, тўр-пойга, тун-кун, йўқотмоқ-топмоқ, ёнмоқ-ўчмоқ, очмоқ-ёпмоқ, боғламоқ-ечмоқ сўзлари антонимлар жумласига киради.

Антонимик муносабатда бўлган икки сўз **антонимик жуфт** деб аталади. Антонимик жуфтликни ҳосил қилган сўзлар, одатда, бир сўз туркумига мансуб бўлади: оғир (сифат) – енгил (сифат), шимол (от) – жануб (от), тез (равиш) – секин (равиш), келмоқ (феъл) – кетмоқ (феъл) каби.

Антонимлар ўзига хос хусусиятлари билан омоним ва синонимлардан фарқланади. Шаклий (фонетик тузилиш) жиҳатдан ҳар хиллик; маъно жиҳатдан ҳар хиллик; маънодаги ўзаро зидлик антонимларнинг муҳим белгиси саналади. Кейинги белги, яъни зидлик тушунчаси антонимларни белгилашда асосий критерия бўлиб ҳисобланади.

Тилда мавжуд бўлган сўзларнинг барчаси ўз антонимига эга бўлавермайди. Чунки кўп нарса, ҳодисалар ўзининг зиддига эга эмас. Қарама-қаршилиқ маъноси кўпроқ нарса-ҳодисаларнинг белгисида кузатилади. Қалин-юпқа, эрта-кеч, яхши-ёмон, каттиқ-юмшоқ, оқ-қора, ширин-аччик, узоқ-яқин кабилар белги маъносини ифодаловчи антонимлар ҳисобланади.

Икки сўзнинг антонимлигини белгилашда уларнинг семема структурасини аниқлаш жуда муҳимдир. Масалан, **қалин** ва **юпқа** сўзларининг

маъно (семема) структураси қуйидагича: **юпқа** – ён кўлами меъёридан кам; **қалин** – ён кўлами меъёридан ортиқ. Бу сўзлар маънолари структурасида ён, кўлам семалари бир хил бўлиб, умумий семани; кам, ортиқ семалари эса фарқловчи сема бўлиб, ўзаро зидлик маъносини билдирмоқда.

Кенг – **тор**, **эрта** – **кеч**, **ориқ** – **семиз**, **катта** – **кичик** антонимларининг маъно структураси тубандагича: **кенг** – эн ўлчами нисбатан катта; **тор** – эн ўлчами нисбатан кам; **эрта** – белгиланган вақтдан бир оз олдин; **кеч** – белгиланган пайтдан бир оз кейин; **ориқ** – танасидаги гўшт-ёғи нисбатан оз, эти қочган; **семиз** – танасидаги гўшт-ёғи нисбатан кўп, эт битган; **катта** – ҳажм ёки шакл ўлчами меъёридан ортиқ; **кичик** – ҳажм ёки шакл ўлчами меъёридан кам. Бу сўзлар семемалари таркибида зид семалар мавжуд бўлиб, улар шу сўзларнинг антоним эканлигини яққол кўрсатиб турибди.

Антонимлар асосан сифат, равиш, от ва феъл туркумига хос сўзлардан ҳосил бўлади. Шунга кўра улар сифат антонимлар, равиш антонимлар, от антонимлар, феъл антонимларга бўлинади.

1. Сифат антонимлар. Сифат туркумида антонимлар кўп. Сифат антонимлар маъно жиҳатдан бир неча турга бўлинади: 1) кишиларнинг характер – хусусиятини ифодаловчи сифат антонимлар: сахий-хасис, ботир-қўрқоқ, мулойим-қўпол, доно-нодон кабилар; 2) кишиларнинг психологик ҳолатини, иқтисодий аҳволини ифодаловчи сифат антонимлар: хурсанд-хафа, дилхуш-дилхун; бадавлат-қашшоқ, бой-камбағал; 3) кишиларнинг ўзаро муносабатини, физиологик ҳолатини ифодаловчи сифат антонимлар: аҳил-ноаҳил, кучли-кучсиз, соғлом-касалманд; 4) кишиларда табиий равишда юз берадиган белгиларни билдирувчи сифат антонимлар: ёш-қари, навқирон-мўйсафид, новча-пакана, семиз-ориқ; 5) нарсаларнинг ҳажмини, шаклини, кўламини ифодаловчи сифат антонимлар: катта-кичик, тўғри-эгри, баланд-паст, кенг-тор, чуқур-саёз, узун-қисқа; 6) маза-таъм билдирувчи сифат антонимлар: аччиқ-ширин, мазали-бемаза, хушхўр-бадхўр кабилар.

2. Равиш антонимлар. Равиш туркумига хос антонимлар: 1) ҳолат, тарз (тез-секин, зўрға-бемалол, бирга-алоҳида, мажбуран-ихтиёрий); 2) пайт (аввал-кейин, эрта-кеч, бугун-эрта); 3) миқдор (кўп-оз, ортиқ-кам); 4) мақсад (атайин-билмасдан, жўрттага-беихтиёр); 5) ўрин (нари-бери) маъноларини ифода қилади.

3. От антонимлар. Бундай антонимлар маъно жиҳатидан кишиларнинг психологик ҳолатини (қувонч-алам, роҳат-азоб, шодлик-қайғу), томонларга оид тушунчаларни (шарқ-ғарб, жануб-шимол, кунботар-кунчиқар, ер-осмон, тўр-пойга, олд-орқа), йил фасллари ва сутканинг қарама-қарши томонларини (ёз-қиш, баҳор-куз, кеча-кундуз, кун-тун, тонг-шом), кундалик ҳаётга, урф-одатга оид тушунчаларни (муҳаббат-нафрат, васл-ҳижрон, ҳаёт-ўлим, тўй-аза) ифодалаб келади.

3. Феъл антонимлар. Антонимияда феъл антонимлар ҳам каттагина ўрин эгаллайди. Феъл антонимлар асосан қуйидаги маъноларни билдиради: 1) қарама-қарши томонга бўлган йўналишни ифода қилади: келмоқ-кетмоқ, бормоқ-қайтмоқ, кирмоқ-чиқмоқ, очмоқ-ёпмоқ; 2) кишиларнинг ўзаро алоқасини билдиради: олмоқ-бермоқ, олмоқ-сотмоқ; 3) кишиларнинг руҳий

ҳолатини ифодалайди: кулмоқ-йиғламоқ, севинмоқ-қайғурмоқ, роҳатланмоқ-азобланмоқ; 4) кишиларнинг физиологик ҳолатини билдиради: семирмоқ-озмоқ, ёшармоқ-кексаймоқ; 5) кишиларнинг ўзаро муносабатини ифодалайди: уришмоқ-ярашмоқ, ажрашмоқ-ярашмоқ, эсламоқ-унутмоқ, саломлашмоқ-хайрлашмоқ; 6) нарса ҳажми ва ҳолатидаги ўзгаришни билдиради: кенгаймоқ-тораймоқ, катталашмоқ-кичиклашмоқ, оғирлашмоқ-енгиллашмоқ, исимоқ-совимоқ, тезламоқ-секинлашмоқ кабилар.

Тилимизда сифат ва равиш антонимлар кўп учрайди. Бу антонимларнинг кўпчилиги белги билдирувчи сўзлардан эканлигини кўрсатади. Бинобарин тилимиздаги 1700 дан ортиқ антоним жуфтликнинг 1000 дан ортиғи сифат ва равишдан иборатдир.

Ўзбек тилида антонимлар тузилишига кўра ўзига хос хусусиятларга эга. Антонимларни тузилишига кўра қуйидаги гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин:

1. Ҳар икки қисми туб сўзлардан ташкил топган антонимлар: роҳат – азоб, узоқ – яқин, яхши – ёмон, ер – осмон, дўст – душман, баланд – паст, кўп – оз кабилар.

2. Бир қисми туб, иккинчиси ясама сўзлардан иборат антонимлар: хунук-чиройли, ширин-бемаза, аҳил-ноаҳил, тўғри-нотўғри, шодлик-қайғу, заиф-бақувват сингарилар.

3. Ҳар икки қисми ясама сўзлардан ташкил топган антонимлар: кучли-кучсиз, мазали-бемаза, жонли-жонсиз, барқарор-беқарор, бақувват-беқувват, ёруғлик-қоронғулик, ростгўй-ёлғончи ва бошқалар.

4. Ҳар икки қисми қўшма сўзлардан ташкил топган антонимлар: кунчиқар-кунботар, меҳнатсевар-ишёқмас, эртапишар-кечпишар каби.

5. Ҳар икки қисми жуфт сўзлардан иборат антонимлар: ёш-яланг - қари-қартанг, ўйин-кулги – дард-алам.

6. Ҳар икки қисми такрорий сўзлардан ташкил топган антонимлар: секин-секин – тез-тез, кўп-кўп – оз-оз, йиғлаб-йиғлаб – кулиб-кулиб, катта-катта – кичик-кичик кабилар.

Антонимияда полисемия ҳодисасини ўрганиш ҳам жуда муҳимдир. Дарҳақиқат, бирдан ортиқ сўзнинг ўзаро антонимик муносабати зидликка асосланар экан, кўп маъноли сўз ҳар бир маъноси билан айрим-айрим сўзларга антоним бўлиб келиши мумкин. Масалан, **бутун** сўзи бир маъносида **йиртиқ** сўзига, бошқа маъносида **синиқ** сўзига антоним бўла олади. Мисоллар: Камбағал халқ ўлиб-тирилиб меҳнат қилади-ку, қорни тўймайди, эгни **бутун** бўлмайди (Ойбек). Ҳамманинг кўзи Раҳимовнинг тирсаги чиқиб турган **йиртиқ** енгига тушди (Ҳ.Назир). Мураббия ҳалиги қўли синган қўғирчоқни олиб, ўрнига **бутун** қўғирчоқни ётқизиб қўяётган экан (Ойдин). Меҳмонхона эшиги олдидаги супада **синиқ** чойнак-пиёла, кенг айвонда эса ўқ теккан икки от кавшаниб ётарди (Ш.Тошматов).

Бузмоқ кўп маъноли феъли ҳам бир маъноси билан **тузатмоқ** феълига, иккинчи маъноси билан **қурмоқ** феълига антоним бўлиши мумкин. Солиштиринг:

<u>Бўзмок 1</u>	<u>Тўзатмок</u>
Ишлаб турган, ишга яраб турган нарсани яроқсиз ҳолга келтирмоқ, ишдан чиқармоқ.	Ишдан чиққан нарсани таъмир қилиб, яроқли ҳолга келтирмоқ, ишга туширмоқ.

Мисол: (Дадавой Хадичага): Соат меники, **бузадиган** ҳам ўзим,
тузатадиган ҳам ўзим (Уйғун).

<u>Бўзмок 2</u>	<u>Қўрмок</u>
Мавжуд нарсани вайрон қилмоқ, йўқ қилмоқ. Отхонани бўзмок.	Қурилиш материалларидан фойдаланиб барпо қилмоқ, яратмоқ. Отхона қўрмок.

Антонимлар қуйидагича юзага келади:

1. Тилнинг луғат таркибида қарама-қарши маъноли сўз азалдан мавжуд бўлади: катта ва кичик, кенг ва тор, кун ва тун, кеча ва кундуз, яхши ва ёмон, бор ва йўқ кабилар.

2. Сўз ясалиши натижасида антонимлар ҳосил қилинади. Бунда икки ҳолат кузатилади: 1) маълум бир туб сўзга –ли ва –сиз, ба- ва бе-, бар- ва –дор,-но- аффиксларини қўшиш орқали ясалади: кучли-кучсиз, жонли-жонсиз, бамаъни-бемаъни, бақувват-беқувват, батартиб-бетартиб, барқарор-беқарор, вафодор-бевафо, мазали-бемаза, ҳақ-ноҳақ кабилар; 2) ўзаро антоним бўлган сўзларга сўз ясовчи қўшимчаларни қўшиб сўз яшаш орқали янги антонимик жуфтлар ҳосил қилинади: ростгўй-ёлғончи, дўстона-душманларча, оғирлашмоқ-енгиллашмоқ, кенгаймоқ-тораймоқ, тезлашмоқ-секинлашмоқ, хурсандчилик-хафачилик, эскилик-янгилик, остки-устки, оқламоқ-қораламоқ кабилар.

3. Бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш натижасида антонимлар юзага келади: дўст (тожикча) – душман (тожикча), қувонч (ўзбекча) – ғам (арабча), банд (тожикча) – бўш (ўзбекча), муҳофаа (арабча) – ҳужум (арабча), импорт (русча) – экспорт (русча), бадхўр (тожикча) – хушхўр (тожикча), ассимиляция (русча) – диссимиляция (русча), анализ (русча) – синтез (русча), максимум (русча) – минимум (русча), манфий (арабча) – мусбат (арабча) ва бошқалар.

Антонимларнинг тилда аҳамияти катта. Антонимлардан бадиий нутқда кенг фойдаланилади. Мумтоз адабиётимизда антоним сўзларни қўллаш асосида тазод шеърини санъати яратилган ва ундан жуда кенг фойдаланилган. Масалан, Лутфийнинг:

Раҳм қилғил бандага, эй шоҳ, ул тенгри учун

Ким этар бизни гадо, ул сизни султон айлаган

байтида банда-шоҳ, гадо-султон сўзлари ўзаро зид маъноларни ифодалаб, тазод санъати асосида қўлланган.

Шоир Бобурнинг машҳур бўлиб кетган Ҳар кимки вафо қилса, вафо топқусидир; Ҳар кимки жафо қилса, жафо топқусидир байтида зид маъноли вафо ва жафо сўзлари орқали воқеа-ҳодисалар образли ҳолда қиёслаб кўрсатилган.

Антонимлардан антитеза сифатида фойдаланиш ҳозирги поэзиямизда ҳам кенг тарқалган. Қуйидаги мисраларда оқ-қора, кеча-кундуз, дўст-душман, фироқ-висол, обод-вайрона сўзлари орқали қаршилантериш (антитеза) юзага келтирилган. Бу эса экспрессивликни, таъсирчанликни янада оширган:

Оқ билан қорани, кеча-кундузни,
Дўст билан душманни қила олди фарқ (F.Фулом)

Абадий **фироқни**, хайҳот дўстларим,
Абадий **висол** деб билди келинчак (А.Орипов)

Дўст билан **обод** уйинг,
Гар бўлса у **вайрона** ҳам.
Дўст қадам қўймас эса,
Вайронадир кошона ҳам (Э.Воҳидов)

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Антонимлар деб нимага айтилади?
2. Антонимик жуфт нима? Унга мисоллар келтиринг.
3. Антонимлар қандай хусусиятлари билан омоним ва синонимлардан фарқланади?
4. Антонимлар сўз туркумлари жиҳатидан қандай турларга бўлиб ўрганилади?
5. От антонимларга мисоллар келтиринг ва уларни изоҳланг.
6. Сифат ва равиш антонимларни маъно жиҳатидан қандай гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин?
7. Антонимларнинг тузилишига кўра турлари ҳақида сўзланг.
8. Қўп маъноли сузларда антонимик муносабат қандай белгиланади?
9. Антонимик муносабат ҳосил қилишда маънодош сузлар (синонимлар)нинг ўрни ҳақида гапиринг.
10. Антонимларнинг юзага келиши тўғрисида нималарни биласиз?
11. Антонимларнинг аҳамияти хусусида сўзланг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 118-120-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 120-126-бетлар.
3. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 251-254-бетлар.
4. Абдураҳмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. Тошкент, 1981, 12-16-бетлар.
5. Азизов О. Тилиуносликка кириш. Тошкент, 1996, 74-бет.
6. Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 97-99-бетлар.
7. Шукуров Р. Ўзбек тилида антонимлар. Тошкент, 1977.
8. Раҳматуллаев Ш., Маматов Н., Шукуров Р. Ўзбек тили антонимларининг изоҳли лугати. Тошкент, 1980.
9. Шукуров Р. Лексико-семантическая природа антонимов узбекского языка. АҚД., Ташкент, 1973.
10. Исабеков Б. Лексическая антонимия в современном узбекском языке. АҚД., Ташкент, 1973.

ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИДА ЎЗ ВА ЎЗЛАШГАН ҚАТЛАМ

***Таянч тушунчалар:** ўз қатлам, ўзлашган қатлам, умумтуркий сўзлар, ўзбекча сўзлар, арабча сўзлар(арабизмлар), тожикча сўзлар, русча сўзлар, сўз ўзлаштириш, калька.*

РЕЖА

1. Ўзбек тили луғат таркибидаги сўзларнинг келиб чиқиши ҳақида умумий маълумот.
2. Ўз қатламга мансуб сузлар ва уларнинг турлари.
3. Ўз қатламга оид сўзларнинг энг муҳим белгилари.
4. Ўзлашган қатлам ва унинг турлари.
5. Форсча – тожикча сўзлар.
6. Арабча сўзлар ва уларнинг энг муҳим хусусиятлари.
7. Русча-байналмилал сўзлар ва уларнинг мавзуй гуруҳлари.
8. Сўз ўзлаштириш йўллари ва усуллари.

Тилимизнинг луғат таркибида ўзимизники бўлган сўзлардан ташқари бошқа тиллардан ўзлашган сўзлар ҳам мавжуд. Бу табиий ҳолдир. Чунки ўзбек халқи ўз тарихининг турли даврларида бошқа халқлар билан иқтисодий, маданий, сиёсий алоқада бўлиб келган. Мана шу алоқа-аралашув натижаси ўлароқ тилимизга бошқа тиллардан сўзлар кириб, ўзлашиб кетган. Шу нуқтаи назардан адабий тил сузларини тарихий келиб чиқишига кўра икки гуруҳга ажратиш мумкин: **1. Ўз қатлам сузлари. 2. Ўзлашган қатлам сузлари.**

Ўз қатлам сузлари. Ўз қатламга туркий тиллар учун умумий бўлган ҳамда ўзбек тилининг ўзиники бўлган сўзлар киради. Туркий тиллар учун умумий, муштарак бўлган сўзлар **умумтуркий сўзлар** дейилади. Умумтуркий сўзлар асрлар давомида ўзбек, қозоқ, қирғиз, татар, бошқирд, туркман, озарбайжон ва бошқа туркий тилларда қўлланиб келган сузлардир. Бундай сўзлар ўзбек тили луғат таркибининг асосини ташкил этади. Умумтуркий сўзлар деярли барча сўз туркумларида мавжуд. Буларга тоғ, сув, тош, тил, қўл, бола, ер (отлар), оқ, қора, қизил, кўк, сариқ, яхши, ёмон (сифатлар), бир, икки, уч, беш, олти, саксон, туқсон, юз, минг (сонлар), мен, сен, у, биз, сиз, улар, қандай, қачон (олмошлар), келмоқ, бормоқ, турмоқ, қармоқ, олмоқ (феъллар), илдам, эрта, индин, илгари (равишлар) кабилар мисол бўла олади. Мазкур сўзларнинг баъзилари фонетик жиҳатдан ёки талаффуз қилинишига кўра фарқ қилиши мумкин. Лекин шундай бўлса-да, уларнинг келиб чиқиш асоси бирдир.

Ўзбек тилининг ўз ички имкониятлари, қонун-қоидалари асосида яратилган сўзлар **ўзбекча сўзлар** деб юритилади. Ўзбекча сузлар қуйидаги йўллар асосида яратилади:

1. Асли ўзбекча сўзларга шу тилга оид қўшимчаларни қўшиш орқали ясалган сўзлар. Бунда —чи, -ма, -лик, -гич, -им сингари ўзбекча қўшимчалар воситасида ясама сўзлар ҳосил қилинади: сувчи, теримчи, ўқувчи, ўқитувчи, бошловчи, кесма, терлама, бошқарма, қоришма, босма, оталик, оналик, болалик, яхшилик, ёмонлик, сузгич, музлатгич, ўғитлагич, совитгич, терим, йиғим, бўлим ва бошқалар.

2. Бошқа тиллардан кирган сўзларга ўзбекча қўшимчаларни қўшиш орқали ясалган сўзлар. Бунда ўзбекча сузлар қуйидагича ҳосил қилинади: 1) тожикча сўзларга ўзбекча қўшимчаларни қўшиш асосида яратилади: жангчи, мардлик, танбурчи, дуторчи, вайроналик, сабзавотчилик, чорвачилик; 2) арабча сўзларга ўзбекча қўшимчаларни қўшиш воситасида ҳосил қилинади: маорифчи, маслаҳатчи, жамоатчи, мураббийлик, замондош, вазирлик, раҳбарлик, овқатланмоқ; 3) русча-байналмилал сўзларга ўзбекча қўшимчаларни қўшиш орқали ясалади: тракторчи, спортчи, шофёрлик, демократлаштириш, электрлаштириш, механизациялаштириш, бетонламоқ сингарилар.

3. Бошқа тиллардан ўтган ясовчи воситалар ёрдамида ўз ва ўзлашма қатламдан ҳосил қилинган сўзлар. Бунда қўшимча ўзга тилга оид бўлади, асос сўз ўзбекча, тожикча, арабча, русча сўзлардан ташкил топади: китобхон, журналхон, билимдон, саводхон, маърифатпарвар, адабиётшунос, тилшунос, партиявий, оммавий, соатсоз, вагонсоз, уйсоз, машинасоз, ноаниқ, сериш, сертармоқ, серҳосил, мададкор, бунёдкор, нотинч, беиш, чизмакаш, йўлсоз, илмий, тарбиявий, оилавий кабилар.

Ўз қатлам сузларининг бир гуруҳини композиция усули билан ясалган қўшма сўзлар ташкил қилади. Қўшма ўзбекча сузлар қуйидагича ҳосил этилади: 1) бир луғавий қатламга мансуб сузлардан ясалади: иссиқсевар, белкурак, итузум, сувқовоқ, бақатерак, йилоши, томорқа, отбоқар, тезпишар, қулоқчўзма, олақарға; 2) турли луғавий қатламга мансуб сўзлардан ясалади: ёндафтар, тилхат, буйинтумор, ҳаворанг, радиоалоқа, фотонусха, умумшаҳар, қумшакар, бошпана, келинсалом, отамерос, китобсевар, шерюрак кабилар.

Ўз қатлам сузлари бир қатор хусусиятлари билан ўзлашма қатлам сузларидан фарқланиб туради. Ўз қатламга оид сузларнинг энг муҳим, асосий белгилари қуйидагилардир:

1. Ўз қатламга оид сузларнинг кўпчилик қисми кўп маънолидир, полисемантик характерга эгадир. Ўзлашма сузларда бу хусусият чегараланган.

2. Ўз қатлам сузларининг аксарияти аниқ маъноли сўзлардир. Ўзлашма қатламга тегишли сўзлар эса кўпроқ мавҳум маънолидир.

3. Ўз қатлам сузлари фонетик тузилишига кўра асосан бир бўғинли, икки бўғинли, уч бўғинли бўлади. Бир бўғинли туб сўзлар кўпроқ ундош + унли + ундош шаклига эга бўлади.

4. Ўз қатлам сузлари р, л, в, г, ь, д, з товушлари билан бошланмайди ва **ш з** ыатлам сщзларида **ф, ь, ж** (сирьалувчи), **ц** каби ундошлар умуман ыатнашмайди.

5. Ўз қатлам сузларида биринчи бўғиндан кейинги бўғинлар ҳеч вақт унли товуш билан бошланмайди.

6. Ўз қатламга оид сўзларнинг охири э(е), ў унлиси билан тугамайди. Баъзи ундов ва тақлидий сўзлар (хе, эхе, ўхў, бў, мў кабилар) бундан мустасно.

7. Ўз сузларда бўгин бошида, ўртасида ва охирида икки ундош қаторасига келмайди. Ост, уст, арт, арч, берк, гурс, йилт каби сўзлар бундан мустасно.

8. Ўз қатлам сўзлари таркибида бўғиз ундоши ҳ, қоришиқ ц келмайди. Ҳим, ух, ах, ҳа-ҳа каби айрим сўзлар бундан мустасно.

9. График жиҳатдан ўз қатламга оид сўзларда ь (тутуқ), ь (юмшатиш) белгилари ишлатилмайди.

10. Ўзбекча сўзларда урғу одатда охирги бўғинда бўлади.

Ўзлашган қатлам сузлари. Ўзбек тили луғат таркибининг бойиши ва такомиллашувида ички манба билан бир қаторда ташқи манба ҳам муҳим роль ўйнайди. Ташқи манба дейилганда бошқа тиллардан сўз ўзлаштириш орқали луғат таркибининг бойиши тушунилади. Ўзбек тилининг бошқа қардош бўлмаган тиллар билан алоқаси туфайли бу тиллардан ўзбек тилига маълум миқдорда сўзлар ўзлашиб қолган. Ўзлашган сузларнинг асосий қисми форсча-тожикча, арабча, русча сўзлардан иборатдир.

Тожикча сўзлар. Ҳозирги ўзбек тили лексикасида тожикча сўзлар салмоқли ўринни эгаллайди. Миқдор жиҳатдан ўзбекча сўзлардан кейин иккинчи ўринда туради. Бу бежиз эмас, албатта. Дарҳақиқат, ўзбеклар ва тожиклар қадимий даврлардан бир ҳудудда, биргаликда қўшни, аралаш ҳолда яшаб келганликлари, ўзаро ҳар жиҳатдан иқтисодий, ҳўжалик соҳаларида яқиндан алоқада бўлганликлари туфайли ўзбек тилига тожик тилидан кўплаб сўзлар кириб, ўзлашиб кетган. Тожикча сўзларга баҳор, чашма, чилла, ҳафта, дурбин, дастурхон, чилопчин, жўяк, паншаха, рўмол, дастрўмол, оптоба, яҳоб, яхна, чорсу, чорраҳа, пазанда сингариларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Тилимизга ўзлашган тожикча сўзларнинг кўпчилиги кўпроқ аниқ ва реал нарсa, ҳодисаларнинг номларидир. Тожикча ўзлашмалар кундалик турмуш учун энг зарурий ва кўп қўлланувчи сузлардир.

Тожикча сўзларнинг баъзи фонетик хусусиятлари у сўзларни бошқа тиллардаги сўзлардан фарқлаб туради. Масалан, **жс** товуши тожик тилига хос бўлиб, у *ғижда*, *ғижда* каби сўзлар таркибида тилимизга кириб келган. – **анд** (фарзанд, монанд), **-хт** (бахт, тахт, дарахт, карахт, пойтахт), **-шт** (гўшт, мушт, дашт, ғишт), **-мон** (армон, дармон, қаҳрамон), **бар-** (барно, барпо, барбод), **дар-** (дарбон, даргоҳ, дарғумон, дарбадар, дарров, дарҳол) каби элементлар ҳам тожикча сўзларни бошқа сўзлардан фарқлаб туради.

Арабча сўзлар. Ўзбек тили лексикасида арабча сўзлар алоҳида ўрин тутади. Арабча сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши араблар томонидан Ўрта Осиё ҳудудининг босиб олиниши ва бунинг тарихий-ижтимоий оқибатлари билан боғлиқ. Ўтмишда араб тилининг ҳукмрон тил – расмий давлат тили, таълим тили, фан ва маданият тили, бадий адабиёт тили, дин ва шариат тили бўлганлиги арабча сўзларнинг ўзбек тилига кириб келиши учун сабабчи бўлган. Ҳозирда тилимизда фаол қўлланилаётган мактаб, маориф, котиб, мухбир, маънавият, санъат, адабиёт, халқ, вазир, шоир, ватан, давлат, мақола, илм, асар,

таълим, саноат, ахборот, ходим, таржимон, талаба, жануб, шимол, анҳор, ҳовуз, ариза, имзо, хат сингари сўзлар арабча ўзлашмалардир.

Арабча сузларни мавзуий жиҳатдан бир неча гуруҳга бўлиб ўрганиш мумкин. Чунончи: 1) ижтимоий давлат тузумига оид сўзлар (ҳукумат, мамлакат, фуқаро, ҳокимият, фармон, ислоҳот, иттифок), 2) адабиётга оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар (аруз, байт, рубоий, адиб, ҳикоя, масал, мақол, қофия, вазн, радиф, тазкира), 3) мактаб-маориф, таълимга оид сўзлар (таълим, талаба, савод, имтиҳон, ахлоқ, мураббий, давомат, муаллим), 4) диний тушунчалар билан боғлиқ сўзлар (авлиё, мачит, шариат, ҳайит, каромат, дуо, фарз, таҳорат, қуръон) ва бошқалар.

Арабча сўзларнинг ўзига хос муҳим белгилари сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: 1) сўз бошида **-ма, -му** элементлари келади: мадраса, мактаб, мажлис, муҳокама, мударрис, мунаққид, мутаржим, мусаввир, музокара кабилар; 2) сўз охирида **-от, -ят, -ёт, -ат** элементлари қатнашади: тарғибот, ташвиқот, ахборот, зарурият, ҳокимият, жамият, кашфиёт, тиббиёт, зурриёт, тижорат, саховат сингарилар; 3) сўз таркибида **ъ (тутук белгиси)** иштирок этади: санъат, аъло, раъно, маъно, таътил, меъмор, таъзим, эътироз, суръат, эътиқод, эълон кабилар; 4) сўзнинг таркибий қисмида **икки унли** ёнма-ён келади: оила, шоира, доир, саодат, маориф, жамоат, қироат сингарилар.

Русча сўзлар. Адабий тилимиз лексикасида русча-байналмилал сўзларнинг салмоқли қатлами мавжуд. Русча ўзлашма сузлар ўзбек тилининг рус тили билан алоқаси туфайли юзага келган. Русча қатламга мансуб сўзлар XIX асрнинг тўртинчи чорагидан эътиборан кириб кела бошлаган. Бу даврда тилимизга рус тили ва у орқали бошқа тиллардан самовар, почта, электр, театр, виставка, машина, вагон, вокзал, поезд, артист каби сўзлар кириб, ўзлашиб кетган.

Русча ўзлашма сузлар мавзуий жиҳатдан бир неча гуруҳни ташкил этади. Уларнинг баъзилари тубандагилар: 1) озиқ-овқатга доир номлар: картошка, лимонад, конфет, кофе, макарон, вермишель, бифштекс, икра, торт, какао, каша; 2) уй-рўзгор буюмлари номлари: лампочка, графин, кресло, диван, шкаф, стол, стул, кароват; 3) кийим-кечак номлари: комбинзон, пальто, костюм, кофта, ботинка, шинель, носки, чулки; 4) ҳарбий иш ва физкультура, спортга оид сўзлар: матрос, сержант, лейтенант, майор, дивизия, гимнастика, баскетбол, биллиард, домино, волейбол, футбол, бокс; 5) ижтимоий сўз ва атамалар: съезд, диктатура, демократия, партия, депутат; 6) савдо ва молияга оид сўзлар: магазин, гастроним, буфет, ярмарка, кредит, бюджет, павильон, облигация, банк; 7) қишлоқ хўжалигига оид сўзлар: бригадир, звено, культивация, механизация, трактор, комбайн, бульдозер ва шунинг сингарилар.

Ўзбек тилига рус тилидан ва у орқали дунёнинг бошқа тилларидан кириб келган сўзлар тарихий жиҳатдан қуйидаги тилларга мансубдир: 1) **рус тилига**: самолёт, стол, стул, ток, ручка, судья, суд, паровоз, конфет, пулемёт, пароход, теплоход, картошка, печка, публицист кабилар; 2) **немис тилига**: штаб, шахта, рота, галстук, шифер, кран, орден, ландшафт, балет, бутерброд, ракета, лагерь, полиция, линза, факультет, колба сингарилар; 3) **лотин тилига**: сенат, операция, депутат, аудитория, республика, директор, лаборатория, цирк,

генерал, нота, металл, формула, лауреат, профессор, доцент, магистр, оппонент, президент, реферат, диссертация, абитуриент кабилар; 4) **грек тилига**: педагог, грамматика, кафедра, алфавит, тезис, поэма, поэзия, театр, идея, драма, комедия, трагедия, лирика, микрофон, филология, олимпиада, философия, лексика, психология ва бошқалар; 5) **инглиз тилига**: волейбол, футбол, вокзал, митинг, трамвай, клуб, бюджет, бокс, финиш, чемпион, доллар, танк, рельс, бифштекс, торт, теннис, концерт, тест, фермер, фильм, кросс, лифт кабилар; 6) **француз тилига**: костюм, пальто, этаж, мебель, буфет, кабинет, котлет, рагу, компот, крем, флот, актёр, сержант, лейтенант, капитан, артиллерия, десант, антрикот, фойе, репертуар, люстра кабилар; 7) **итальян тилига**: опера, либретто, бензин, банк, ария, ложа, валюта, газета ва шунинг сингарилар.

Бир тилдан бошқа иккинчи тилга сўз ўзлаштиришнинг ўзига хос йўллари ва усуллари бор. **Сўз ўзлаштириш** икки йўл: 1) **жонли сўзлашув орқали** ва 2) **ёзма манбалар орқали** амалга оширилади. Тилимиздаги тожикча сўзларнинг кўпчилиги жонли сўзлашув орқали ўзлаштирилган. Арабча ўзлашмаларнинг асосий қисми ёзма манбалар орқали ўтган. Русча сўзлар ҳам жонли сўзлашув, ҳам ёзма манбалар воситасида кириб келган.

Сўз ўзлаштиришнинг усуллари икки хил бўлади: 1) **айнан олиш**, 2) **калькалаб олиш**. Юқорида қайд этиб ўтилган тожикча, арабча, русча сўзлар айнанан ўзлаштирилган. Калькалаб олишда сўзнинг ўзи эмас, балки унинг маъноси ўзлаштирилади: дунёқараш (мировозрение), устқурма (надстройка), туғруқхона (родильный дом), қўлёзма (рукопись), музёраб (ледокол), сунъий йўлдош (искусственный спутник) кабилар.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Умумтуркий сўзлар деб нимага айтилади?
2. Ўзбекча сўзлар қандай йўллар билан ҳосил қилинади?
3. Ўз қатлам сузларининг муҳим белгилари ҳақида сўзланг.
4. Ўзлашган қатлам деганда нимани тушунасиз?
5. Форсча – тожикча сўзларга мисоллар келтиринг.
6. Арабизмларнинг ўзига хос белгилари тўғрисида гапиринг.
7. Русча ўзлашма сузларни мавзуй жиҳатдан қандай гуруҳларга бўлиб ўрганиш мумкин?
8. Сўз ўзлаштириш йўллари ва усуллари ҳақида нималарни биласиз?
9. Ички ва ташқи манба хусусида билганларингизни сўзлаб беринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 120-124-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 173-183-бетлар.
3. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 55-141-бетлар.
4. Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985, 48-116-бетлар.
5. Бегматов Э. Собственный пласт современного узбекского литературного языке. АДД. Тошкент, 1988.
6. Ҳозирги ўзбек адабий тили. I қисм. Тошкент, 1966, 159-178-бетлар.
7. Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957, 89-106-бетлар.

8. *Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 66-73-бетлар.*
9. *Раҳимов С., Умурқулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2003, 35-38-бетлар.*
10. *Гулямов Х. Узбекско-таджикские языковые связи. Ташкент, 1983, 9-80-бетлар.*
11. *Юсупов К. Ўзбек ва тожик тилларининг ўзаро таъсири. Тошкент, 1974, 20-45-бетлар.*
12. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1 ва 2-жилдлар. М., 1981.*
13. *Олим Усмон, Дониёров Р. Русча – интернационал сўзлар изоҳли лугати. Тошкент, 1972.*
14. *Мирзаев М., Усмонов С., Расулов И. Ўзбек тили. Тошкент, 1966.*
15. *Усмонов С. Ўзбек тилининг лугат составидаги тожикча-форсча ва арабча сўзлар. –Навоийга армуғон. Тошкент, 1968.*
16. *Гулямова Н. Г. Русские лексические заимствования в узбекском языке. Ташкент, 1985.*
17. *Муҳаммаджонова Г. Ўзбек тили лексикаси тараққиётининг баъзи масалалари. Тошкент, 1982.*
18. *Абдуллаев Ф. Тил қандай ривожланади? Тошкент, 1972.*
19. *Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент, 1983.*

ТАРИХИЙЛИК ЖИҲАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

Таянч тушунчалар: замонавий қатлам, эски қатлам, тарихий сўзлар (историзмлар), архаизмлар, янги қатлам, неологизм, умумтил неологизмлари, шахсий (индивидуал) нутқ неологизмлари, окказионал сўзлар.

РЕЖА

1. *Замонавий қатлам ҳақида маълумот.*
2. *Эски қатламга оид сузлар ва уларнинг турлари.*
3. *Архаизм ва историзмларнинг бир-биридан фарқли томонлари.*
4. *Янги қатлам. Неологизмларнинг пайдо бўлиши йўллари.*

Тил лексикасидаги сўзлар замонавийлиги ҳамда эскилик ва янгилик бўёғи борлигига кўра 3 қатламга ажратилади: **1) замонавий қатлам, 2) эски қатлам, 3) янги қатлам.**

Замонавий қатлам. Эскилик ёки янгилик бўёғига эга бўлмаган сўзлар замонавий қатламни ташкил этади. Замонавий қатламга оид бундай сўзлар замонавий сузлар дейилади. Ўзбек тили луғат таркибининг асосий қисми замонавий сузлардан иборатдир. Умумистеъмолдаги сўзларнинг барчаси замонавий қатламга мансуб бўлади. Улар барча кишилар учун тушунарли бўлиши билан бир қаторда нутқда фаол қўлланилади: **баҳор, қиш, куз, ғарб, шарқ, ер, осмон, тоғ, тош, арик, ёмғир, қор, дарё, яхши, ёмон, чиройли, тор, чуқур, гўзал, ким, биров, ҳар ким, ҳар қандай, тез, оз, кўп, аста, ёзмок, овқатланмок, ухламок, яшамок** сингарилар. Замонавий қатламга оид сўзларнинг баъзилари нутқда фаол қўлланилмаслиги, тор мутахассислик доирасида ишлатилиши мумкин. Масалан, терминологик лексикага оид сўзлар шундай сўзлардан бўлиб, уларнинг истеъмол доираси чегараланган. Лекин бундан қатъий назар терминларнинг барчаси замонавий лексика ҳисобланади.

Эски қатлам. Бугунги адабий тил нуқтаи назаридан эскилик бўёғига эга бўлган сўзлар эски қатламни ташкил қилади. Эски қатламга оид сўзлар асосий фарқли хусусиятларига кўра икки турга бўлинади: 1) **тарихий сўзлар (историзмлар)**, 2) **архаизмлар**.

Ҳозирги кунда мавжуд бўлмаган, йўқ бўлиб кетган нарса, ҳодисаларнинг номи **историзмлар** дейилади. Маълум даврларда бор бўлган нарса вақтлар ўтиши билан ҳаёт тақозасига кўра йўқ бўлиб кетиши мумкин. Нарса йўқолгач, қўлланишдан қолгач, табиийки, уни ифодалаган сўзлар ҳам истеъмолдан чиқиб кетади, тарихий сўзга айланади. **Амир, канизак, чўри, мирзабоши, қалами, қушбеги, совут, қози, миршаб, чорик, мингбоши, оксоч, ҳарам, юзбоши** кабилар тарихий сўзлардир.

Историзмларни англатган маъносига кўра бир неча гуруҳга ажратиш мумкин: 1) сулолалар, табақалар номини ифодалаган историзмлар: хон, подшоҳ, чўри, каниз, амир, ҳокон; 2) мансаб, амал номларини билдирган историзмлар: қушбеги, кутвол, кўрбоши, девонбеги, тўқсоба, қоровулбеги, сармунший, бекларбеги, эшикоғаси, шиғовул, мирзабоши, миришкор, сарбаҳодир, тунқатор, понсод, меҳтар, оталиқ, додхоҳ, саломоғаси, рисолачи, офтобачи сингари; 3) уруғ, қабила, қавм номлари (этнонимлар)ни англатган историзмлар: жалойир, манғит, найман, дўрмон, телов, қурама, бағиш, корабўйин, кенагас, минглар, юзлар, қирқлар, қангли, сарой каби; 4) озиқ-овқат номларини билдирган историзмлар: улоба, уркамоқ, тутмоқ, ёрма, кўмоқ; 5) кийим-кечак, мато номларини ифодалаган историзмлар: қалами, хоса, парпаша, олача, қулоқ, жанда, гуппи, санама; 6) касб-ҳунар, машғулоти номларини билдирган историзмлар: сарроф, вофуруш, жарчи, ахтари, божгир, чоракор ва бошқалар.

Историзмлардан ўтмиш ҳақида ҳикоя қилувчи бадиий асарларда, тарих ва этнографияга оид илмий тадқиқотларда фойдаланилади: **Ҳарам** доираси буқун шовқин-суронсиз эди. **Подшоҳнинг** бир-бирига яқин, лекин айрим-айрим саройларда яшаган хотинлари **шоҳ** хонадонига мансуб бир шахзоданинг тўйига кетишган эди (Ойбек). Мен умримда тўрт **хон** кўрдим, талай **бий** кўрдим (Миртемир).

Эскириб истеъмолдан чиққан, аммо ўз эквивалентига, синонимига эга бўлган сўзлар **архаизмлар** дейилади. Архаизмлар бугунги кунда мавжуд бўлган нарса-ҳодисаларнинг эскириб қолган атамалари ҳисобланади. Мисоллар: **дудоқ** (лаб), **тилмоқ** (таржимон), **улус** (халқ), **ёғи** (душман), **ирин** (лаб), **дирам** (танга), **илик** (қўл), **бўрқ** (телпак), **ораз** (юз), **қопқа** (дарвоза), **алам**, **ялов**, **туғ** (байроқ), **фалак** (осмон), **муаррих** (тарихчи), **черик** (қўшин), **Жайхун** (Амударё), **Сайхун** (Сирдарё), **Шош** (Тошкент), **Кеш** (Шахрисабз), **Насаф** (Қарши) кабилар.

Сўзларнинг архаиклашиши турли сабаблар билан бўлиши мумкин. Тилда нарса-ҳодисаларни ифодаловчи бирдан ортиқ сўз бўлса, тил қонуниятлари талабига жавоб берадиганлари истеъмолда қолиб, бошқаси секин-аста истеъмолдан чиқа бошлайди ва у ўз синонимига нисбатан эски сўзга айланади. Демак, синонимлар нутқда бир хил, тенг ишлатилмаслиги натижасида улардан

баъзилари архаизмга айланади. Умуман, архаизмларнинг туғилиш сабабларини изоҳлаш кўп ҳолларда қийин бўлади.

Юқорида айтилганлардан англашиладики, архаизм ҳам, историзм ҳам эски сўз. Бу жиҳатдан улар ўзаро алоқадорликка эга. Лекин шундай бўлса-да, архаизмлар билан историзмлар ўртасида талай фарқлар мавжуд. Бу фарқларнинг баъзилари қуйидагилар:

1. Архаизм ҳозирги кунда мавжуд бўлган нарсаларнинг атамаси. Историзм эса бугунги кунда мавжуд бўлмаган нарсаларнинг атамаси.

2. Архаизмларнинг замонавий қатламда ўз синонимлари бор бўлади, у ўз синонимлари билан бирга қўллана олади. Историзмларнинг эса синонимлари бўлмайди.

3. Архаизмларнинг эскирганлиги унинг синонимларига қиёсан баҳоланади. Историзмда эса бу имконият йўқ. Историзмларнинг эскирганлиги даврга кўра баҳоланади.

4. Историзм бирдан-бир, якка ном, унинг ўрнини босувчи сўз йўқ. Архаизм эса бир неча номлардан бирининг эскиргани; унинг ўрнини босувчи сўз бор.

5. Архаизм тил тарихига ва тилнинг ҳозирги ҳолатига кўра баҳоланади. Историзм эса фақат тил тарихига кўра баҳоланади.

6. Архаизм асосан тилнинг ўз тараққиёти қонунлари билан изоҳланувчи ҳодиса. Историзм эса жамиятнинг ижтимоий, сиёсий, маданий тараққиёти тарихига кўра изоҳланади.

7. Историзм фақат аташ (номинатив) вазифани бажаради. Архаизмлар ҳам аташ, ҳам услубий (стилистик) вазифа бажаради.

8. Архаизмлардан услубиятда (стилистикада) ҳамда давр калоритини беришда фойдаланилади. Историзмлар эса фақат давр калоритини яратишда ишлатилади.

9. Историзмни нолисоний омил туғдиради. Архаизм эса лисоний омиллар асосида вужудга келади.

Архаизмлар бадиий асарларда давр руҳини, тарихий шароитни кўрсатиш учун, шунингдек, нутққа тантанавор, кўтаринки, жўшқин, назокатли руҳ бериш мақсадида ишлатилади. Мисоллар: Отабек уларнинг **тотикларини** хўп бошлаб берди (А.Қодирий). Сароб гирдоблари орқада қолди, толе **қопқасини** қокдим асабий (М.Қўшмоқов). Кумушбибининг сезилар-сезилмас кулимсирашидан ёқутдек **принлари** остидаги садафдек оқ тишлари кўриниб кетди (А.Қодирий). Архаизмлар ҳажвий ва кулгили асарларда ҳазил-мутойиба, масхара, киноя руҳини ҳам бериши мумкин. Масалан: Қассоб ўрнидан туриб, чунтак кавлашга тушди. – Мана бизни **ашъор!** – деди шимининг ўнг чўнтагидан бир варақ қоғоз чиқариб. – Мана, ана буниси қизиқ, секретарь қизга беш сўм бериб, машинкада чоп қилдирганман. Қишда павильонга от гўшти келганда ёзган эдим (Н.Аминовнинг “Қассоб шоир” ҳажвиясидан).

Ўрни келганда шуни таъкидлаш лозимки, архаизмларнинг баъзилари вақтлар ўтиши билан тилда қайта тикланиши, фаол сўзлар қаторидан ўрин олиши мумкин. Сўнгги йилларда бир вақтлар сунъий равишда истеъмолдан чиқарилган, архаик сўз сифатида баҳоланган талай сўзлар тилимиз луғат

таркибидан яна ўз ўрнини эгаллади. Вазир, вилоят, муҳаррир, котиб, маъруза, матн, чипта, бекат, фуқаро, дастур, муҳр, ҳакам, мадҳия, рукн, фоиз, фаввора, ҳоким кабилар шулар жумласидандир.

Янги қатлам. Тилда сўзларнинг эскириб, истёъмолдан чиқиб кетиши қонуний бўлгани каби, унда янги сўзларнинг яратилиши ҳам табиий бир ҳолдир. Тилда янгидан пайдо бўлган ва янгилик бўёғига эга бўлган сўзлар **янги қатламни** ташкил этади. Бундай сўзлар **неологизмлар** деб юритилади.

Тилда янги сўзларнинг пайдо бўлиши ижтимоий, сиёсий, иқтисодий ва маданий ҳаётдаги силжишлар, тараққиёт билан боғлиқ бўлади. Жамият ривож, объектив борлиқ ва табиатдаги ўзгаришлар, кишиларда илмий, маънавий тафаккурнинг ўсиб бориши янги сўз ва янги атамаларга ўз-ўзидан эҳтиёж туғдиради. Мана шу эҳтиёж асосида тилда янги сўзлар вужудга келади. Кейинги даврларда истиклол шарофати билан республикамизнинг маданий, иқтисодий, ижтимоий ҳаётида бир қатор ижобий ўзгаришлар юз берди. Бу ўзгаришлар тил лексикасида ўз аксини топди. Лексикамиз қатор янги сўзлар ҳисобига бойиди. **Ҳафтаном, таҳлилном, тест, рейтинг, бакалавр, магистр, коллеж, лицей, маркетинг, биржа, менежер, акция, сертификат, супермаркет, концерт, корпорация** кабилар бунга мисолдир.

Неологизм тушунчаси ўта нисбийдир. Неологизм тилда пайдо бўлиб, бора-бора кенг қўлланиши натижасида янгилик бўёғини йўқотади ва неологизмликдан чиқиб, замонавий қатламга ўтади. Масалан, 20-30-йилларда машина, трактор, комбайн, бригадир, звено сўзлари неологик сўз ҳисобланган. Ҳозир улар неологизм эмас. Ёки 60-йилларда ўғитлагич, пуркагич, космос, космонавт, ер сунъий йўлдоши, телевизор сўзлари неологизм бўлган бўлса ҳам, ҳозир улар тилга ўзлашиб кетган, янгилик хусусиятини йўқотган.

Неологизмлар пайдо бўлиш доираси, муҳитига кўра иккига бўлинади: 1) **умумтил неологизмлари**, 2) **шахсий (индивидуал) нутқ неологизмлари**.

Янги сўз умумнутқ доирасида бўлса, булар **умумтил неологизмлари** дейилади: тест, рейтинг, биржа, менежер, йилнома, интернет кабилар умумтил неологизмларидир.

Ёзувчилар, шоирлар, умуман якка шахслар томонидан яратилган, ижод қилинган янги сўзлар **шахсий (индивидуал) нутқ неологизмлари** деб юритилади. Масалан, Ғ.Ғулом асарларида нурсирамоқ, курашдош, ҳамранг, яловкаш, сезим, дамкаш, увадабанд, дарёдил, шарофобод, сафарбаста, ҳижронзода; М.Шайхзода асарларида меҳнатдош, ойдош, калитламоқ, фазошумул, тундалик, нуристон, саломобод, беморхона, меҳнатнома неологизмлари учрайди.

Бу тип сўзлар тилшуносликда **окказионал (муваққат) сўзлар** деб ҳам юритилади. Окказионал сўзларнинг кўпчилиги умумтил фактига айланмайди. Булар маълум бир асар тилининг ўзига хос мулки ҳисобланади.

Неологизмлар уч усул асосида тилда пайдо бўлади: 1) бошқа тиллардан сўзлар қабул қилиш натижасида (биржа, рейтинг, бакалавр, фермер); 2) ички имкониятлар асосида сўзлар яшаш натижасида (йилнома, ҳафтаном, китобсевар, олтинтопар, навоийхонлик, айюбгуломхонлик); 3) мавжуд сўзларни

янги маънода қўллаш натижасида (йўлдош – ер йўлдоши, пайвандчи – металлни уловчи маъноларида) юзага келади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. *Тарихийлик нуқтаи назаридан тилдаги лексик бирликлар неча қатламга бўлиб ўрганилади?*
2. *Замонавий қатлам деганда нимани тушунаси?*
3. *Эски қатламга оид сузлар қандай турларга бўлинади?*
4. *Историзм деб нимага айтилади? Уларга мисоллар келтиринг.*
5. *Историзмлар англатган маъносига кўра қандай гуруҳларга бўлиб ўрганилади?*
6. *Архаизм нима? Архаизмга мисоллар айтинг.*
7. *Архаизм билан историзмлар ўртасида қандай фарқлар мавжуд?*
8. *Архаизм ва историзмлардан нутқда қандай мақсадларда фойдаланилади?*
9. *Янги қатлам нима? Неологизмларга мисоллар топинг.*
10. *Неологизмларнинг қандай турларини биласиз?*
11. *Янги сўзлар тилда қай йўсинда пайдо бўлади?*
12. *Мустақиллик шароитида янги пайдо бўлган сўзларга мисоллар келтиринг.*

АДАБИЁТЛАР

1. *Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 124-127-бетлар.*
2. *Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 151-164-бетлар.*
3. *Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 141-157-бетлар.*
4. *Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 66-71-бетлар.*
5. *Раҳимов С., Умурқулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2003, 41-42-бетлар.*
6. *Раҳматуллаев Ш. Луғавий бирликларнинг замонавийлиги жиҳатдан гуруҳланиши ва номланиши масаласига доир. “Ўзбек тили ва адабиёти масалалари” журнали, 1962, 4-сон.*
7. *Раҳматуллаев Ш. Архаизм ва историзм. Научные труды ТашГУ. Новая серия, вып. 211, филологические науки, кн. 24. Ташкент, 1963.*
8. *Қиличев Э. Архаизмы и историзмы в прозе Садриддина Айни. АҚД. Ташкент, 1969.*
9. *Қиличев Э. Бадиий тилнинг тасвирий воситалари. Тошкент, 1982.*

УМУМИЙ ВА ЧЕГАРАЛАНГАН ЛЕКСИКА

Таянч тушунчалар: умумистеъмолдаги сузлар, истеъмол доираси чегараланган сузлар, диалектал лексика, диалектизм, шевага хос сўз, лексик диалектизм, семантик диалектизм, фонетик диалектизм, грамматик диалектизм, терминологик лексика, атама, атамашунослик, илмий атамалар, касб-ҳунар лексикаси, профессионализм, жаргон, арго.

РЕЖА

1. Истеъмол доираси жиҳатидан ўзбек тили лексикаси ҳақида умумий маълумот.
2. Умумистеъмолдаги сузлар ва уларнинг туркум жиҳатидан турлари.
3. Истеъмол доираси чекланган сузлар.
4. Диалектизмлар ва уларнинг турлари.
5. Илмий атамалар ва касб-ҳунарга оид сўзлар.
6. Жаргон ва арголар.

Тилимиз луғат таркибидаги сўзлар ишлатилиш, қўлланилиш доираси жиҳатидан аввало икки гуруҳга бўлинади: 1) **умумистеъмолдаги сузлар**; 2) **истеъмол доираси чегараланган сузлар**.

Умумистеъмолдаги сузлар. Ҳозирги ўзбек тили лексик бойлигининг асосини умумистеъмолдаги сўзлар ташкил этади. Бундай сузлар ёши, касби, яшаш жойи, маданий савиясидан қатъий назар ўзбек тилида гаплашувчи барча кишилар учун тушунарли бўлади, нутқда кенг тарзда ишлатилади. Умумистеъмолдаги сузлар кундалик турмушда зарур бўладиган нарсалар, белгилар, ҳаракат номлари кабиларни ифодалайди. Ош, нон, йўл, дарё, деҳқон, юз, ота, она, узоқ, элак, овқат, яхши, ёмон, оқ, қора, тез, секин, кун, олмоқ, бермоқ, емоқ, ётмоқ, ухламоқ, ишламоқ сингарилар умумистеъмолдаги сўзлар жумласига киради.

Умумистеъмолдаги сузларнинг асосий қисми ўз қатламга оид сўзлардан иборат. Шу билан биргаликда бундай сўзлар таркибида тожик тилидан (сабзавот, чорва, обрў, омад, дугона, дутор, хона), араб тилидан (мактаб, китоб, мачит, анҳор, муомала, соат, оила, раис), рус тилидан (радио, телевизор, стол, стул, магазин, кино, театр, ручка, журнал) ўзлашган сўзлар ҳам анчагина миқдорни ташкил этади. Демак, умумистеъмолдаги сузлар ўз қатламга оид сўзлардан, шунингдек ўзлашма сўзлардан иборат бўлиши мумкин.

Истеъмол доираси чегараланган сузлар. Тилимиздаги айрим сўзларнинг истеъмол доираси маълум жиҳатдан чегараланган бўлади. Қўлланиш доираси чегараланган бундай лексика ишлатилиши ҳудудга кўра, ишлатилиши касб-ҳунарга қараб, ишлатилиши бирор ижтимоий гуруҳга нисбатан чекланган бўлиши мумкин. Худди шу нуқтаи назардан ушбу тур лексика чегараланиш характериға қараб уч турга бўлинади: 1) **диалектал лексика**; 2) **терминологик лексика**; 3) **жаргон ва арголар**.

Диалектал лексика. Ишлатилиши ҳудудга кўра чекланган сўзлар диалектал лексикани ташкил этади. Диалектал лексика маълум ҳудудда яшайдиган барча кишилар қўллайдиган, ўша ердаги аҳоли нутқига хос бўлган сўзлардир. Бинобарин маълум бир лаҳжа ва шеваларга хос бўлиб, адабий тил лексикасига кирмайдиган бундай сўзлар **диалектизмлар** дейилади. Мисоллар: **Наманган шевасига хос бўлган сўзлар:** жойиш (уйнинг олд қисми), дукорт (қайчи), аба (она), патинжон (помидор), гудда (буйрак), ёва (бегона), олвали (олча); **Қўқон гуруҳи шеваларига хос бўлган сўзлар:** пўп (чой қайнатадиган бак), пўпчи (самоварчи), оламазон (ўт, оловнинг гуруллаб ёниши), ровиндик (чойшаб), пайманчак (арикдан сув оладиган маҳсус жой), опчин (девор тагидан ўтказиладиган сув йўли), куланг (ҳавонинг айнаши), пойчўкир (киришимли, содда), лоғар (эски), мосов (гаранг), увдиқ (ланж, бўшашган), қирпи (муғомбир), салтисвой (боласиз аёл, хотин), хўпитмоқ (чўмилмоқ) сингарилар.

Диалектизмлар қуйидаги турларга бўлинади: **1) лексик диалектизмлар; 2) семантик диалектизмлар; 3) фонетик диалектизмлар; 4) грамматик диалектизмлар.**

Диалектизмларнинг сўзлардаги кўриниши, сўз доирасидаги тури **лексик диалектизмлар** дейилади. Улар **диалектизм** – сўз деб ҳам юритилади: бешаха – паншаха (Қарноқ), халпа – отин, ғўз – ёнғоқ (Хоразм), дўғов – сопол идиш, дуфарак – дурадгор (Андижон), белқарс – белбоғ (Қашқадарё), қияр – бодринг (Шовот), даскалла – барг кесадиған асбоб (Қўқон), баранг – картошка (Олмос), ғўлунг – ўрик (Богот), жежак – пакана (Сайрам), ҳапаза – чўмилмоқ (Наманган), баракгирак – човли (Самарқанд), буғак – булутли ҳаво (Қоракўл), каваш – нўхат шўрак (Туркистон), жулули – қирғий (Зомин), калак – шохсиз эчки (Жўш) кабилар лексик диалектизмларнинг ёрқин намунасидир.

Ёзилиши ва талаффузи бир хил бўлган айни бир сўз адабий тилда ҳам, шевада ҳам бўлиши мумкин. Лекин улар адабий тилда ва шевада бошқа-бошқа маъноларда қўлланилади. Демак, бирор сўз адабий тилда ҳам, шевада ҳам мавжуд бўлиб, шевада адабий тилда бўлмаган маъноси билан қўлланса, бундай сўзлар **семантик диалектизмлар** дейилади. Масалан, адабий тилдаги **лаган** сўзи Самарқанд шевасида **тоғора**; **эшик** сўзи Андижон, Марғилон шеваларида **ҳовли**, **уй**; **тоза** сўзи Хоразм шевасида **янги**; **дим** сўзи **жуда** маъноларида ишлатилади. – Эшикдагилар тинчми? (С.Аҳмад) гапида эшик сўзи “ҳовли, уй” маъноси билан семантик диалектизм бўлиб келган.

Адабий тилдаги сўзларни шева вакиллари ўз шеваларининг фонетик қонуниятларига амал қилган ҳолда талаффуз этадилар. Товуш ўзгариши ва талаффузига учраган бундай сўзлар **фонетик диалектизмлар** дейилади: майрам (байрам), мичича (мусича), салқит (сарқит), лодон (нодон), мишиқ (мушук), чоч (соч), сов (соғ), обчиқ (олиб чиқ) кабилар. Қипчоқ лаҳжасида **й** товуши ўрнига **ж** ундошининг (йўқ-жўқ, юз-жуз, йўл-жўл, йўринг-журинг, ёмон-жомон, йигирма-жигирма каби), ўғуз лаҳжасида адабий тилдаги **к** ўрнида **г** товушининг (кўриш-гўриш, келди-галди, кўмма-гўмма), **т** товуши ўрнида **д** товушининг (туз-дуз, тўрт-дўрт, Турди-Дурди, тил - дил каби) қўлланилиши фонетик диалектизмларни вужудга келтиради.

Бирор шеванинг ўзига хос грамматик шакллари **грамматик диалектизмлар** дейилади. Адабий тилдаги “-миз” шахс-сон қўшимчаси ўрнида Тошкент шевасида “-вуз” қўшимчасининг (борамиз-боравуз, келамиз-келавуз каби), адабий тилдаги “-япти” ҳозирги замон феъли қўшимчаси ўрнида Бухоро шевасида “-опти”, Тошкент шевасида “-вотти”, Наманган шевасида “-утти” қўшимчасининг (келяпти-келопти, келавотти-келутти каби), адабий тилдаги “-да” ўрин-пайт келишиги қўшимчаси ўрнида Самарқанд, Бухоро шеваларида “-га” қўшимчасининг (магазинда-магазинга, урушда-урушга каби) қўлланиши грамматик диалектизмлар ҳисобланади. Қоринлар ҳам пиёз бўлиб тўхтабту, нонуштани қаерга қиламиз, Шарийф? – Чойхонага қиламиз (А.Қодирий) гапида қаерга, чойхонага сўзлари грамматик диалектизм бўлиб келган.

Диалектизмлар бадий асарларда ишлатилади. Муаллифлар воқеа-ҳодиса рўй берган жойнинг руҳини бериш, асар қаҳрамонларининг нутқини хусусийлаштириш учун диалектизмлардан фойдаланадилар. А.Қодирий, С.Айний, Ойбек, А.Қаҳҳор, Саид Аҳмад, Мирмуҳсин, Ў.Ҳошимов, О.Мухторовлар асарларида диалектизмлар ўринли ишлатилган. Мисоллар: Қишлоқ ўртасидан **рўд** ўтар эди (С.Айний). Мен сизга **инак** соғишниям ўргатаман, - деди Райҳонбиби Олияга (О.Мухторов). **Ёшулли**, санинг қизинг бунда галтирилмаган (Мирмуҳсин). Жўра муздай сувда ювинди-да, айвон қозиғидан **сурғи** олиб артинди (Ойбек). Келтирилган мисолларда **рўд** диалектизми – ариқ, **инак** – сигир, **ёшулли** – оқсоқол, **сурғи** – сочиқ маъноларида қўлланган.

Диалектизмлар адабий тил лексикасини бойитувчи муҳим ички манбалардандир. Ҳозирда тилимизда қўлланувчи елвизак, дугона, жўра, елвагай, кўпкари, зирбак, қирқим, тўл сўзлари асли шевалардан кириб келган.

2. Терминологик лексика. Истеъмол доираси чегараланган лексиканинг иккинчи катта бир гуруҳини терминологик лексика ташкил қилади. Терминологик лексика касб-ҳунарга оид сўзлар ва илмий атамалар мажмуидан иборат бўлади.

Ўзбекистон ҳудудида қадимдан касб-ҳунар ривожланиб келган. Халқимиз кулолчилик, каштачилик, мисгарлик, этикдўзлик, заргарлик, дурадгорлик, пичоқчилик, дегрезлик, эгарчилик, тунукасозлик, тақачилик, дўппидўзлик каби ҳунаремандчилик соҳалари билан шуғулланиб келган. Турли касб тармоқлари билан машғул бўлиш шу соҳаларнинг ўзига хос сўзларининг вужудга келишига, яратилишига сабаб бўлган. Тилимиз касб-ҳунарга оид сўзларга ниҳоятда бой. Касб-ҳунар лексикасига қуйидаги соҳалардан мисоллар келтириш мумкин: 1) **темирчилик касб-ҳунаридан:** ўчоқ, оташдон, бозғончи, дамгар, чархдор, чархкаш, зўғата, пеш, пешлаш, тана, авра, тўпончи, терувгар, ёғлаш, ёғловчи, катта дам, кичик дам кабилар; 2) **заргарлик касб-ҳунаридан:** тиллақош, тиллазулф, зебигардон, бўйинтумор, найчатумор, кўкрактумор, қуймаузук, анжирбалдоқ, қашқарбалдоқ, зирак, аравабалдоқ, тангажевак, зулукзира, авғонча узук сингарилар; 3) **пичоқчилик лексикасидан:** гулқалам (пичоқни гулдор қилиб безашда ишлатиладиган асбоб), кесинди (бир дона пичоқ ясаш учун мўлжаллаб кесилган темир бўлак), киров (пичоқни чархлаганда тиғининг иккинчи томонга қайрилиб қолган энсиз, майин қисми), қайирмапичоқ (тиғи

қайриладиган пичоқ), қабзагирак (пичокни қистириб туриб, чархга тутиладиган асбоб), юлдузтамға (қушпичоқ тиғининг юзига тушуриладиган нақшнинг бир тури), қушпичоқ (пичоқ турларидан бири), қайқи (тиғининг учи орқасига сал қайириб ясалган пичоқ тури), қайирмапичоқ (тиғи қайриладиган пичоқ) сингарилар.

Чегараланган лексикага оид сузларнинг яна бир гуруҳи **илмий атамалардир**. Маълум бир фан, санъат, техникага оид тушунчаларни ифодаловчи сўзлар **илмий атамалар (терминлар)** дейилади. Мамлакатимизда фаннинг барча соҳалари ҳар томонлама тараққий этиб бормоқда. Бу соҳадаги ўсиш, ривожланиш ўзбек тили лексикасини илмий атамалар билан бойитмоқда. Ҳар бир фан ўзининг илмий атамаларига эга.

Илмий атамаларнинг яратилиши, ҳосил қилиниш йўллари ҳар хилдир. Атамалар, биринчидан, оддий муомаладаги сўзлардан ясалади. Бунда оддий муомаладаги сўзлар терминга хос хусусият касб этиб, маълум фаннинг атамасига айланади. Ботаника соҳасидаги **гул, поя, илдиз, томир**; математика соҳасидаги **чизик, доира, асос, юз, қўшиш, айириш**; анатомия соҳасидаги **суяк, ичак, ўпка, жигар, қон** терминлари шулар жумласига киради. Иккинчидан, илмий атамалар она тилимиздаги сўз ва қўшимчалар ёрдамида термин ясаш орқали вужудга келади: **босим, узгич, сиғим, бирлик, узоқлик** кабилар. Учинчидан, бошқа тиллардаги терминларни айнан олиш ёки калькалаб ўзлаштириш воситасида атама ҳосил қилинади: **аксиома, координат, компас, кислород, меридиан, материя; числовое множество – сонлар тўплами, декоративные растения – манзарали ўсимликлар, квадратное уравнение – квадрат тенглама, зрительная ось – кўриш ўқи** ва бошқалар.

Тилимизда бирор ижтимоий гуруҳ ва тўдалар доирасида қўлланувчи сўзлар ҳам учраб туради. Улар **жаргон** ва **арголар** тарзида талқин қилинади. Юқори табақа вакиллариининг яширин, дабдабали сўзлари **жаргонлар** дейилади. Ўтмишда юқори табақа кишилари ўз ниятларини оддий халқдан яшириш мақсадида жаргонлардан фойдаланар эдилар. **Ҳусни мутлақ** (худо), **неъматни жаннат** (маҳбуба, ёр), **олампаҳо** (подшо), **фармони олий шон** (подшо фармони), **аркони давлат** (подшо, амир), **тавакқуш айланг** (умид билан кутинг), **шое қилинг** (билдиринг), **рижо ва таманно этаман** (шундай қилишни сўрайман), **танзин денг** (фойда денг) сингари сўз ва иборалар жаргонларга мисол бўла олади.

Саёқ созандалар, ўғрилар, безориларнинг яширин сўзлари **арголар** деб юритилади. Бундай сўзлар кенг халқ оммаси учун тушунарли бўлмайди. Масалан, отарчилар аргосига **отар** (тўй), **отаркас** (тўй эгаси), **очарчи** (тўйни олиб боровчи), **данап** (ўйинчи хотин), **якан** (пул), **сўкичак** (отарчиларни тўйга олиб боровчи машина), **сўкичакчи** (шофёр), **нойи, удак** (тўйни тўхтатиш) кабиларни; ўғрилар, безорилар аргосига **дего** (бегона), **ҳариф** (душман), **шабас** (менга бериб юбор), **бедана** (тўппонча), **лой** (пул), **лигави** (милиция), **замри** (жим тур), **атанда** (қоч) сингариларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Жаргон ва арголар кўпинча ўткинчи бўлади. Тўда ва гуруҳларнинг тарқалиб кетиши ёки тугаши билан жаргон ва арголар ҳам унутилади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. *Ўзбек тили таркибидаги сўзлар ишлатилиши, қўлланилиши доираси жиҳатидан неча гуруҳга бўлиб ўрганилади?*
2. *Умумистеъмолдаги сўзлар деб нимага айтилади?*
3. *Истеъмол доираси чегараланган лексика деганда нимани тушунасан?*
4. *Диалектал лексикага тавсиф беринг.*
5. *Шевага хос сўзларга турли шевалардан мисоллар келтиринг.*
6. *Диалектизмнинг қандай турларини биласиз?*
7. *Диалектизмларнинг бадиий асарларда ишлатилишига мисоллар айтинг.*
8. *Терминологик лексика атамасига изоҳ беринг.*
9. *Тилишунослик ва адабиётшунослик фанларига оид атамаларга мисоллар топинг ва уни изоҳланг.*
10. *Илмий атамалар қандай йўллар билан яратилади, ҳосил қилинади?*
11. *Касб-ҳунар лексикаси нима?*
12. *Касб-ҳунарга оид сўзларга турли соҳалардан мисоллар келтиринг.*
13. *Жаргон ва арголар ҳақида маълумот беринг.*

АДАБИЁТЛАР

1. *Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 11-40-бетлар.*
2. *Бегматов Э. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг лексик қатламлари. Тошкент, 1985, 11-16, 29-31-бетлар.*
3. *Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 143-151-бетлар.*
4. *Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 127-133-бетлар.*
5. *Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 58-65-бетлар.*
6. *Раҳимов С., Умурқулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2003, 38-40-бетлар.*
7. *Ўзбек халқ шевалари лугати. Тошкент, 1971.*
8. *Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1966.*
9. *Ўзбек шевалари лексикаси. Тошкент, 1991.*
10. *Мадраҳимов О. Ўзбек тилининг ўғуз лаҳжаси лексикаси. Тошкент, 1973.*
11. *Дониёров Х. Қипчоқ диалектларининг лексикаси. Тошкент, 1979.*
12. *Иброҳимов С. Фарғона шеваларининг касб-ҳунар лексикаси. Тошкент, 1959.*
13. *Ибрагимов С. Профессиональная лексика узбекского языка. АДД. Тошкент, 1961.*
14. *Маматов Н. Пахтачилик терминларининг қисқча изоҳли лугати. Тошкент, 1964.*
15. *Усмонов С. Ўзбек терминологиясининг баъзи масалалари. Тошкент, 1968.*
16. *Дониёров Р. Ўзбек тили техник терминологиясининг баъзи масалалари. Тошкент, 1977.*
17. *Файзуллаев Б. Диалектизмы в языке художественных произведений. АҚД. Тошкент, 1980.*
18. *Абдурахмонов Х., Маҳмудов Н. Сўз эстетикаси. Тошкент, 1981, 23-29-бетлар.*
19. *Қиличев Э. Бадиий тасвирнинг лексик воситалари. Тошкент, 1982.*

ҲИССИЙ БЎЁҚДОРЛИК ВА УСЛУБИЙ ЖИҲАТДАН ЎЗБЕК ТИЛИ ЛЕКСИКАСИ

Таянч тушунчалар: ҳиссий бўёқ, ҳиссий бўёқдор сўзлар, ҳиссий бўёқсиз сўзлар, ижобий ҳиссий бўёқ, салбий ҳиссий бўёқ, услуб, услублараро сузлар, услубий хосланган сузлар, бадий услуб, илмий услуб, публицистик услуб, расмий услуб, оғзаки сўзлашув услуби, поэтик сўз (поэтизм).

РЕЖА

1. Ҳиссий бўёқсиз ва ҳиссий бўёқдор сўзлар.
2. Ҳиссий бўёқдор сўзларнинг юзага келиши йўллари.
3. Сузларда услубий хосланиши. Услублараро сузлар ва уларнинг сўз туркумлари жиҳатидан турлари.
4. Услубий хосланган сузлар ва уларнинг ўзига хос хусусиятлари.

Ўзбек тили луғат таркибидаги сўзлар сўзловчининг турли хис-туйғулари, кечинмаларини ифодалаш хусусиятига кўра икки турга бўлинади: **1) ҳиссий бўёқсиз сўзлар; 2) ҳиссий бўёқдор сўзлар.**

Ҳиссий бўёқсиз сўзлар маълум нарса, белги, ҳаракат ҳақидаги тушунчани ифода қилади, лексик маънога эга бўлади, лекин улар сўзловчининг турлича муносабатини билдирувчи қўшимча оттенкага эга бўлмайди. Ер, нон, тоғ, жой, китоб, ҳусн, катта, кўк, бормоқ, етмоқ, кўкармоқ, ишламоқ сингарилар ҳиссий бўёқсиз сўзлардир.

Ҳиссий бўёқдор сўзлар лексик маъно билан бирга сўзловчининг маъноси англашилаётган нарса, белги, ҳаракатга баҳосини, турлича муносабатини ҳам ифодалайди. Чехра, табассум, мириқмоқ, дўмбоқ, момоқаймоқ, бадбашара, писмиқ, калла, башара сўзлари ҳиссий бўёқдор сўзлар саналади.

Ҳиссий бўёқдор сузлар воқеа-ҳодисаларга сўзловчининг объектив муносабатини ифодалаш нуқтаи назаридан икки гуруҳга ажратилади: **1) ижобий ҳиссий бўёқдор сўзлар; 2) салбий ҳиссий бўёқдор сўзлар.**

Ижобий ҳиссий бўёқдор сўзлар суйиш, эркалаш, ҳурматлаш сингари маъноларни ифодалайди. Буларга лобар, танти, сулув, гўзал, аломат, дўндирмоқ, онажон, кенжатой, дилбар, тамтам, тойлоқ сузларини киритиш мумкин. У ҳамиша кулиб, **жилмайиб** турадиган меҳрибон чехрани кўрмади (М.Исмоилий). Она боласини бағрига босди. Терлаб тупроққа қоришган юзларидан ўпар, йиғлар эди. Оҳ, **болагинам, болагинам** (С.Аҳмад).

Салбий ҳиссий бўёқдор сўзлар менсимаслик, нафратланиш, ғазаб, киноя, мазах, камситиш, ҳақоратлаш сингари маъноларни билдиради. Буларга калла, лапашанг, найнов, писмиқ, башара, иржаймоқ, санқимоқ, ликилламоқ, вайсамоқ, валдирамоқ, сатанг, меров, чакчаймоқ, суллоҳ, жирилламоқ сўзлари мисол бўла олади. Ие, нега **жириллайсан?** Сени обкетаман деяётганим йўқ-ку (Ў.Ҳошимов). Марат **илжайиб** унинг сўзларини маъқуллади (С.Абдуқаҳҳор).

Ҳиссий бўёқдор сўзлар 4 хил йўл билан: 1) сузнинг ўзи билан; 2) аффикслар билан; 3) сўзни метофорик қўллаш билан; 4) контекст ёрдамида ифода қилинади.

Биринчи усулда ҳиссий бўёқ сўз негизининг ўзи билан ифодаланади. Сўзнинг ўз лексик маъносида аслан баҳолаш элементи мавжуд бўлади. Сулув, соҳибжамол, жилмаймоқ, башара, турк, писмиқ, сатанг сўзларида ҳиссий бўёқ шу йўл билан ҳосил қилинган.

Ҳиссий бўёқ аффиксация усули билан ифодаланганда сўзга —ча, -хон, -жон, -гина, -лок, -чак, -той сингари қўшимчалар қўшилади. Бундай қўшимчалар эркалаш, кичрайтириш, ардоқлаш, хурмат, эъзозлаш сингари маъноларни билдиради. Бундай аффиксли сўзларда ижобий муносабат англашилади: онахон, дадажон, аяжон, қизгина, болагина, тойлок, дўндикқина, келинчак, эркатой, кенжатой кабилар. Мунчалар ширинсиз, ўзимнинг **ойижонгинам**, мунчалар ширинсиз (С.Кароматов). Ҳаммаси тахт, **аяжон**. Уй ҳам, овқат ҳам бор (С.Аҳмад). Алла айтай меҳр билан, ухлаб қол, **қўзичоғим** (фольклор). Ҳа, етим **тойлоғим**, қайси гўрларда бесару сомон йўқолиб кетдинг (Ғ.Ғулом).

- ча аффиксли ойимча, хонимча, дўндикча, жононча сингари сўзларда киноя, кесатиқ маънолари ҳам англашиши мумкин. Ҳа, **хонимча**, сиз ҳам хўжайиннинг ёнини оласиз-да-а? (Ҳ.Ғулом).

Сузларда услубий хосланиш. Луғат таркибидаги сўзлар нутққа, услубга бўлган муносабатларига кўра ўзаро фарқланадилар. Маълум бир сўзлар услубга нисбатан бетараф муносабатда бўлса, айрим сўзлар нутқ услубининг бирор турига хос бўлади. Шу нуқтаи назардан лексикадаги сўзлар икки турга бўлинади: 1) **услублараро сузлар** (услубга нисбатан бетараф бўлган сўзлар); 2) **услубий хосланган сузлар**.

Барча нутқ услубларида бирдек қўлланаверадиган сўзлар **услублараро сузлар** дейилади. Бундай сузларда услубнинг бирор турига мансублик белгиси бўлмайди. Улар умумлексиканинг асосини ташкил этади. Сув, дарахт, тоғ, ўрмон, кўз, қулоқ, тош, ғалаба, баҳор, дарё, тун, кун, ишонч, икки, уч, беш, ўн, минг, катта, улкан, ҳамма, қандай, тез, мўл, ухламоқ, гапирмоқ, ичмоқ кабилар услубга нисбатан бетараф бўлган сузлардир.

Маълум бир нутқ услубига оид бўлган, қўлланиши асосан шу услуб доираси билан чегараланган сўзлар **услубий хосланган сузлар** дейилади. Услубий хосланган сузлар қуйидаги турларга бўлинади: 1) **бадий услубга хосланган сузлар**; 2) **илмий услубга хосланган сузлар**; 3) **публицистик услубга хосланган сузлар**; 4) **расмий иш услубига хосланган сузлар**; 5) **сўзлашув услубига хосланган сузлар**.

Бадий услубга хосланган сузлар ранг-баранг бўлганлиги билан ажралиб туради. Бу услубга хос сўзлар орасида шеърин нутқда қўлланивчи поэтик сўзлар алоҳида ўрин эгаллайди. Поэтик сўзлар бадий таъсирчанликни, образлиликни, тантанаворликни, кўтаринкиликни ошириш учун хизмат қилади. Поэтик сўзларга Ғ.Ғулом асарларида учрайдиган моҳрўй, элдош, лолагун, ложувард, чароғбон, арғумоқ, мунис, шафақ, гулгун, сарин, башар, дарёдил, маҳбуб, чароғ сўзларини; Ойбек асарларида қўлланган малак, нечун, ҳайхот,

абад, фарах, ёғду, ногаҳон, заррин, уммон, сунбул, само, ҳажр сузларини; Ҳ.Олимжон асарларида учровчи янглиғ, узра, шуур, мисли, нечун, тугён, баҳорий, жилвагар, малак, ичра, хотирот, оташ, нетмак сўзларини; Э.Воҳидов асарларида қайд қилинган нигоҳ, нидо, ҳилол, фалак, сийна, ҳаргиз, рангин, сурур, сарфароз, нигорон, париваш, осуда, қамар, самовот, моҳитабон, ишваноз, дилбанд, уфурмок, ғамгузор сўзларини; А.Орипов асарларида ишлатилган хилқат, покдомон, пурвиқор, маҳваш, саргашта, оғуш, шукрона, бешак, самовий, насим, сарбаланд, нисор, нечук, сония, пойдор, шарора, турфа, ёвқур сингарилар мисол бўлади.

Юқорида келтирилган поэтик сўзларнинг аксарияти ҳозирги жонли нутқда ишлатилмайди. Улар асосан поэтик нутқда қўлланишга хосланган.

Илмий услубга хосланган сузлар маълум бир фан, техникага оид тушунчаларни ифодаловчи атамалардан иборат бўлади. Атамалар илмий услубнинг асосини ташкил қилади. Бундай сузлар кўп ҳолларда тор доирадаги мутахассисларга тушунарли бўлади. Илмий услубга хосланган сузлар жумласига тенглама, учбурчак, квадрат, куб (математика атамалари), эга, кесим, суз, семема, морфология, аниқловчи (тилшунослик атамалари), экватор, меридиан, компас, харита (география атамалари), оксил, ишқор, симоб (химия атамалари), температура, жисм, магнит, буғланиш, босим (физика атамалари), қофия, вазн, шеър, тuroк, туюқ (адабиётшунослик атамалари) кабиларни киритиш мумкин.

Ҳаётнинг муҳим ижтимоий-сиёсий масалаларига бағишланган бош мақолалар, мурожаатномалар, чакириқлар **публицистик услуб** асосида ёзилади. Публицистик услуб ўзига хос махсус сўзларга эга. Қардошлик, жамият, дўстлик, меҳнат, зафар, ҳуқуқ, оила, иттифок, зарбдор, шиор, давлат, мусобақа, сарлавҳа, илғор, озодлик, бахт, конституция, мустақиллик, демократия, мақола сингарилар публицистик услубга хосланган сузлардир.

Расмий иш услуби расмий-маъмурий соҳага оид бўлади. Ҳукумат идораларининг қарорлари, буйруқлар, шартномалар, расмий эълон ва хабарлар, шунингдек, ариза, тилхат, маълумотнома, гувоҳномалар **расмий иш услубида** ёзилади. Расмий иш услубига хосланган сузларга қарор, буйруқ, мажлис баёни (протокол), талабнома, модда, ташкилот, ариза, акт, шартнома сингарилар киради.

Сўзлашув услубига хосланган сузлар оддий, эркин муомалада қўлланиладиган сўзлардан ташкил топади. Бундай сузлар у ёки бу даражада адабий тил меъёрларига тўла мос келмайдиган фонетик, грамматик хусусиятларга эга бўлади. Кетворган, пўрим, папаламоқ, тўзим, лекигин, ўнғай, жичча, боёқиш, муллажиринг, ўлгудай, кетди-ворди, палакат, бевош, бундақа, ахийри, далиғули, жа, бурноғи, ҳали-ҳозир, асти, валакисаланг, жиллакурса, ўлманг, яшанг, ўлиб-тирилиб сўзлари сўзлашув услубига хосланган сузлар ҳисобланади. Мисоллар: **Ўлманг**, жуда тадбирли одамсиз-да! (Яшин). Биз томонларга келганингиз эса **зап** яхши иш бўлди-да! (сўзлашувдан). Томорқадаги бир қатор шафтолиларни силкиб қоқди-да, дарахтлар остида чўққайиб ўтириб, **ўлгудай** ейди (Ойбек).

Сўзлашув услубига хосланган сузларнинг анча қисми ҳиссий бўёққа эга эканлиги билан характерланади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Ҳиссий бўёқ нима?
2. Ҳиссий бўёқдор сўзлар деб қандай сўзларга айтилади?
3. Ижобий ҳиссий бўёқдор сузларга мисоллар келтиринг.
4. Салбий ҳиссий бўёқдор сўзлар деганда нимани тушунасиз?
5. Ҳиссий бўёқдор сўзлар қайси йўллар билан ҳосил қилинади?
6. Нутқнинг қандай услублари бор?
7. Лугат таркибидаги сўзлар нутққа, услубга бўлган муносабатларига кўра неча турга бўлиб ўрганилади?
8. Услубга нисбатан бетараф (нейтрал) лексикага тавсиф беринг.
9. Услубий хосланган сузлар деб нимага айтилади?
10. Услубий хосланган сузлар қандай турларга бўлинади?
11. Бадиий услубга оид сўзлар (поэтизмлар)га мисоллар айтинг.
12. Илмий ва публицистик услуб ва уларга оид сузлар ҳақида сўзланг.
13. Оғзаки сўзлашув услубига хос сузларга мисоллар келтиринг.
14. Бадиий услубга хосланган сузлар бошқа сўзлардан нимаси билан фарқ қилади?
15. Қандай услубга расмий услуб дейилади?
16. Расмий иш услубига хосланган сузларга мисоллар айтинг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 133-136-бетлар.
2. Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 159-187-бетлар.
3. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 67-71, 165-173-бетлар.
4. Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 137-159-бетлар.
5. Раҳимов С., Умурқулов Б. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2003, 42-44-бетлар.
6. Умурқулов Б. Поэтик нутқ лексикаси. Тошкент, 1990.
7. Ўринбоев Б. Сўзлашув нутқи. Тошкент, 1979.
8. Шомақсудов А. ва бошқалар. Ўзбек тили стилистикаси. Тошкент, 1983.
9. Абдуллаев А. Ўзбек тилида экспрессивликнинг ифодаланиши. Тошкент, 1983.
10. Қиличев Э. Ўзбек тилининг практик стилистикаси. Тошкент, 1985.
11. Турсунпўлатов М. Лексика разговорной речи узбекского языка. АҚД., Ташкент, 1982.
12. Каримов С. Ўзбек тилининг бадиий услуби. Самарқанд, 1992.
13. Қурбонов Т. Публицистический стиль современного узбекского литературного языка. АҚД., Ташкент, 1987.
14. Мукаррамов М. Ҳозирги ўзбек адабий тилининг илмий стили. Тошкент, 1984.
15. Бабахонова Д. Официально-деловой стиль современного узбекского литературного языка. АҚД., Ташкент, 1987.

ФРАЗЕОЛОГИЯ

Таянч тушунчалар: фразеология, фразеологизм, ибора, турғун ибора, семантик таркиб, фразеологик маъно, қўшимча оттенок, ҳиссий бўёқ, услубий белги, фразеологик бирлашма, фразеологик чатишма, фразеологик вариантлар, лексик вариант, грамматик вариант, фразеологик полисемия, фразеологик омонимия, омоибора, фразеологик синонимия, фразеологик антонимия.

РЕЖА

1. Фразеология ҳақида умумий маълумот.
2. Иборанинг семантик таркиби.
3. Фразеологизмларнинг турлари.
4. Ибораларда вариантланиш.
5. Фразеологик полисемия.
6. Фразеологизмларнинг шакл ва маъно муносабатида кўра турлари.

Тилнинг луғат таркибида сўзлардан ташқари гап отмоқ, сиркаси сув кўтармайдиган, оғзи қулоғида, боши осмонга етди, мум тишламоқ, миси чикди, арпасини хом ўрмоқ, терисига сомон тикмоқ, кўз қирини ташламоқ, темирни қизигида босмоқ каби турғун бўлиб қолган талай иборалар ҳам бор. Бундай иборалар фразеологизмлар номи билан юритилади. Сўзлар лексик бирлик, иборалар эса фразеологик бирлик саналади. Тилшуносликнинг ана шу фразеологик бирликларни ўрганувчи ва илмий тадқиқ этувчи соҳаси фразеология дейилади.

Фразеологизмлар камида иккита мустақил суздан таркиб топади. Улар бир бутун ҳолда кўчма маъно ифода қилади. Масалан, анқонинг уруғи, дунёдан ўтмоқ, дақёнусдан қолган, жони чикди, кўз ташламоқ, кўнгли кенг иборалари икки суздан; оғзида қатик ивитмоқ, оғзи қулоғига етди, ўтқизгани жой тополмаслик, қўлтиғидан тарвузи тушмоқ иборалари уч суздан; бир ёқадан бош чиқармоқ, тўнини тесқари кийиб олмоқ, бир ёстикқа бош қўймоқ иборалари тўрт суздан; сичқоннинг ини минг танга бўлмоқ, иши битгунча, эшаги лойдан ўтгунча иборалари беш суздан таркиб топган. Демак, икки ёки ундан ортиқ суздан таркиб топган ва яхлит бир маъно ифодаладиган тил бирлиги фразеологизм ёки ибора деб айтилади.

Фразеологизмлар тил бирлигидир. Улар нутқ жараёнидан анча олдин юзага келганлиги, бир қолипда қўлланиши, бинобарин тилда тайёр ҳолда бўлишлиги билан нутқ бирлиги бўлган сўз бирикмаси ва гаплардан фарқ қилади.

Фразеологизмларнинг грамматик қурилиши ўзига хос. Ибора компонентлари синтактик жиҳатдан ҳар хил йўллар билан боғланган. Фразеологик ибораларнинг кўпчилик қисми бирикмага тенг иборалардир. Бундан ташқари, гапга тенг қурилишли иборалар ҳам анчагинани ташкил этади. Демак, иборалар тузилишига кўра иккига бўлинади: 1) **бирикмага тенг**

иборалар: катта оғиз, очик кўнгил, кўнглини кўтармоқ, бир шингил, кетидан тушмоқ, катта гапирмоқ, енг шимармоқ, дунёдан ўтмоқ, бурнини кўтармоқ, анқонинг уруғи, аммамнинг бузоғи, арпасини хом ўрмоқ, кўнглини топмоқ, шамолга учмоқ, чучварани хом санамоқ кабилар; 2) **гапга тенг иборалар:** юзи ёруғ, боши осмонга етди, кўнгли очик, капалаги учиб кетди, хафсаласи пир бўлди, юраги сиқилди, кўзи тўрт бўлди, таъби тирриқ бўлди, сиркаси сув кўтармайди, нафаси ичига тушиб кетди, кўнгли совиди, кўнгли тўқ бўлди, севинчи юрагига сиғмайди, қўлтиғидан тарвузи тушди, ғаш келди кабилар.

Иборалар яхлит ҳолда бир маъно ифода этганлиги, компонентлари ажралмас ҳолда бўлганлиги учун гапда битта синтактик вазифада келади.

Иборанинг семантик таркиби. Иборанинг семантик таркиби икки ҳодисани – **фразеологик маъно** ва **қўшимча оттенкани** қамраб олади. Фразеологизмларнинг ниманидир номлаши, ифодалаши, яъни белги, ҳаракат кабилар ҳақидаги маълумоти фразеологик маъно дейилади. Масалан, **аммамнинг бузоғи** ибораси “лапашанг, ландавур” маъносини ифодалаб белгини, **боши осмонга етди** ибораси “хурсанд бўлмоқ” маъносини билдириб ҳаракатни билдиради: Бектемирдан кўнглим тўқ, - деди Али тажанг, - калласи ишлайди. Аммо Сафар чўтир – у ҳам кўрқоқ, ҳам **аммамнинг бузоғи** (Ойбек). Ўз кишиларини танимагани қизиқ. Йўқлаб келибсан **бошим осмонга етди** (А.Мухтор).

Фразеологик бирликларда иборадан яхлитлигича англашиладиган маъно билан таркибидаги сўзлар англатадиган лексик маънолар орасидаги муносабат турлича йўсиндадир.

Айрим ибораларда иборанинг маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлади. Иборанинг маъносини унинг таркибидаги сўзларга хос маънолар асосида изоҳлаш мумкин бўлади. Таркибидаги сўзларга хос лексик маънолар қисман бўлса-да, ҳисобга олинади. Бундай иборалар **фразеологик бирлашмалар** деб юритилади. Иборанинг яхлит маъноси фонида таркибидаги сўзларга хос маънолар ҳам сезилиб тургани сабабли бундай ибораларнинг маъноси кўп қиррали, бой бўлади. Тўйдан илгари ноғора чалмоқ, ёғ тушса ялагудай, катта оғиз, бели оғрийди, енг шимармоқ, мум тишламоқ, ер билан осмонча, оқ кўнгил, кечани кеча, кундузни кундуз демай, кайфи учиб кетди, қовоғидан қор ёғди, оғзи қулоғида, тепа сочи тикка бўлмоқ, кўз юммоқ, тепса тебранмас, ораларидан қил ўтмайди, ҳамирдан қил суғургандай, аравани қуруқ олиб қочмоқ, қилдан қийиқ ахтармоқ, кўнглида кири йўқ, юлдузни бенарвон урадиган, дўпписини осмонга отмоқ ибораларида шундай хусусият мавжуддир.

Ибораларнинг яна бир гуруҳи борки, буларда иборанинг маъноси таркибидаги сўзларнинг маъносига боғлиқ бўлмайди. Иборанинг маъноси таркибидаги сўзларга хос маънолар асосида изоҳланмайди, иборалардан англашиладиган маънони тушунишда қандайдир шартлилик мавжуд бўлади. Бундай иборалар **фразеологик чатишмалар** дейилади. Уларга тўнини тескари киймоқ, қўлини ювиб қўлтиғига артмоқ, ўпкасини қўлтиқламоқ, оёғини қўлига олиб келмоқ, бошини олиб кетмоқ, суяги йўқ, ўтакаси ёрилди, кўзимнинг ёғини еб, қилни қирққа ёрадиган, қўлтиғидан тарвузи тушди ибораларини киритиш

мумкин. Мазкур ибораларда иборадан англашилган маъно шу ибора таркибидаги сўзларнинг маъноларидан узоқлашган ёки бу маънолар тамоман ҳисобга олинмаган. Мисоллар: Бир мажлисда Бекниёз уни: “Занглаб қолаяпсиз, Боқижон ака”, - деб танқид қилди. Шу бўлди-ю, Боқижон ака **тўнини тескари кийиб олди** (С.Абдуқаҳҳор). Сизда виждон деган нарсаяй! **кўзимнинг ёғини еб**, бошимга иш тушганда қочдингиз (С.Аҳмад). Ҳа, шундай эдим, ёруғ дунёдан **қўлни ювиб, қўлтиққа урган** вақтларим бўлган эди (А.Мухтор). Овчи узоқдан **ўпкасини қўлтиқлаб** чопиб келди (Халқ эртақларидан). Хотиржам бўлинг, бой. Қодиркул додҳонинг бундақанги ишларга **суяги йўқ** (Ҳамза). Ҳалиги ҳаёли чипакка чиққанини кўриб, холанинг **тарвузи қўлтиғидан тушди** (С.Анорбоев).

Ибораларнинг семантик таркибида фразеологик маънодан ташқари қўшимча оттенка ҳам мавжуд бўлади. Қўшимча оттенка ҳиссий бўёқ ва услубий белгидан иборатдир.

Ҳиссий бўёқ ибораларда воқеликни баҳолаш, унга муносабат билдириш орқали рўёбга чиқади. Масалан, **ер-у кўкка ишонмаслик** (“ардоқламоқ”), **бошига кўтармоқ** (“юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ”), **кўли очик** (“сахий”), **бел боғламоқ** (“аҳд қилмоқ”) ибораларида ижобий муносабат, **тумшуғини тикмоқ** (“аралашмоқ”), **оғзи катта** (“сохта кибр-ҳаволи, мақтанишни яхши кўрадиган”).

Иборалардаги кшп маонолилик. Бирдан ортиқ маънони англата олиш фразеологик бирликларга ҳам хос хусусиятдир. Ибораларнинг талай қисми кўп маънолидир. Масалан, **бўйнига олмоқ** ибораси уч маънони англатади: 1) “эътироф қилмоқ”, 2) “бирор ҳолатга рози бўлмоқ, кўнмоқ”, 3) “бирор ишни бажаришга раҳбатланмоқ, бирор ишни бажаришга масъул бўлмоқ”. Мисоллар: 1. Саидова ҳамма гапни **бўйнига олди** (Ҳ.Нўъмон.), 2. Ҳамон мусофирчиликни **бўйнингга олдингми**, эгардан сал тушгин-да! (Ҳ.Назир). 3. Ёшлар канал қазишга ажратилган кишиларнинг чопиқ нормаларини бажаришни **бўйинларига олибдилар** (С.Назар).

Кўп маъноли иборада унинг маънолари асосан бири иккинчисидан ўсиб чиққан бўлади. Масалан, **бел боғламоқ** ибораси: 1) “шайланмоқ, отланмоқ”; 2) “астойдил киришмоқ”; 3) “аҳд қилмоқ” маъносини ифода қилади. Бунда маънолар ўзаро бирин-кетин боғланган. Учинчи маъно иккинчи маънодан, иккинчи маъно биринчисидан ўсиб чиққан. **Сўз бермаслик** иборасининг: 1) “бошқаларга имкон бермай, нуқул ўзи гапирмоқ”; 2) “итоат қилмаслик, ўз билганича иш тутмоқ”; 3) “баҳслашувда ютиб чиқишга қодир бўлмоқ” маънолари таркибидаги кейинги икки маъноси биринчи маъно асосида юзага келган.

Кўп маъноли ибораларнинг баъзиларида унинг маънолари бири иккинчисидан ўсиб чиқмаган бўлади, ҳар бири ўзича шаклланади. Масалан, **ичаги узилди** ибораси икки маъноли: 1) “кулгидан қотиб қолмоқ”, 2) “узлуксиз ва қаттиқ йиғлаб чарчамоқ” (чақалоқнинг). Бу маънолар ўзаро боғланмаган бўлиб, ҳар бир маъно асосида бошқа-бошқа воқелик ётади.

Фразеологик омонимия. Фразеологик бирликларда шаклан тенг келиш ҳодисаси фразеологик омонимия деб айтилади. Бунда бир хил компонент

(сўз)лардан тузилган иборалар ўзаро боғланган ҳолда тамоман бошқа-бошқа маъноларни ифодалайди. Масалан, **қўл кўтармоқ**I (“урмоқчи бўлмоқ”) – **қўл кўтармоқ** II (“тарафдорлигини, хайрихоҳлигини билдирмоқ”); **бошига кўтармоқ** I (“қаттиқ шовқин қилмоқ”) – **бошига кўтармоқ** II (“юксак даражада иззат-ҳурмат қилмоқ”); **кўз юммоқ** I (“кўра-била туриб эътиборсиз қолдирмоқ”) – **кўз юммоқ** II (“қазо қилмоқ, ўлмоқ”) иборалари ўзаро бир-бирига омонимдир.

Фразеологик синонимия. Ибора билан иборанинг айти бир маънони англатиши фразеологик синонимия дейилади. Масалан, **бир ёқадан бош чиқармоқ** ва **бир жон-бир тан бўлмоқ** иборалари ўзаро бир-бирига синонимдир. Бу иборалар шакл жиҳатдан ҳар хил бўлса-да, лекин айти бир маънони – “ҳамжиҳат бўлмоқ, яқдил бўлмоқ”ни англатади. Мисоллар: Бечоранинг ҳеч кими йўқ, етим қиз эди. Икки ғариб **бир ёқадан бош чиқарган** эдик (Ойбек). Бутун халқ **бир тан-бир жон бўлиб** меҳнат қилаётган мана шу кунларда айтиқса чуқур сезилди (П.Қодиров).

Фразеологик синонимлар маъно қирраси жиҳатидан, нутқий хосланиш жиҳатидан, ҳиссий бўёғи жиҳатидан ўзаро фарқли хусусиятга эга бўлади. Масалан, аччиғи келди - қони қайнади – ғазабга келмоқ – аччиғи қистади иборалари бир умумий маънони - “аччиқланмоқ” маъносини билдиради, лекин булардан қони қайнади иборасида маъно бошқаларга нисбатан кучлироқ. Авжига чиқмоқ-авжга минмоқ – авжига етмоқ уясида маъно биринчисида учинчисидан, иккинчисида биринчисидан кучли ифодаланган.

Фразеологик синонимлар маълум бир нутқ услубига хосланганлиги жиҳатидан ҳам ўзаро фарқ қилиши мумкин. Масалан, дунёдан ўтмоқ-умр кўрмоқ – умр ўтказмоқ синонимик уясида биринчи ибора сўзлашув нутқида, иккинчиси умумнутққа, учинчиси расмий нутққа хос. “Лом-мим” демаслик – “чурқ” этмаслик уясида биринчиси умумнутққа, иккинчиси сўзлашув нутқида хосланган.

Фразеологик синонимларнинг ҳиссий бўёққа кўра фарқланиши оз бўлса-да, учраб туради. Масалан, бош кўшмоқ – бурнини сукмоқ – бош сукмоқ синонимик уяси таркибидаги бурнини сукмоқ иборасида салбий муносабат бошқалардагига нисбатан кучли ифодаланган.

Бир уяга бирлашувчи фразеологик синонимлар нутқда оз-кўп ишлатилиши жиҳатидан ҳам фарқланади. Масалан, боши кўкка етди – оғзи қулоғига етди – оғзининг таноби қочди – терисига сиғмай кетди – кўйи мингтага етди синонимик уясида биринчи ибора 49 марта, иккинчиси 19 марта, учинчиси 9 марта, тўртинчиси 8 марта, бешинчиси 1 марта қўлланган. Бир оғиз – бир шингил – бир чимдим ибораларининг нутқда учраш нисбати шундай: 148 – 14 – 2.

Фразеологик антонимия. Қарама-қарши маънони билдирувчи иборалар фразеологик антонимия дейилади: **кўкка кўтармоқ** – **ерга урмоқ**, **юраги тор** – **юраги кенг**, **кўнгли оқ** – **ичи қора**, **истараси иссиқ** – **сухтаси совуқ** **каби**. Мисоллар: Менга чой узатаркан, бозорни мингбоши ҳам **кўкларга кўтарди** (Ш.Ризо). Улар ҳам неча йил нон-қаттиқ бўлган раисларини **ерга урди**лар (Ш.Рашидов). Қўявер, ука, эр-хотинликда ўтади. Баъзи хотинлар **юраги торроқ**,

гайирроқ бўлади (Ҳ.Назир). Ҳой, нима гап ўзи, тинчликми, гапирсангиз-чи, мунча **юрагингиз кенг** (Р.Файзий). “Салимбойваччадан қилча шубҳаланманг, - қатъий равишда деди Тантибойвачча, унинг **кўнгли оқ**” (Ойбек). Ҳали **ичи қора** душман чиёндек бижиб ётибди (А.Мухтор). Бу **истараси иссиққина** йигитни қаерда кўрганлигини эслай олмади (Н.Мақсудий). Хумохон ёмон кўради шу **сўхтаси совуқ** Раҳмонқуловни (А.Мухтор).

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. Фразеология нимани ўрганади?
2. Ибора деб нимага айтилади?
3. Фразеологизмларнинг грамматик қурилиши ҳақида сўзлаб беринг.
4. Ибораларнинг гапдаги синтактик вазифаси тўғрисида нималарни биласиз?
5. Иборанинг семантик таркиби деганда нимани тушунасиз?
6. Иборалардаги вариантланиш ҳақида нималарни биласиз?
7. Фразеологик вариантлар неча турга бўлинади?
8. Фразеологик вариантларнинг миқдори ҳақида сўзланг.
9. Фразеологик бирлашмага таъриф беринг ва мисоллар келтиринг.
10. Фразеологик чатишма ҳақида фикрларингизни баён қилинг.
11. Фразеологик полисемия нима?
12. Полисемантик иборалар иборадаги маънолар миқдорига кўра қандай гуруҳларга бўлинади?
13. Фразеологик омонимия ҳодисасини шарҳланг.
14. Икки иборанинг бир-бирига омоним бўлиб келишига мисоллар айтинг.
15. Фразеологик омонимия билан лексик омонимия ўртасида қандай фарқлар бор?
16. Фразеологик синонимия нима?
17. Фразеологик синонимларга мисоллар келтиринг.
18. Синонимик муносабатда булувчи иборалар миқдорига кўра қандай турларга бўлиб ўрганилади?
19. Фразеологик синонимия билан лексик синонимиянинг фарқи нимада?
20. Фразеологик антонимлар хусусида гапиринг.

АДАБИЁТЛАР

1. Шоабдураҳмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 137-146-бетлар.
2. Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 55-61, 74-79, 101-107, 113-115, 137-140-бетлар.
3. Раҳматуллаев Ш. Фразеологик бирликларнинг асосий маъно турлари. Тошкент, 1956.
4. Раҳматуллаев Ш. Фразеология // Ҳозирги замон ўзбек тили. Тошкент, 1957, 152-182-бетлар.
5. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек фразеологиясининг баъзи масалалари. Тошкент, 1965.
6. Раҳматуллаев Ш. Нутқимиз кўрки. Тошкент, 1970.
7. Раҳматуллаев Ш. Ўзбек тилининг изоҳли фразеологик лугати. Тошкент, 1978.
8. Маматов А.Э. Проблемы лексико-фразеологической нормы в современном узбекском литературном языке. АДД. Тошкент, 1991.
9. Йўлдошев Б. Ҳозирги ўзбек адабий тилида фразеологик бирликларнинг функционал-услубий хусусиятлари. ДДА., Тошкент, 1993.

10. Маматов А. Ўзбек тили фразеологизмларининг шаклланиш масалалари. ДДА., Тошкент, 1999.
11. Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар (биринчи қисм). Самарқанд: СамДУ, 1976.
12. Бердиёров Ҳ., Расулов Р., Йўлдошев Б. Ўзбек фразеологиясидан материаллар (иккинчи қисм). Самарқанд: СамДУ, 1979.
13. Исаев А. Соматические фразеологизмы узбекского языка. АҚД. Ташкент, 1977.
14. Кучкартаев И. Фразеологическое новаторство Абдуллы Каххара. АҚД. Ташкент, 1965.
15. Рафиев А. Структурно-функциональные свойства фразеологических единиц в узбекском языке. АҚД. Ташкент, 1982.

ЛУҒАТШУНОСЛИК

Таянч тушунчалар: луғатшунослик, луғатчилик, лексикография, энциклопедик луғат, лингвистик (тил) луғатлари, бир тилли луғат, икки тилли луғат, кўп тилли луғат, умумий луғатлар, махсус луғатлар, изоҳли луғат, имло луғати, омонимлар луғати, антонимлар луғати, фразеологик луғат, атамалар луғати, этимологик луғат, диалектологик луғат, морфем луғат, терс луғат, частотали луғат, антропонимик луғат, топонимик луғат, паремиологик луғат, таржима луғатлари.

РЕЖА

1. Луғатшунослик ҳақида умумий маълумот.
2. Қомусий (энциклопедик) луғатлар ва уларнинг турлари.
3. Бир тилли луғатлар ва уларнинг турлари.
4. Икки тилли ва кўп тилли таржима луғатларининг ўзига хос хусусиятлари ва турлари.

Луғатшунослик тилшуносликнинг луғат тузиш иши билан шуғулланадиган махсус бир соҳасидир. Луғатчиликнинг назарий ва амалий томонлари бор. Луғат тузишнинг илмий асослари ва тамойилларини ишлаб чиқиш, луғат типларини белгилаш, уни яратиш усулларини асослаб бериш бу соҳанинг назарий масалалари бўлиб ҳисобланади. Тилнинг сўз бойлигини тўплаш, луғат тузиш учун картотекалар тузиш ва уларни тартибга солиш кабилар луғатшуносликнинг амалий томонидир.

Сўзларнинг маълум бир мақсад асосида тўпланган ва тартибга солинган ҳамда алфавит тартибида жойлаштирилган йиғиндиси луғат дейилади. Луғатлар китоб шаклида ёки бошқа шаклда (чунончи, қўлёзма шаклида) бўлиши мумкин. Луғатлар маълум бир тилнинг сўз бойлигини аниқлашда, уларнинг маънолари ва ёзилишларини кўрсатиб беришда, нутқ маданиятини кўтаришда, умуман кишиларнинг маданий ҳаётида катта аҳамият касб этади.

Луғатларнинг турлари кўп. Аввало луғатлар икки асосий типга бўлинади: **энциклопедик луғатлар ва лингвистик луғатлар.**

Энциклопедик луғатларда сўзнинг ўзи ёки унинг лексик маъноси, грамматик, услубий белгилари изоҳланмайди. Балки шу сўз билан аталган

тушунча (наrsa, ходиса, шахс кабилар) ҳақида маълумот берилади. Дарҳақиқат, энциклопедик луғатлар тушунча луғатлари бўлиб, буларда ишлаб чиқариш, фан, техника, адабиёт, санъат, табиат, тиббиёт, жамият ва ҳоказоларнинг барчасига оид муҳим тушунчалар изоҳланади, шунингдек, географик номлар, йирик фан ва маданият арбоблари – олимлар, ёзувчилар, шоирлар, санъаткорлар; давлат арбоблари, меҳнат қаҳрамонлари ҳақида бирмунча тўлиқ маълумот бериб ўтилади.

Энциклопедик луғатлар икки хил бўлади: **1) умумий энциклопедик луғат** ва **2) бирор соҳанинг энциклопедик луғати**. Умумий энциклопедик луғат барча соҳани ўз ичига қамраб олади. Бунга 1971-1980 йиллар давомида нашр этилган 14 жилддан иборат “Ўзбек энциклопедияси” мисол бўла олади. Сўнгги йилларда 12 жилдга мўлжалланган “Ўзбек миллий энциклопедияси”ни яратиш устида қизғин иш олиб борилди. Ҳозиргача мазкур луғатнинг 10 жилди нашрдан чиқарилди. Соҳа энциклопедиялари фақат бир соҳага оид бўлади. Академик Т.Зоҳидовнинг 3 жилдлик “Зоология энциклопедияси”, Қ.Зокиров, Ҳ.Жамолхоновларнинг “Ботаникадан русча-ўзбекча энциклопедик луғат”и, шунингдек “Уй-рўзғор буюмлари энциклопедияси”, “Саломатлик энциклопедияси”, “Болалар энциклопедияси” кабиларни соҳа энциклопедиясига мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Лингвистик луғатлар тил луғатларидир. Лингвистик луғатларда асосий эътибор луғавий бирликларга қаратилади ва улар тилшунослик нуқтаи назаридан ҳар томонлама изоҳланади.

Луғатлар тил лексикасидаги сўзларни тўла қамраб олиши ёки тил лексикасини маълум мақсадга кўра чегаралаб акс эттириши жиҳатидан икки турга бўлинади: **1) умумий луғатлар** ва **2) махсус луғатлар**. **Умумий луғатларда** тилнинг барча лексикаси ўз аксини топади. Изоҳли луғат, имло луғати, русча-ўзбекча, ўзбекча-русча луғатлар умумий луғатлар сирасига киради. **Махсус луғатлар** тил лексикасининг маълум бир қатлами асосида тузилади. Бундай луғатларнинг сўзлиги бирор соҳага оид сўзлар билан чегараланган бўлади. Синонимлар луғати, антонимлар луғати, фразеологик луғат, терминологик луғат, омонимлар луғати, топонимик луғатлар махсус луғатлардир.

Лингвистик луғатлар бир ёки бир неча тил материалига асосланиши жиҳатидан **бир тилли, икки тилли** ва **кўп тилли луғатларга** бўлинади.

Бир тилли луғатлар. Бир тилли луғатлар ўз тил луғатлари деб ҳам юритилади. Бир тилли луғатларда сўз ва иборалар бир тилда (масалан, ўзбек тилида) изоҳланади. Бундай луғатлар турли мақсадларни кўзлаган ҳолда тузилади. Шу мақсад нуқтаи назаридан улар қуйидаги турларга бўлинади: **1) изоҳли луғат; 2) талаффуз (орфоэпик) луғати; 3) имло луғати; 4) синонимлар луғати; 5) омонимлар луғати; 6) антонимлар луғати; 7) фразеологик луғат; 8) терминологик луғат; 9) этимологик луғат; 10) диалектологик луғат; 11) морфем луғат; 12) терс луғат; 13) частотали луғат; 14) антропонимик луғат; 15) топонимик луғат; 16) паремиологик луғат.**

Тилдаги сўз ва ибораларнинг маъноларини изоҳлаб, уларнинг грамматик ва услубий хусусиятларини ёритиб берувчи луғатга **изоҳли луғат** дейилади. “Ўзбек тилининг изоҳли луғати” муаллифлар жамоаси томонидан яратилиб, 1981 йилда Москвада “Рус тили” нашриёти томонидан чоп этилган. Бу луғат икки жилддан иборат бўлиб, ўз ичига 60 минг сўзни қамраб олган. Луғатнинг умумий ҳажми 250 босма табоқдан иборатдир. Луғат йирик тилшунос олим Зокир Маъруфов таҳрири остида нашр қилинган.

Изоҳли луғатнинг босилиб чиққанига анча вақт бўлди. Бу даврда тилнинг лексикаси янги сўзлар билан бойиди, семасиология, луғат тузиш тамойиллари бўйича бир қатор тадқиқотлар яратилди. Буларнинг барчаси изоҳли луғатнинг тўлдирилган, қайтадан ишланган нашрини амалга оширишни тақозо этади. Шу боис ҳозирда ЎзРФА нинг Тил ва адабиёт институтида ўзбек тилининг кўп жилдли изоҳли луғатини яратиш борасида амалий иш олиб борилмоқда.

Тилдаги сўзларнинг мавжуд имло қоидалари асосида тўғри ёзилишини кўрсатиб берувчи луғатга **имло луғати** дейилади. Ўзбек тилида бир неча имло луғатлари яратилган. Булар жумласига Олим Усмоннинг “Имло луғати” (1949), С.Иброҳимов ва М.Раҳмоновларнинг “Ўзбек адабий тилининг имло луғати” ва 1962 йилда чиқарилган “Ўзбек тилининг қисқача имло луғати”, С.Иброҳимов, Э.Бегматов, А.Аҳмедовларнинг “Фан” нашриёти томонидан 1976 йилда чоп этилган “Ўзбек тилининг имло луғати”ни киритиш мумкин. Кейинги луғат ҳажм жиҳатидан анча катта бўлиб, у 65 минг сўздан иборатдир. 1993 йилдан лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбоси жорий этила бошланди. 1995 йилнинг 24-августида “Ўзбек тилининг асосий имло қоидалари” тасдиқланди. Шулар асосида Ш.Раҳматуллаев ва А.Ҳожиёевлар “Ўзбек тилининг имло луғати”ни яратдилар. Китоб “Ўқитувчи” нашриёти томонидан 1995 йилда 150 минг нусхада босилиб чиқди. Имло луғатлари барча учун бирдек аҳамиятлидир. Кишиларнинг саводхонлигини оширишда унинг ўрни бекиёсдир.

Икки тилли луғатлар. Икки тилли луғатларда бирор тилга оид сўз ва иборалар бошқа тилга таржима қилинади. Шу боис бундай луғатлар **таржима луғатлари** деб юритилади. **Таржима луғатларининг** икки типи бор: 1) **ўз тилдан ўзга тилга таржима луғатлари**; 2) **ўзга тилдан ўз тилга таржима луғатлари**.

Ўз тилдан ўзга тилга таржима луғатларига намуна сифатида қуйидагиларни кўрсатиш мумкин: “Ўзбекча-русча луғат” (бош муҳаррир-А.К.Боровков, 1959), “Ўзбекча-немисча луғат” (масъул муҳаррир: С.Саидов, 1967), “Ўзбекча-инглизча луғат” (тузувчилар: Ж.Бўронов, Й.Аълоев, К.Раҳмонбердиевлар, 1969), “Ўзбекча-немисча ўқув луғати” (тузувчилар: Я.Р.Бенъяминов, С.С.Саидов), “Ўзбекча-арабча сўзлашгич” (Б.Иброҳимов, 1995) ва бошқалар.

Ўзга тилдан ўз тилга таржима луғатлари бирмунча кўпроқ тузилган. Бунга профессор В.В.Решетовнинг “Русча-ўзбекча луғат” (1957), Т.Алиқуловнинг “Русча-ўзбекча ўқув луғати” (1982), Я.Р.Бенъяминов ва Т.З.Мирсоатовларнинг “Немисча-ўзбекча луғат” (1964), Ж.Б.Бўронов, Х.Р.Раҳмонбердиев, Х.С.Барноҳўжаева, Е.А.Анисомовларнинг “Инглизча-ўзбекча луғат” (1968), Т.Алиқулов, Д.Бозороваларнинг “Французча-ўзбекча

луғат” (1973), С.А.Ризаев, Э.Р.Рўзикуловларнинг “Испанча-ўзбекча луғат” (1977), А.Рустамов, Қ.Каримов, З.Умаровларнинг “Форсча-ўзбекча ўқув луғати” (1975), Э.Талабов, Қ.Ташметовларнинг “Арабча-ўзбекча луғат”и (1986) кабилар мисол бўла олади.

Икки тилли луғатларнинг ичида энг кўп тузилгани ўзбекча-русча ва русча-ўзбекча луғатлардир. Дастлаб 1927 йилда К.К.Юдахиннинг 9 минг сўзли “Қисқача ўзбекча-русча луғат”и нашр этилди. 1931 йилда У.Аҳмаджонов, Б.Ильязовларнинг 10 минг сўздан иборат “Ўзбекча-русча луғат”и босилиб чиқди. 1941 йилда профессор Т.Н.Қори-Ниёзий ва профессор А.К.Боровковларнинг умумий таҳрири остида 17 минг сўзни ўз ичига олган “Ўзбекча-русча луғат”и чоп қилинди. 1959 йилда бу типдаги луғатнинг анча мукаммали яратилди. А.К.Боровков бош муҳаррирлик қилган бу луғат 40 минг сўздан иборат эди. 1988 йилда Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси томонидан “Ўзбекча-русча луғат”нинг кенгайтирилган, тўлдирилган наشري босиб чиқарилди. С.Ф.Акобиров ва Г.Н.Михайловлар таҳрири остида чоп этилган бу луғатга 50 мингга яқин сўз ва иборалар киритилган.

Ўзбек луғатчилиги тарихида русча-ўзбекча луғатлар ҳам бир неча бор нашр этилган. 1927 йилда Ашурали Зоҳирийнинг “Русча-ўзбекча мукаммал луғати” босилиб чиқди. 1942 йилда профессор Т.Н.Қори-Ниёзий ва профессор А.К.Боровковлар масъул муҳаррирлигида 30 минг сўзликка эга бўлган “Русча-ўзбекча луғат” яратилди. Энг йирик ва мукаммал “Русча-ўзбекча луғат” 1950-1955 йиллар давомида нашр этилди. Беш жилддан иборат бўлган мазкур луғат ўз ичига 72 минг сўзни қамраб олган. 1983-1984 йилларда Ўзбек энциклопедияси бош редакцияси томонидан икки жилдли “Русча-ўзбекча луғат” нашр қилинди. Биринчи жилд 34650 сўздан, иккинчи жилд 32170 сўздан таркиб топган.

Таржима луғатларининг кўпчилигини терминологик луғатлар ташкил этади. Бунга намуна сифатида Х.Ҳасановнинг “Русча-ўзбекча, ўзбекча-русча география терминлари луғати” (1964), Н.Ҳотамов, Б.Саримсоқовларнинг “Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати” (1983), А.Аъзамов, Э.Назировларнинг “Атмосфера физикасидан русча-ўзбекча терминлар луғати” (1972), Ш.Байбурова, Н.Таканаевларнинг “Педагогикадан қисқача русча-ўзбекча терминология луғати” (1963), О.Аминов, Ж.Дўстмуҳаммедов, А.Усмоновларнинг “Қисқача русча-ўзбекча иқтисодий терминлар луғати” (1971), Қ.З.Зокиров, М.М.Набиев, Ў.Пратов, Ҳ.А.Жамолхоновларнинг “Русча-ўзбекча ботаника терминларининг изоҳли луғати” (1963) ни кўрсатиш мумкин.

Қайд қилинган луғатлар таржима луғатларининг махсус типига кирази. Махсус типдаги бундай луғатларга яна М.Содиқованинг “Русча-ўзбекча фразеологик луғат” (1972), А.П.Ҳожиёв, С.Л.Кимнинг “Узбекско-русский синонимический словарь” (1990) луғатлари мисол бўлади.

Кўп тилли луғатлар. Бундай луғатларда уч ва ундан ортиқ тилларнинг сўзлари таржима қилиб берилади. Кўп тилли луғатлар ўтмишда кўп яратилган. М.Замахшарийнинг 1128-1143 йилларда яратган “Муқаддимат-ул адаб” луғати араб-форс-чиғатой тиллари асосида тузилган. Муҳаммад Яъқуб Чингийнинг

“Келурнома” номли луғати туркий-чиғатойча-форсча сўзлардан ташкил топган. Исҳоқхонтўра Ибратнинг “Сарт тили луғати” деб номланган луғатида ўзбекча сўзлар рус, араб, форс, турк, ҳинд тилларига таржима қилиб берилган.

Кўп тилли луғатлар ҳозирги пайтда ҳам тузиляпти. Лекин уларнинг асосий қисми терминологик характерга эгадир. Бунга А.А.Асқаров, Ҳ.Зоҳидовларнинг “Лотинча-ўзбекча-русча нормал анотомия луғати” (1964), М.И.Умархўжаев, Қ.Н.Назаровларнинг “Немисча-русча-ўзбекча фразеологик луғат” (1994), Д.Рашидова, М.Н.Нигматбоеваларнинг “Немисча-русча-ўзбекча ижтимоий-сиёсий луғат”и, Н.К.Аҳмедов, Ю.А.Куликовларнинг “Анатомиядан лотинча-ўзбекча-русча луғат” (1995), Р.С.Собиров, Х.Х.Холматов, В.Ч.Литвиненко, Р.Р.Собировларнинг “Доривор ўсимликларнинг лотинча-русча-ўзбекча-арабча-форсча луғати” (1989) ни мисол қилиб келтириш мумкин.

Хуллас, луғат-тил хазинасидир. Тилнинг бутун бойлиги луғатларда намоён бўлади. Луғатлар кишиларнинг маданий савиясини оширишда, бошқа тилларни ўрганишларида алоҳида ва муҳим аҳамият касб этади.

Луғатларда сўзларни жойлаштириш тартиби ыўйидаги уч тамойилга таянади:

- 1) ташыи тартиб;**
- 2) ички тартиб;**
- 3) маоно тантиби; (семантик принцип).**

1.Ташыи тартиб сўзнинг биринчи харфига – шу харфнинг алифбодаги шрнига ыараб белгиланади: Арпа

**Банорас
Гавда
Вазир**

2.Ички тартиб сўзнинг биринчи харфидан кейинги (иккинчи, учинчи ва хоказо) харфларига – шу харфларнинг алифбодаги шрнига ыараб белгиланади. Бу тартибга биринчи харфи бир хил бўлган сўзларни жойлаштиришга амал ыилинади:

**Арпа
Арра
Асал
Астар**

3.Маоно тартиби омоним ёки кшп маоноли сўзларни жойлаштиришда ишлатилади. Бу тартибга кшпроы ыомусий луғатларда амал ыилинади:

**Охангарон – дарё ...
Охангарон – шаъар ...
Чирчиы - дарё ...
Чирчиы – шаъар ...**

Изоҳ: Охангарон ва Чирчиы сщзлари дастлаб дарё номи бщлган, кейинчалик шу дарёлар ёйасида юзага келган шаъарларни номига айланган. Бу хол дарё номини олдин, шаъар номини эса кейин ыщйишга асос бщлади.

САВОЛ ВА ТОПШИРИҚЛАР

1. *Лугатиунослик нимани ўрганади?*
2. *Лугат нима ва у қандай турларга бўлинади?*
3. *Лингвистик (тил) лугатлари ҳақида сўзлаб беринг.*
4. *Бир тилли лугатларнинг турлари ҳақида нималарни биласиз?*
5. *Умумий ва махсус лугатлар қандай тузилади?*
6. *Изоҳли, имло лугатларига тавсиф беринг.*
7. *Ўзбек тилида наир этилган атамалар (терминологик) лугатларига мисоллар келтиринг.*
8. *Икки тилли таржима лугатлари бўйича ўзбек тилида қандай лугатлар наир қилинган?*
9. *Лугатларда сщзларни жойлаштириши ыандай тамойилларга асосланади?*

АДАБИЁТЛАР

1. *Шоабдурахмонов Ш. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1980, 147-158-бетлар.*
2. *Турсунов У. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 1992, 183-186-бетлар.*
3. *Ўзбек тили лексикологияси. Тошкент, 1981, 293-312-бетлар.*
4. *Азизов О. Тилиуносликка кириши. Тошкент, 1996, 82-88-бетлар.*
5. *Нурмонов А. ва бошқалар. Ҳозирги ўзбек адабий тили. Тошкент, 2002, 121-134-бетлар.*
6. *Ўзбек тилининг изоҳли лугати. 1-2-жилдлар. М, 1981.*
7. *Миртожсиев М. Ўзбек тили лексикологияси ва лексикографияси. Тошкент, 2000.*
8. *Маъруфов З., Ақобиров С., Михайлов Г. Ўзбек тили изоҳли лугатини тузиши учун қўлланма. Тошкент, 1964.*
9. *Маъруфов З. Ўзбек лексикографияси 40 йил ичида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 2-сон.*
10. *Ақобиров С. Тил ва терминология. Тошкент, 1960.*
11. *Ақобиров С. Лексикографическая разработка терминологии русско-национальных словарях. АҚД. Ташкент, 1969.*
12. *Ақобиров С. Терминология лугатларининг типлари ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1973, 5-сон.*
13. *Ақобиров С. Лугат – тил хазинаси. Тошкент, 1977.*
14. *Ақобиров С. Нутқ маданияти ва норматив лугат. Тошкент, 1977.*
15. *Абдуллаев Ф. Диалектал лугат тузиши принциплари ҳақида. Ўзбек тили ва адабиёти, 1966, 2-сон.*
16. *Юсупходжаева Х. Лексикографическая разработка глагольных форм в толковом словаре узбекского языка. АҚД. Ташкент, 1975.*
17. *Ишаев А. Ўзбек диалектал лексикографияси. Тошкент, 1990.*
18. *Алиқулов Т., Жомонов Р. Изоҳли лугатга сўз танлашининг баъзи масалалари. Ўзбек тили ва адабиёти, 1990. 4-сон.*

